МИНТАҚА ВА МАҲАЛЛИЙ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ

65.9(2Y)я73
Р-33

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲИМОВА М.Р.

МИНТАҚА ВА МАҲАЛЛИЙ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

284915

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

RAHIMOVA M.R.

REGIONAL AND LOCAL ECONOMY

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент 2004.

Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти - (ўқув қўлланма) - Т.: ТДИУ, 2004 – 128 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётининг хусусиятлари, минтақавий сиёсатнинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари, минтақавий ташкилотлар, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, минтақадаги ишлаб чиқариш кучлари, ишчи кучи ва бандликнинг минтақавий асослари, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тармоқлари, уларнинг ривожланиш хусусиятлари, табиий ресурслари, молиявий маблағлар, маҳаллий бюджет ва маҳаллий солиқларга оид масалалар ёритилган.

Қўлланма иқтисодий таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар: и.ф.д., профессор
Холмўминов Ш.Р.;
и.ф.д., профессор
Ишмуҳаммедов А.Э.
Тақризчилар: и.ф.д., профессор
Абирқулов Қ.М.;
и.ф.н., профессор
Юлдашев З.Ю.

Rakhimova M. "Regional and local economy" (manual) – T.: TSEU, 2004 – 128 pages.

The present manual studies the features of regional and local economy, essence of the regional policy and ways of carrying it out, the regional organizations and, regional self-management, industrial capacities of the region, manpower and regional basis of employment, economic and social branches of the region, its development features, natural resources, financial assets, local budget and local taxes.

The manual is designed for students majoring in "economy".

Responsible editors: Doctor of economic science,
professor Xolmuminov Sh.R.
Doctor of economic science,
professor Ishmuhammedov A.E.
References: Doctor of economic science,
professor Abirkulov Q.M.;
Candidate of economic science,
professor Yuldashed Z.Y.

КИРИШ

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ IX сессиясида иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақида гапириб, республика марказий бошқарув органлари вазифаларининг катта қисмини маҳаллий ҳокимият ва ўзини - ўзи бошқариш органларига топшириш, уларнинг ваколатларини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, И.Каримов «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» ги маърузасида минтақавий ривожланишга ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ишини такомиллаштиришга алоҳида йўналиш сифатида эътибор қаратди. Чунончи, Президент: «Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли — марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқичлаб ўтказа боришни таъминлашдир», деб таъкидлади.

«Аслини олганда, — деб давом этади Президент, — биз аллақачон шу йўлдан бормоқдамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини минтақавий бюджетлар ташкил этмоқда. Шу тариқа давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ каттагина қисми минтақа томонидан назорат қилинмоқда».

Бу эса «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фани олдига мамлакат минтақасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепсияларини ишлаб чиқиш, минтақавий ривожланишга инвестицияларни жойлаштиришга таъсир кўрсатадиган иқтисодий воситаларни аниқлаш ва уларни илмий жиҳатдан асослаш вазифасини қўяди.

Иқтисодий билимларнинг шаклланиши иқтисод фанлари тизимидаги конкрет минтақа ва маҳаллий хўжалик билан шуғулланадиган ягона фан — «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанини ўрганиш билан бошланади. Чунки, ҳар қандай иқтисодий фаолият муайян минтақада рўй беради. Бунда иқтисодчи ресурслар салоҳияти, хўжалик тизими ва унинг ривожланиш даражаси хусусиятларини мукаммал билиши зарур.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиши билан ушбу фаннинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Мазкур қўлланманинг 2-боби доцент С.Зокиров иштирокида ёзилди.

I боб

«МИНТАҚА ВА МАҲАЛЛИЙ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ» ФАНИГА КИРИШ. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УСЛУБИЯТИ

1.1. «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фаннинг предмети, моҳияти ва ўрганиш объекти, унинг бошқа фанлар билан алоқаси

«Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» «Иқтисодиёт» фанининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади.

Минтақа — мамлакат халқ хўжалик мажмуасининг кичик тизими бўлиб, у демографик, табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий ва техник-иқтисодий жараёнларнинг ички алоқаси ва ўзаро муносабатлари туфайли ҳосил бўлган яхлит бирликдир.

«Маҳаллий хўжалик» деб шундай хўжаликка айтиладики, у республика минтақасининг маълум маъмурий қисми - туман, шаҳар ва маҳаллий хўжалик талабларини қондиришга хизмат қиладиган хўжаликлардир.

Маҳаллий хўжалик аҳолининг кундалик талабларини қондиришга хизмат қиладиган халқ хўжалигининг тармоқлари мажмуидан иборат. У ўз ичига қишлоқ хўжалиги, маҳаллий саноат, автотранспорт, маҳаллий коммуникация (алоқа), ўй-жой коммунал хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, халқ таълими муассасалари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот тизимларини олади.

«Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанининг предмети мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг жойлашувини, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, муҳим табиий-иқтисодий, демографик ва экологик хусусиятлар ҳамда уларнинг минтақалараро, минтақа ичидаги ва давлатлараро иқтисодий алоқаларини ўрганишдан иборат. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бу фаннинг асосий вазифаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг минтақавий жиҳатларини ўрганишдан иборат.

«Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фан сифатида ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий инфратузилманинг элементлари, қонуниятлари ва тамойилларини минтақавий жиҳатдан тадқиқ этади; мамлакат умумий стратегиясини ва экологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш йўналишларини белгилайди, минтақа иқтисодиётини ва минтақалараро иқтисодий алоқаларни ўрганади. Бундан ташқари, минтақавий иқтисодиёт ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва

ривожлантириш масалаларини мамлакат миқёсида яхлит ўрганади, зеро, ҳар бир минтақа иқтисодиёти, энг аввало, мамлакат ягона хўжалик мажмуасининг таркибий қисмидир.

Шу билан бирга, мазкур фан мамлакат ва минтақанинг табиий ресурс салоҳиятини, мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни, аҳоли, меҳнат ресурслари ва ҳозирги демографик муаммоларни ўрганади; бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ва минтақанинг иқтисодий даражасини таҳлил қилади ва ишлаб чиқариш кучларининг асосий омилларини аниқлайди.

Ўзбекистоннинг тубдан ўзгариб бораётган замонавий хўжалик мажмуаси мураккаб тармоқлар тизимини ташкил этади. Мустақиллик йилларида электротехника ва электроника, металлургия, микробиология ва кимё саноати тармоқларида кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Асакадаги «ЎзДЭУавто» ва Самарқанддаги «ЎзОтайўл» корхоналари ишга туширилиши билан Ўзбекистон жаҳондаги автомобиль чиқарувчи мамлакатлар сафига қўшилди. Айни пайтда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг устивор тармоқлари бўлиб қолмоқда.

Мамлакат Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ, IX сессиясида сўзлаган нутқида республика марказий бошқарув органлари вазифаларининг катта қисмини маҳаллий ҳокимиятлар ва ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклаш, уларнинг ваколатларини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Шу вазифадан келиб чиқиб, эндиликда ушбу фан мамлакат минтақасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиши, минтақавий ривожланишга ва инвестицияларни жойлаштиришга таъсир кўрсатадиган иқтисодий воситаларни аниқлаши лозим.

Ушбу фан минтақавий молия-кредит муносабатларини ва минтақадаги қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиш жараёнини ҳам ўрганади.

Бўлажак иқтисодчилар иқтисодий билимларининг шаклланиши иқтисод фанлари тизимидаги конкрет минтақа ва маҳаллий хўжалик билан шуғулланадиган ягона соҳа — минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини ўрганишдан бошланиши керак. Дарвоқе, шунга эътибор бериш лозимки, ҳар қандай иқтисодий фаолият муайян минтақада рўй беради. Демак, иқтисодчи минтақанинг ресурс салоҳияти, хўжалик тизими ва унинг ривожланиш даражаси хусусиятларини мукаммал билиши зарур.

Шундай қилиб, «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожланти-

риш масалаларини, мамлакат ва минтақадаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни табиий-экологик шароитлар билан биргаликда ўрганадиган фандир.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамиз минтақалари иқтисодий жиҳатдан турли даражада ривожланмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари асосий халқ хўжалик тармоқларининг ривожланишига кўра, республиканинг бошқа минтақаларидан олдинда туради. Аксинча, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бу кўрсаткичлар бўйича энг қуйи ўринларни эгаллайдилар. Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларининг мавжудлиги Фарғона водийси вилоятлари олдидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса аксинча, қишлоқ хўжалигини ишчи кучлари билан таъминлаш ўткир муаммо бўлиб турибди. Навоий вилоятида ишсизлик даражаси юқори.

Умуман, йирик саноат корхоналари жойлашган минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан янги ўзлаштирилган, саноати кам тараққий этган минтақага қараганда анча юқори.

Ҳозирги пайтдаги минтақавий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан яна бири — иқтисодий кооперация ва минтақаларо меҳнат тақсимотини такомиллаштиришдир.

Минтақа ривожланишидаги энг муҳим вазифалардан бири — турли минтақа аҳолисининг турмуш даражаси бўйича тафоввутларни бартараф этишдан иборат. Ушбу вазифани бажаришда тараққиёт даражаси паст бўлган минтақани ривожлантириш учун махсус Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиий ресурсларга бой минтақаларда минтақавий ишлаб чиқариш ҳудудини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

«Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанининг объектив асосини ҳар бир минтақада мавжуд бўлган меҳнат тақсимоти ташкил этади. Маълумки, барча иқтисодий формацияларнинг меҳнат тақсимоти пайдо бўлган, яъни ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан меҳнат тақсимоти ҳам ривожланган.

Меҳнат тақсимоти, ўз навбатида, ихтисослашишни ривожлантирган. Ихтисослашиш минтақаларда бир-биридан фарқли равишда ривожланган. Меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувни ривожлантириш объектив жиҳатдан ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятларидан келиб чиқади.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти деб, маълум бир ишлаб чиқаришнинг қайсидир минтақа бўйича жойлашувига айтилади. Меҳнат тақсимоти энг аввало табиий, иқлимий шароит, аҳоли ва унинг хусусиятлари (демографик, миллий) ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Масалан, Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг саноатлашган минтақаси ҳисобланади. Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари эса қишлоқ хўжалиги ривожланган минтақалардир. Демак, ҳар бир минтақа бир-бирларидан маълум жиҳатлари билан фарқланади. Уларни иқтисодий жиҳатдан бошқариш, режалаштириш ва прогноз қилишда бир хил андозага таяниб бўлмайди. Шу сабабларга кўра, ҳар бир минтақа алоҳида бошқариш ва режалаштириш объекти ҳисобланади.

Минтақа деб, мамлакатнинг шундай бир яхлит бўлагига айтиладики, унда қуйидаги учта ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлади:

1. Аҳоли ва унинг хусусиятлари.
2. Табиий-иқлимий шароитдаги ўхшашликлар.
3. Ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратизилма ва коммуникация бирликлари.

Минтақанинг маълум ўхшашликлари бўлсада, унинг қатъий чегараси йўқ (аҳоли сони, майдони, ишлаб чиқарувчи кучларининг даражаси ҳар хил бўлиши мумкин).

Биз ушбу фанда Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, йирик шаҳарлар ва жойларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ўрганамиз.

«Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фани кўплаб фанлар, айниқса, «Макроиқтисодиёт» ва «Ижтимоий соҳани прогноз қилиш ва тартибга солиш», «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогноз қилиш», «Тармоқлараро баланс», «Маркетинг», «Менежмент», «Бозор иқтисодиёти асослари», «Статистика», «Иқтисодий информатика» фанлари билан узвий боғлиқ.

1.2. «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанининг вазифалари

«Минтақа ва маҳалллий хўжалик иқтисодиёти» фанининг асосий вазифалари минтақадаги барча тармоқларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлашдан иборат.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш учун:

- барча ресурслардан (моддий, молиявий, меҳнат) фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва мутаносиблигини таъминлаш, шу асосда унинг самарадорлигини ошириш:

- истиқболдаги ривожланиш суръатларини аниқлаш, бунда маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланишга эътибор бериш;

- фан-техника ютуқларидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш, илмий-техника тараққиётини жадаллашишнинг иқтисодий механизмни яратиш, режалаштиришни янада демократиялаштириш, корхоналарга, минтақавий бирликларга индикатив (тавсиявий) режаларни тузиш учун ҳуқуқий-иқтисодий шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида самарали рақобат бўлиши учун бозор талабига мос равишда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- ишлаб чиқаришни бозор ҳажми ва талабига мос равишда ташкил этиш;

- валюта тушумларининг кўпайишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш;

- бозор талаби асосида тез ўзгарувчан янги технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш ва ҳоказолар кўзда тутилади.

1.3. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган тамойиллар ва усуллар

«Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанининг илмийлик даражаси иқтисодий қонунлардан онгли равишда фойдаланилишига боғлиқ. Иқтисодий қонунлар объектив равишда ҳаракат қилади. Буни англаш ва тафаккур қилиш орқали ҳар бир қонуннинг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий оқибатларини кўришимиз мумкин. Иқтисодий қонунлардан фойдаланиш режаларнинг илмий жиҳатдан асосли ва аниқлигини таъминлайди.

Иқтисодий қонунларнинг энг асосийси қўшимча қиймат қонунидир. Ҳар бир капитал эгаси қўшимча қиймат олиш учун узоқ муддатли сармоя қўяди. Ҳозирги кунда қўшимча қиймат олиш учун кўплаб халқаро фирма, корпорация, концернлар фаолият юритишмоқда, янгилари ташкил қилинмоқда.

Қўшимча қиймат қонунининг асосий моҳияти фойда олиш учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва шу асосда жамият тараққиётининг ривожига таъсир этишдир. Қўшимча қиймат қонунини бошқариш амалиётда режалар, дастурлар, концепциялар ва бошқа иқтисодий ҳужжатларда аниқланади.

Бозор иқтисодиётида талаб ва эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонунидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Талаб ва эҳтиёжлар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ва ресурслар чегарасини кенгайтиришга мажбур этади. Қўшимча қиймат олиш учун талаб ва эҳтиёжларнинг доимо ўсиб бориши объектив заруратдир.

Муттасил ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларни қондириш режалаштиришда қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади:

- бозор шароитини ўрганиш ва бозор ҳажмини аниқлаш. Бу масала иқтисодчилар томонидан доимо ўрганилади ва мос равишда амалий хулосалар қилинади.

Эҳтиёжларни қондириш учун барча ички заҳиралар, манбалар аниқланади ва тегишли чора — тадбирлар белгиланади. Жумладан, ишлаб чиқариш қувватлари мутаносиблиги ҳисобланади ва қувватлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш чора-тадбирлари белгиланади.

- маҳсулотнинг рақобатга бардошлилик даражаси оширилади. Бунинг учун маҳсулотларни сифат ва ташқи кўриниш жиҳатидан дунё стандарти талаблари бўйича ишлаб чиқариш ва уларнинг таннархини минимал даражага келтириш масалалари ҳал қилинади.

Иқтисодиётни тартибга солишда ушбу масалаларнинг ҳал қилиниши иқтисодий самарадорликни ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлайди. Шунингдек, меҳнат унумдорлигининг муттасил ўсиб бориш қонуни айниқса, пухта ўрганилиши лозим.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш иқтисодиётнинг бошқарув стратегиясини такомиллаштириш ва инсон омилидан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

Жамғариш қонуни ишлаб чиқариш билан истеъмолнинг мутаносиблиги белгиланишини тақозо этади. Агар жамғариш кўпайса, истеъмол шунга мос равишда камаяди. Натижада ижтимоий ривожланиш жараёнида қўшимча зиддиятлар пайдо бўлади ва аксинча. Жамғариш қонуни энг аввало жамият ривожланиши учун зарур бўлган мутаносибликларни: жамғариш билан истеъмолни: биринчи-гуруҳ ишлаб чиқариш воситалари ва иккинчи гуруҳ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни; саноатда «А» ва «В» гуруҳлари ўртасидаги мутаносиблик тараққиётнинг ҳар бир босқичида илмий асосланган ҳолда ўрнатилишини тақозо этади.

- Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда минтақавий режа тузиш тамойилларига амал қилинади.

1) Минтақада режаларнинг энг асосий тамойилларидан бири — илмийлик тамойилидир.

Режаларнинг илмийлигини иқтисодий қонунлар, илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар, ЭҲМларда тузилган кўп вариантли режаларнинг оптимал варианти орқали режалаштириш услубиётини такомиллаштириш ва халқаро режалаш-

тириш тажрибасидан фойдаланиш йўли билан таъминлаш мумкин. Режалаштириш принципларига амал қилинаётганда ҳар бир минтақанинг (шаҳарлар, вилоятлар) ва бошқа минтақавий бирликларнинг ҳақиқий даражаси ҳисобга олинади.

2) Режаларнинг ҳақиқийлиги. Режаларнинг ҳақиқийлиги мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари ҳисоб-китобларига, талаб ва эҳтиёжларга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига боғлиқ. Ҳақиқий режа-бажарилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган режадир.

3) Режаларнинг комплекслик тамойили. Бу тамойил минтақадаги ишлаб чиқариш, транспорт ва коммуникация соҳалари, аҳоли ва атроф-муҳитнинг узвий равишда ривожланишини тақозо этади. Ҳозирги даврда комплексликни таъминлаш ижтимоий соҳа ва экологиянинг устун даражада ривожланишини талаб этади.

4) Етакчи бўғинларнинг устивор даражада ривожланишини таъминлаш. Республиканинг барча минтақаларида халқ хўжалигининг етакчи бўғинлари илмий-техника тараққиёти (ИТТ)ни жадаллаштирадиган соҳалар (электроника, машинасозлик) ҳисобланади. Қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳозирги даврнинг асосий талабларидан биридир. Ўзбекистонда барча турдаги хомашё ва минерал ресурслар бўлгани ҳолда, бу маҳсулотларни ишлайдиган корхона уларни бирламчи қайта ишлайди, асосий маҳсулотлар эса хомашё сифатида чет элга чиқарилади.

5) Ижтимоий самарадорлик тамойили. Минтақадаги барча ишлаб чиқариш соҳаларининг самарадорлиги минтақа иқтисодий бошқарув тизимларига ҳам боғлиқ. Масалан, маҳсулотларни четга чиқариш учун лицензиялар бериш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, экологик муҳитни муҳофаза қилиш минтақадаги иқтисодиёт билан шуғулланувчи ташкилотларнинг асосий вазифасидир. Юқоридаги шарт-шароитларнинг яратилиши вилоят, шаҳар миқёсидаги самарадорлик ошишига олиб келади.

Режаларнинг илмий асосланганлиги, мақсадлилиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган усуллар тизими муҳим роль ўйнайди. Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда асосий ҳисобланадиган усуллар қуйидагилардан иборат:

1. Баланс. 2. Норматив. 3. Мақсадли дастурий. 4. Иқтисодий математик усуллар.

Режалаштиришнинг баланс усули ёрдамида турли ишлаб чиқариш тармоқлари ва минтақа ривожланишида координация ва пропорцияларни таъминлашда ижтимоий талаб ва ресурс-

ларни бир-бирига боғлаш; норматив усули режалар ижтимоий-иқтисодий мақсадлар ва ИТТ ютуқларини акс эттирувчи норма ва нормативларнинг илғор тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширилади. Режалаштириш мақсадли дастурий усули йирик хўжалик муаммоларини, муҳим фан-техника масалаларини асослашда қўлланилади. (масалан, космос дастури, уй-жой билан таъминлаш дастури). Бу дастурлар бир неча республика ўртасида амалга оширишлиши мумкин.

Режалаштиришнинг иқтисодий-математик усуллари режаларини оптималлаштиришда ва уларни илмий асослаш мақсадида қўлланилади, ҳисоблаш техникаси ёрдамида амалга оширилади.

Юқорида келтирилган усуллар минтақа иқтисодиётини тартибга солишда бир-бирини тўлдиради. Улардан режаларни тузишда фойдаланилади.

1.4. Минтақанинг комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартибга солишда маҳаллий ҳокимият органлари ролининг ошиб бориши

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иқтисодиётда демократиялаштириш жараёни кучаймоқда. Бу объектив жараён маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берди, маҳаллий ҳокимият идораларининг ваколатлари кенгайишига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида буни «Ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари кенгашлари тўғрисида»ги қонунда вилоятлар ва шаҳарларда тузилган ҳокимиятлар мисолида кўриш мумкин.

Маҳаллий ҳокимиятга бериладиган ваколатлар бозор иқтисодиёти институтларини яратиш жараёни ҳамда бозор стратегиясини яратиш жараёнида янада такомиллашади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари кенгашлари тўғрисида»ги қонунида маҳаллий ҳокимият идораларига бир қанча ваколатлар берилган. Унда жумладан, қонуннинг 12-моддасида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари, уларга берилган вазифалар ва ҳуқуқлардан фойдаланиб, маҳаллий моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни назарда тутиб, мустақил равишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини тузадилар, деб кўрсатилган.

Қонунда маҳаллий ҳокимият идоралари тасарруф этадиган коммунал мулкчилик кўрсатилган.

Коммунал мулк ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характеридаги маҳаллий ҳокимиятга тегишли мулклар ҳисобланади.

Коммунал мулкчиликка асосланган корхоналар биринчи навбатда маҳаллий, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишлари лозим. Маҳаллий ҳокимиятларга бериладиган ваколатлар, айниқса, ноишлаб чиқариш соҳаларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, ер ресурсларини тақсимлашда катта аҳамият касб этади.

108 - бет.

Қисқача хулосалар

Фаннинг объектив асосини ҳар бир минтақада мавжуд бўлган меҳнат тақсимоти ташкил этади. Меҳнат тақсимоти ихтисослашишни ривожлантиради.

Ихтисослашиш деб, ижтимоий меҳнат тақсимотидаги маълум бир ишлаб чиқаришнинг қайсидир минтақаси бўйича жойлашувига айтилади.

Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда бир қанча тамойилларга амал қилинади. Масалан, илмийлик, ҳақиқийлик ва ҳоказолар.

Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда баланс, норматив ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

Маҳаллий ҳокимиятларга бир қанча ваколатлар берилган бўлиб, улар бозор иқтисодиёти институтларини ҳамда бозор стратегиясини яратиш жараёнида янада такомиллашади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Минтақа» тушунчаси нимани англатади? Унинг моҳияти нимада?
2. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фанининг предмети ва вазифалари нималардан иборат?
3. Минтақа иқтисодиётини тартибга солишда қандай услубий тамойиллар ва усуллардан фойдаланилади?
4. «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанининг объектив асосини нима ташкил этади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. М.Раҳимов, М.Ирматов. Ҳудуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, – Т.: 1999.
4. Г.В.Копанев «Региональная экономика» (вводная часть) Ижевск: «Персей», 1994.
5. Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). – М.: ЮНИТИ, 2000.
6. Филипнов Ю.В., Авдеева Т.Т. Основы развития местного хозяйства. –М.: изд. Дело, 2000.

II боб

МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамияти

Минтақавий сиёсат минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир. Унинг ўрганиш объекти аҳолининг турмуш даражаси ҳамда яшаш шароитидаги, бандлик ва ишсизлик, алоҳида минтақанинг иқтисодий ўсиш суръатлари ва тадбиркорлик фаолиятининг минтақавий тафоввутлари ҳисобланади.

Минтақавий сиёсатнинг асосий вазифаси — мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига барча минтақаларнинг ривожланиш даражасини имкон қадар бир-бирига яқинлаштиришдир.

Аҳолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимотидаги минтақавий тафоввутларни энг кам даражага келтириш марказий ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб, маҳаллий ҳокимиятлар ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатларини оширишга қаратилади.

Минтақавий сиёсат вазифасини аниқ белгилаш ва муаммоларини ҳал этишдан аввал минтақавий нотенгликларнинг сабабларини ўрганиш лозим. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

1) Табиий иқлим шароитидаги кескин тафовутларни айрим минтақада яшовчи аҳолининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини ўрганиш;

2) Минтақанинг «унумдорлиги» (тараққий этганлиги, ривожланганлиги) табиий ресурслар ҳажми, сифати ва улардан фойдаланиш йўналишлари орқали аниқланади. Бу омил нафақат ер ости бойликларини қазиб олиш, балки қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатни ҳам қамраб олади ва кишилар ҳаётига таъсир кўрсатади.

3) Минтақаларнинг чекка ҳудудида жойлашганлиги туфайли транспорт харажатлари ортади. Бу эса, маҳсулотлар харид нархларининг ортишига олиб келади, оқибатда уларнинг бозори тораяди.

4) Мамлакат иқтисодий ривожланишидаги тенденцияларга кўра, иқтисодий ўсиш даврида қолоқ минтақада янги корхоналар барпо этилади ва уларнинг фаолияти натижасида минтақа-

да иқтисодий ўсиш даражаси ортади, стагнация даврида эса пасаяди.

5) У ёки бу технологияларни ишлаб чиқаришга таъсир этувчи технологик омиллар (хомашё ресурслари, оралиқ маҳсулотлар, тайёр маҳсулот ва хизматлар).

6) Умумий ва минтақавий сиёсат нормалари мамлакатдаги сиёсий шарт-шароитлар, минтақанинг автономия даражаси, уларнинг ривожланиш даражаси.

7) Ишлаб чиқариш инфратузулмаси — транспорт тармоқлари, саноат майдонлари билан таъминланиши, телекомуникацион тизимларнинг мавжудлиги.

8) Ижтимоий, маданий омиллар — шаҳарлашув (урбанизация) даражаси, ахолининг маълумоти, малакаси, илмий марказларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Санаб ўтилган омиллар ёрдамида минтақалар нима учун бир-биридан бундай кескин фарқ қилишининг сабабларини билиш мумкин. Кейинги йилларда минтақалар орасида минтақавий нотенгликлар янги омиллар натижасида келиб чиқмоқда. Булар:

1. Туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш суръатларидаги тафоввутлар (масалан, давлат мулкини хусусийлаштириш).

2. Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва иқтисодиётга таъсир кўрсатиш соҳасида минтақавий, давлат ва ўзини - ўзи бошқариш органлари билан марказий ҳукумат ўртасида вазифалар тақсимоти жараёнининг охирига етмаганлиги.

3. Аҳоли даромадларининг тафоввутлашув жараёни (турмуш даражасининг пасайиши) аҳолининг алоҳида қатламлари орасида ҳам, минтақа орасида ҳам назорат қилинмаганлиги.

4. Айрим минтақа учун имтиёзлар ва субвенциялар ажратиш жараёнининг назорат қилинмаслиги.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг 2 хил усули қўлланилади:

1) Адолатли усул — ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг шундай турики, унга кўра, мамлакат фуқаролари қайси минтақада яшашларидан қатъи назар уларнинг турмуш даражаси деярли бир хил шароит ва имкониятларда бўлиши кўзда тутилади.

2) Самарали усул — умумдавлат манфаатлари йўлида ҳар бир минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятларидан оқилона фойдаланишга қаратилган усулдир.

Ҳар икки усул турли-турли ҳолатларда бир-бирини тўлдирадиган бўлиши мумкин. Бу эса муайян мамлакат иқтисодий

284915

тараққиётнинг қайси поғонасида турганлигига боғлиқ. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган: АҚШ, Канада, Япония, ва Ғарбий Европа мамлакатларида иқтисодий сиёсатнинг адолатли усули кенг қўлланилмоқда.

2.2. Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажриба

Хорижий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, минтақанинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича турли мамлакатларда хилма-хил йўналишлар мавжудлигига қарамасдан, улар ўртасида тафоввутлар кам. Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишдан мақсад эса қуйидагиларни ҳал этишдан иборат:

1. Иқтисодий қолоқ минтақа ривожланишини рағбатлантириш.
2. Марказий ҳокимият вазифаларининг катта қисмини маҳаллий давлат органлари зимасига юклаш.
3. Йирик шаҳарларда саноат ишлаб чиқаришини чеклаш.
4. Янги ўзлаштирилган минтақада ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, уларни ривожлантириш

Минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг энг оммавий усулларидан бири минтақавий ривожланиш жамғармаларини ташкил этиш ҳисобланади.

Биринчи марта 1975 йилда Европа Иттифоқи қошида минтақавий мувофиқлаштириш жамғармаси ташкил этилди. Яна бир неча мамлакатда ҳам айрим минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини амалга ошириш мақсадида махсус жамғармалар тузилган. Булар сирасига Италиянинг давлат субсидияси ҳисобига жанубий минтақа инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган Жануб хазинасини, Болгариядаги айрим минтақалар ривожланишини жадаллаштириш давлат дастурини таъминлаш бўйича, Венгрияда 3 та мақсадли жамғармадан иборат минтақа ривожланишининг марказий жамғармаларини киритиш мумкин.

Кўплаб хорижий мамлакатлар минтақавий сиёсатининг муҳим хусусияти шундаки, унда йирик маъмурий бирликлар (штат, губерния, провинция) эмас, балки муайян шаҳар ва муниципалитлар минтақавий ривожланиш маконлари ҳисобланади, жумладан, Францияда кам ривожланган Жанубий-Ғарб минтақасининг 9 агломерация ва 17 шаҳари, Италияда 12 та саноатни ривожлантириш ареаллари ва 26 та индустризация ядролари, Германияда 300 та аҳоли пунктлари мавжуд.

Бу соҳада нидерландияликлар ва белгияликлар тажрибаси, айниқса, диққатга сазовор. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шаҳарлар ва қишлоқлар ривожланишини режалаштириш бўйича қонун биринчи марта Белгияда 1915 йилда қабул қилинган.

Кўплаб мамлакатларда минтақавий сиёсат ўзининг ички имкониятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб турлича қўлланилиши мумкин. Масалан, туғилишни камайтириш сиёсати ниҳоятда қаттиқ йўлга қўйилган. Хитойда зичлик кўрсаткичлари паст бўлган Тибет ва Уйғур-Сянган автоном округи учун оилада болалар сони чекланмаган.

2.3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон минтақавий сиёсатининг асосий йўналишлари

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг биринчи навбатда бой табиий-иқтисодий салоҳиятга эга минтақа ва шаҳарларнинг ривожланишига, минтақа иқтисодий ривожланишидаги тафоввутларни камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг натижаси сифатида саноатда содир бўлаётган минтақавий ва тармоқлараро ўзгаришларни кўрсатиш мумкин. Агар 1990 йили мамлакатда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 60%и Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 1999 йилга келиб, мазкур минтақанинг республикадаги улуши 37,6% ни ташкил этди.

1997 йилдан бошлаб республикадаги бир қанча вазирлик ва идоралар тугатилиб, уларнинг қарамоғидаги корхона ва ташкилотлар маҳаллий ҳокимият тасарруфига ўтказилди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг 70%дан ортиғи қишлоқларда ва кичик шаҳарларда истиқомат қилади. Мустақиллик йилларида қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш даражаси шўролар ҳокимияти давридагига нисбатан 3 марта ортди.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида уларни саноат ва ижтимоий соҳаларга жалб қилиш учун қишлоқ хўжалигидан 100 мингдан ортиқ киши бошқа соҳаларга жалб қилинди. Республиканинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш, фойдаланилаётган минерал хомашё ресурсларини ўзлаштириш мақсадида янги коммуникация иншоотлари қурилмоқда.

Учқудуқ - Тўрткўл-Султонуздак ва Ғузор-Бойсун -Қумқўрғон темир йўл линияларининг ишга туширилиши нафақат кам ривожланган Сурхондарё вилояти, балки Қорақалпоғистон Ре-

публикаси, Қашқадарё вилоятида ҳам ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига ҳамда шу минтақада урбанизация жараёнининг юксалишига сабаб бўлди.

Ҳозирги пайтда мамлакатнинг айрим минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ҳукумат даражасида дастурлар ишлаб чиқилган. Бундай дастурлар Наманган ва Хоразм вилоятларида амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз минтақавий сиёсатидаги муҳим воқеликлардан бири маҳаллалар фаолиятига давлат томонидан катта имтиёз ва ваколатлар берилиши бўлди.

Маҳалла кўплаб хорижий мутахассислар томонидан ўзбек моделининг энг оргинал хусусияти сифатида тан олинмоқда.

Кейинги йилларда турли вилоятлар орасида махсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларнинг тафоввутлари ўсиб бормоқда. 1999 йилги маълумотларга кўра, бундай тафоввутлар ЯИМ бўйича 2,8, саноат бўйича 12, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 7,6, қишлоқ хўжалиги бўйича 3, аҳолининг даромадлари бўйича 4,2 марта юқори.

108. бет.

96 бет.

Қисқача хулосалар

Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг моҳияти минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солинишидир.

Минтақавий сиёсатнинг асосий вазифаси – мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига мамлакат барча минтақаларининг ривожланиш даражасини имкон қадар бирбирига яқинлаштириш.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг 2 хил усули мавжуд: 1)адолатли; 2) самарали усул.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Минтақавий иқтисодий сиёсат нима?
2. Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича қандай хорижий тажрибалар бор?
3. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатни ўтказишнинг қандай йўналишлари мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т: Ўзбекистон,1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Региональная экономика. Под ред Т.Г. Морозовой, – М.: ЮНИТИ, 2000.

III боб

МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ

3.1. Минтақада бошқариш ва режалаштириш ташкилотларининг тизими, уларнинг вазифаси ва бурчлари

Минтақавий ҳокимият ва бошқарув идораларининг бозор ислоҳотлари жараёнида тутган ўрни ва мавқеи тобора ошиб бормоқда. Бу эса муниципаллаштиришда ўз аксини топмоқда. Муниципаллаштириш давлат мулкини республика ва коммунал (муниципал) мулкка, қонунларга биноан ажратиш, деган маънонигина эмас, балки маҳаллий маъмуриятларнинг иқтисодий усуллар билан ўзи идора қиладиган минтақада қайта ишлаб чиқариш жараёнининг боришига таъсир кўрсатиш имкониятлари янада кенгайишини ҳам англатади.

Минтақа иқтисодиётини ташкил этадиган барча тузилмалар, фаолият турлари ва корхоналар имкони борича ўзларининг тараққиёт стратегияларини танлаш чоғида нақадар мустақил ва эркин бўлмасинлар, ҳокимликларнинг муайян таъсир этувчи иқтисодий воситаларини ҳис этиб туришлари керак. Маҳаллий маъмурият бир томондан, ўзига бўйсунувчи минтақада ягона ижтимоий-иқтисодий мажмуани шакллантириши, иккинчи томондан, ўз минтақасининг бошқа мамлакатга чегарадош бўлган минтақа билан минтақавий иқтисодий интеграция жараёнига таъсирини таъминлаши зарур.

Минтақада ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш масалалари билан вилоят, шаҳар ҳокимиятлари қошидаги иқтисодиёт бош бошқармалари шуғулланади. Ҳокимиятлар қошида иқтисодиёт билан шуғулланувчи барча идоралар истиқболдаги муаммоларни режалаштириш бошқармаси билан биргаликда мувофиқлаштиради. Ҳокимиятлар таркибида иқтисодиётнинг у ёки бу соҳалари билан шуғулланадиган молия бўлимлари, банклар ва бошқа идоралар ҳам мавжуд. Маҳаллий минтақадаги режалаштириш ташкилотлари ўз фаолиятини тегишли вазирлик ва маҳаллий ҳокимият тасдиқлаган низом асосида олиб боради. Низомда режалаштириш бошқармасининг фаолият йўналишлари, ҳуқуқлари ва бурчлари кўрсатилган.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармаларининг раҳбарларини тайинлаш вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан, туман ва шаҳар иқти-

содиёт бўлимлари раҳбарларини тайинлаш эса, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари тавсиясига кўра, тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Иқтисодиёт минтақавий органларига қуйидаги вазифалар юкланади:

— минтақада бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга оид тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— минтақавий балансларни, минтақани комплекс ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга оид таклифларни тайёрлаш;

— аҳолини иш билан таъминлаш асосида унинг турмуш даражасини ошириш; истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантиришнинг йўналишларини ва аниқ йўлларини белгилаш;

— халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берувчи статистик ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш услубларини жорий этиш, минтақа иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган жараёнларнинг статистик ҳисоби ва таҳлили тўлиқлиги ва тезкорлигини таъминлаш.

Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси қуйидаги йўналишда фаолият юритиади:

- вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режаларини белгиланган муддатда ва тартибда ишлаб чиқиш, вилоят ҳудудидаги барча корхоналар, шаҳар ва туманларнинг бизнес-режалари устидан услубий раҳбарлик қилиш;

- республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш дастурини, ҳудудий ишлаб чиқариш дастурларини тузишда бевосита иштирок этиш ва тегишли тавсия ва таклифлар бериш;

- иш жойини ташкил этиш, меҳнат баланси, моддий балансларни тузиш, режаларининг бажарилишини назорат қилиш ва ҳоказо.

Туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлигининг иқтисодиётни мувофиқлаштириш бўлими Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ ташкил этилган ҳамда ўз фаолиятида туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлигига бўйсунади ва вилоят истиқболни белгилаш иқтисодиёт бошқармасига (Қорақалпоғистон Республикасида — иқтисодиёт қўмитасига, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида — иқтисодиёт бош бошқармаларига) ҳисоб беради. Туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликларининг иқтисодиётни мувофиқлаштириш бўлимларига услубий раҳбарликни ва

улар фаолиятини мувофиқлаштиришни вилоят Иқтисодиёт бошқармаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги амалга оширади.

Туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликларининг иқтисодиётни мувофиқлаштириш бўлимининг бош вазифалари ва фаолияти йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

— табиий, меҳнат ва бошқа маҳаллий ресурслардан, яратилган ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ўзига қарашли минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қисқа муддатга ва истиқболдаги даврга мўлжалланган истиқболни белгилаш мажмуини ишлаб чиқиш, тасдиқланган истиқболли белгилашларни таҳлил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, статистик ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш ҳамда ҳокимият ва бошқарув органларини ишончли маълумотлар билан таъминлаш;

— бошқармалар, бўлимлар, туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликлари, қишлоқ, шаҳарча ва овул кенгашлари ижроия қўмиталарининг, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш истиқболини белгилаш, ягона статистика сиёсатини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, бу ишга услубий раҳбарлик қилиш ва тажриба алмашиш;

- республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тегишли мақсадли дастурлардан келиб чиқувчи вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

- туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлигининг бошқармалари ва бўлимлари, илмий муассасалар билан биргаликда, шунингдек, идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъиназар, туман, шаҳар, шаҳардаги туман минтақасидаги корхоналар ва ташкилотлар истиносиз барчасининг таклифлари асосида қисқа муддатли даврларга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш истиқболини белгилаш лойиҳаларини тайёрлаш;

- илмий муассасалар билан биргаликда иқтисодий ва ижтимоий дастурлар мажмуи ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш якунларига таҳлилий-истиқболни белгилаш жиҳатидан баҳо берилишини, маҳаллий хўжалик ва коммунал мулк шаклланишига, туман, шаҳар, шаҳардаги туманда бозор иқтисодиёти шаклланиши жараёнига баҳо берилишини таъминлаш;

- статистик ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва бериш технологиясининг ягона техника сиёсатини амалга ошириш;

- ижтимоий жараёнларни ўрганиш, аҳолини рўйхатга олиш, ижтимоий-демографик тадқиқотлар, оила бюджетлари, сўровлар ўтказилишини ташкил қилиш, статистика ахборотининг сифати ва тезкорлиги ошишига кўмаклашиш;

- иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Президент фармонлари, республика ҳукумати қарорларининг ижро этилиши устидан статистика кузатувини амалга ошириш, уларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тайёрлаш, халқ хўжалиги ривожланиши самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш;

- туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлиги бўлими истиқболни белгилаш қандай бажарилаётганлигини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлиги бошқармалари ва бўлимларига айрим тармоқларни ривожлантиришда аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида таклифлар киритиш, тасдиқланган истиқболни белгилашларнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлигига мунтазам равишда маълумот бериб туриш, туман, шаҳар, шаҳардаги туман ривожланишидаги номутаносибликларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Бўлим зиммасига қуйидагилар юкланади:

- корхоналар ва ташкилотларнинг, қайси идорага бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, уларда ҳисоботнинг ишончлилигини ва дастлабки ҳисобга олишнинг ҳолатини текшириш;

- истиқболни белгилаш лойиҳаларини ва алоҳида хўжалик муаммоларини ишлаб чиқиш учун туман, шаҳар, шаҳардаги туман минтақасидаги илмий-тадқиқот, технологик ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини, олий ўқув юртлари ва бошқа муассасаларни, шунингдек, алоҳида олимлар ва мутахассисларни жалб қилиш;

- туман, шаҳар, шаҳардаги туманни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболини белгилаш ва статистика ахбороти сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг рўёбга чиқарилиши учун амалдаги қонунчилик доирасида барча зарур чораларни кўриш;

- туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликлари бўлимлари ва бошқармаларидан, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан, қишлоқ, шаҳарча, овул Кенгашлари ижроия қўмиталаридан белгиланган статистика ахборотини, шунингдек, истиқболни белгилаш кўрсаткичлари ҳамда минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши истиқболини белгилашни, маҳаллий бинокорлик материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш истиқболини белгилашни, ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий-маиший объектларни ривожлантириш ҳамда айрим хўжалик масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш учун зарур бўлган бошқа материалларни олиш;

- ўзи ваколатига кирувчи масалалар бўйича туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликлари бўлимлари ва бошқармаларининг, идоравий бўйсунишидан қатъи назар, корхоналар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

- туман, шаҳар, шаҳардаги туман бошқармалари ва бўлимларида, корхоналар, ташкилотлар, жамоа ва ширкат хўжаликларида истиқболни белгилаш-иқтисодий ва статистика ишларининг йўлга қўйилишини текшириш, бу ишларни яхшилаш бўйича уларга тавсиялар бериш;

- туман, шаҳар, шаҳардаги туман хўжаликларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш учун идоралараро кенгашлар чақириш;

- қўйиладиган талабларга жавоб бермайдиган истиқболни белгилаш лойиҳаларини туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликлари бошқармалари ва бўлимларига, қишлоқ, шаҳарча ва овул Кенгашларига пухта ишлаш учун қайтариш;

- ҳисобот маълумотлари бузилганлиги аниқланган ҳолларда давлат ҳисоботига ўзгаришлар киритиш; тегишли юридик ва жисмоний шахсларга бу тузатишларни дастлабки ва бухгалтерия ҳисобида, бошқа ўзаро боғлиқ кўрсаткичларда акс эттириш мажбуриятини юклаш;

- давлат статистика кузатишларини олиб бориш учун маълумотларни тақдим этмаган ёхуд уларни кечикиб ёки бузилган ҳолда тақдим этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан белгиланган тартибда иқтисодий жазолар қўллаш.

Бўлим ўз иши тўғрисида туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт қўмитаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг иқтисодиёт бош бошқармалари олдида ҳисобот беради.

3.2. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини мувофиқлаштириш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш чора-тадбирлари

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштиришда давлат корхоналарининг манфаатларини минтақа иқтисодий манфаатлари билан мувофиқ тарзда олиб бориш керак. Корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқиши уларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиради. Мустақил корхоналарнинг фаолиятларини мувофиқ олиб бориш минтақавий самарадорлик оширилишига таъсир этади. Минтақавий режалаштириш ташкилотлари иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналарнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш

ваколатларига эгадир. Уларнинг шу каби ваколатлари «Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари тўғрисида» ги қонунда кўрсатиб берилган. Тармоқлар ва минтақани режалаштириш ташкилотларининг баланс ҳисоб-китобларини бажаради. Бунинг учун моддий, меҳнат ва молиявий балансслар тузилади.

Режалаштириш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

1. Ўтган бир неча йиллар иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар, заҳиралар ва иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари аниқланади. Бу ишлар режалаштириш ташкилотлари томонидан бажарилади. Таҳлил якунлари натижаси бўйича юқори умумрежалаштириш ташкилотларига таклифлар, тавсиялар ва ташаббусли мулоҳазалар берилади.

2. Барча қуйи ташкилотларда аниқланган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

3. Кенг кўламдаги режа ҳисоб-китоблари бажарилади. Режа ҳисоб-китобларини бажариш учун барча режалаштириш ташкилотларига умумий йўл-йўриқ, услубият, ҳисоб-китобларни бажариш тартиби, вақти берилади.

Режаларнинг бажарилишини таъминлаш учун иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий механизмлардан фойдаланилади. Иқтисодий механизм ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга кучли таъсир этади. Иқтисодиётда энг кучли таъсир этувчи механизмларга баҳо, молия, кредит ва иқтисодий бошқариш механизмлари киради.

Назорат ишлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- назорат ўз вақтида ўтказилиши;
- назоратни белгиланган режа асосида ташкил этиш;
- назорат комплекс тарзда бўлиши лозим.

Режаларнинг бажарилишини таъминлаш ишлари билан умумрежалаштириш ва бошқариш ташкилотларидан ташқари банклар, молия бўлимлари, ҳуқуқий ташкилотлари шуғулланади.

Қисқача хулосалар

Минтақа иқтисодиётини тартибга солишни ташкил этишда бир қанча режалаштириш ташкилотлари иштирок этади.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштиришда давлат корхоналари манфаатлари минтақа иқтисодий манфаатлари билан мувофиқ тарзда олиб борилади.

Режаларнинг бажарилиши назорат қилиб борилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўтиш даврида минтақа иқтисодиётини ташкил этиш қандай йўлга қўйилган?
2. Марказлашган бозор тизимининг моҳияти нималардан иборат?
3. Бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари, функция ва вазифалари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, -Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. М.Раҳимова, М.Ирматов. Ҳудуд иқтисодиёти асослари (ўқув қўлланма). -Т.: ТДИУ, 1999.

IV боб

МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ - ЎЗИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

4.1.Маҳаллий ўзини - ўзи бошқариш тизими ва уларнинг таркибий қисмлари

Маҳаллий ўзини - ўзи бошқариш (МЎЎБ) идоралари бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил топади. Минтақадаги иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналар фаолиятларини вазирликлар билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият идоралари тартибга соладилар ва мувофиқлаштирадилар. Айниқса, хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари, чет элликлар билан ҳамкорликда қурилган корхоналар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш объектив заруратдир. Чунки, мустақил корхоналарнинг тартибсиз фаолиятлари ишлаб чиқариш анархиясига олиб келиши мумкин.

Корхоналарнинг самарали рақобат асосида фаолият кўрсатиши минтақавий ташкилотлар ваколатларининг кенгайиши ва бошқарув стратегиясининг такомиллашуви билан боғлиқ. Шу каби масалаларнинг ҳал этилиши корхоналарнинг иқтисодий имкониятлари кенгайтирилиши билан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимиятларининг ваколатлари кенгайишини тақозо этади. Маҳаллий ўзини - ўзи бошқариш тизимига юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал этиш мақсадида ўтилган. Маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳуқуқлари, бурчлари, вазифалари Ўзбекистон Республикасида «Маҳаллий ўзини - ўзи бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари тўғрисида» ги қонунда кўрсатиб берилган. Ушбу қонун Олий Кенгашда 1990 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни қонунлар ҳамда тегишли моддий ва молиявий база асосида аҳолининг манфаатлари ҳамда маъмурий минтақавий бирликнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ бевосита ёки ўзлари сайлаб қўядиган идоралар орқали ҳал қилиш, фуқароларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида тузилган.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш (МЎЎБ) идоралари минтақа аҳолисининг бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий фаолиятини оширади ва жамиятнинг барқарор ривожини

таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. МЎЎБ идоралари таркибига қуйидагилар киради:

1. Маҳаллий ҳокимият идоралари. Улар минтақадаги барча ижтимоий-иқтисодий масалаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга ҳақлидир. Жумладан, МЎЎБ идораларини ташкил этиш, экологик вазиятни муҳофаза қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳоказо.

2. Бевосита демократиянинг турли шакллари кўринишидаги МЎЎБ идоралари. Уларга мисол тариқасида маҳаллий референдумларни, фуқароларнинг йиғинларини кўрсатиш мумкин. Ушбу гурухдаги МЎЎБ идоралари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қатор масалаларни демократик нормалар асосида эркин ҳал этади ва маҳаллий ҳокимиятга тегишли масалаларни ҳал этиш учун кўмаклашади.

3. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг минтақавий-ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш идоралари. Буларга мавзеларнинг кенгашлари ва қўмиталари, маҳалла ва уй қўмиталари киради.

Маҳаллий ҳокимият идоралари минтақада МЎЎБ идораларининг фаолиятларини бирлаштириб, улар ассоциацияларга айланишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади.

4.2.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг иқтисодий ва молиявий асослари, улар ваколатларининг кенгайиши

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг мулк шакллари асосан коммунал мулкдан ташкил топган. Коммунал мулк деб, давлатдан қайтариб бермаслик шарти билан маҳаллий кенгашларга берилган мулкка ва маҳаллий кенгашларнинг ўз маблағлари ҳисобига ташкил қилинган мулкка айтилади. Агар минтақа аҳолисининг коммунал, маиший-маданий эҳтиёжларини қондириш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган корхона бўлса, маҳаллий ҳокимият бошқа мулкка тааллуқли корхоналар, бирлашмалар, муассасалар мулкининг коммунал мулкка ўтказиш кераклиги тўғрисида ёки маҳаллий ҳокимият сотиб олиши тўғрисида таклиф этиш ҳуқуқига эга. Бундан кўриниб турибдики, МЎЎБ идораларининг ташкил этилиши мулкчиликка ҳам тегишли ўзгаришлар киритади. МЎЎБ идораларининг даромад олиш манбаи табиий ресурслар, коммунал мулк корхоналари ҳисобланади. Шунинг учун коммунал мулк маҳаллий ҳокимиятнинг моддий асосини ташкил қилади. Минтақа аҳолиси номидан коммунал мулкларни топшириш ва бошқариш маҳаллий ҳокимият идоралари зиммасига юклатилган. Коммунал мулк минтақа хўжалигининг турли кўринишдаги ранг-баранг мулкларидан биридир.

Минтақа хўжалигида хусусий корхоналар, кооперативлар, давлат корхоналари, коммунал-мулкчиликка ва бошқа турдаги мулкчиликка асосланган корхоналар мавжуд. Уларнинг йиғиндиси минтақа хўжалигини ташкил қилади. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг иқтисодий асосини маъмурий-минтақавий тузилмаларнинг давлат мулки (коммунал мулк) ҳамда вилоят, туман ва шаҳардаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк ташкил этади (коммунал мулк ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характеридаги маҳаллий ҳокимиятга тегишли мулк ҳисобланади).Шунингдек, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари, муҳандислик тизими объектлари ва бошқа объектлар, корхоналар ва бирлашмалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият муассасалари, вилоят, туман шаҳар маблағи ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, улушбай асосларда бошқа маблағлардан берилган қимматбаҳо қоғозлар ва молиявий активлар вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкин. Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек, республика (вилоят, Тошкент шаҳри) бюджетидан ажратилган субвенциялар ва дотациялар ташкил этади.

Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан биргаликдаги дастурларни, пул билан таъминлаш учун бошқа вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг молия ресурслари билан шартнома асосида бирлаштирилиши мумкин.

Ижроия органларини пул билан таъминлаш бюджетда назарда тутилган миқдорларда амалга оширилади.

Вилоят, туман, шаҳар бюджети даромадларига :

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинадиган солиқлар ва йиғимлар;
- вилоят, туман, шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;
- қонунларда назарда тутилган ҳолда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг текшириш вақтида аниқланган, яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларининг муайян қисми киритилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари минтақа аҳолисининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиради, аҳолининг иш билан бандлик даражаси ўсишига, ялпи ижтимоий маҳсулотни оширишга, истеъмол буюмларининг ҳажми кўпайишига ёрдам беради. Маҳаллий ҳокимият янги

корхоналарни ташкил этиб, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини такомиллаштиришга ва мувофиқлаштиришга масъулдир. Ер ости ва усти бойликларидан миллий манфаатларни кўзлаган ҳолда фойдаланишни ташкил этади. Ишлаб чиқаришдаги ташаббусларни қўллаб-қувватлайди ва минтақанинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлайди.

Маҳаллий ҳокимият идорлари минтақада маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаолиятларини бирлаштириб, ассоциацияларга айланишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратади. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг фаолиятлари уларга берилган ваколатлар, ҳуқуқлар ва вазифаларда кўринади. Маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳозирги даврдаги ваколатларидан бири қурилиш, уй-жой фондидан, ер-сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишни назорат қилишга қаратилган. Ушбу ваколат иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналарни минтақавий идоралар томонидан самарали тартибга солиш ва мувофиқлаштириш имконини беради. МЎЎБ идораларига банкларда ҳисоб рақамларини очиш ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида ҳам фаолият кўрсатиш ҳуқуқлари берилган. Улар белгиланган тартибда кичик корхоналар очиш, кооперативлар, клублар, ҳаваскорлик уюшмалари, дам олиш уйлари ва шу каби муассасалар очишлари, минтақа аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш мақсадида молиявий фондлар ташкил этишлари мумкин. Фондлар корхоналар, фуқаролар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг маблағларини жамлаган ҳолда ташкил этилади.

Мамлакатимизда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли ошиб, ваколатлари тобора кенгайиб бормоқда.

Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларидан бири — Марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир, деб таъкидлади Президентимиз И.Каримов иккинчи чақириқ, Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида.

Айни мустақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳалла институти, турли жамоат ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимий эътиборимизда туриши лозим.

Шу муносабат билан Жамоат бирлашмалари, Нодавлат тижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунларга зарурий ўзгартиришлар киритиш, Ижтимоий жамғармалар, Хайрия фаолияти тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги сессияда таъкидлаб ўтилди.

Қисқача хулосалар

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил топади.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳуқуқлари, бурчлари, вазифалари Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари тўғрисидаги қонунда кўрсатиб берилган.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари таркибига маҳаллий ҳокимият идоралари, бевосита демократиянинг турли шакллари кўринишидаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг минтақавий-ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш идоралари киритилади.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг мулк шакллари асосан коммунал мулкдан ташкил топади.

Минтақа хўжалигида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар мавжуд. Уларнинг йиғиндиси минтақа хўжалигини ташкил қилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари қандай ташкил топади?
2. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари таркибига нималар киради?
3. Коммунал мулк деганда нимани тушунасиз?
4. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг ваколатлари нималарда кўринади?

Асосий адабиётлар

1. Ж.Жалилов. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида» ги қонуни. - Т.: 1993.

V боб

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

5.1. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш назариялари

Буржуа иқтисодиёт фани ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш муаммолари билан ўтган аср бошларидан буён шуғулланиб келмоқда ва муайян назарияларни ишлаб чиқмоқда. Чунончи, аввал И.Тюнен ва кейинчалик А.Вебер айрим корхоналарни энг қулай ерга жойлаштириш назариялари билан чиқдилар.

Иогани Пюненинг жойлаштириш назарияси. Жойлаштириш назарияси бўйича дастлабки асар Иогани Пюненинг 1826 йилда нашр этилган «Ажралган давлат» асари бўлди. Маклебург яқинида жойлашган Теллер мулкидаги амалий аргономияни кўп йиллар давомида ўрганиш асосида муаллиф умумназарий аҳамиятга эга бўлган бир қанча хулосалар чиқарди.

Саноатни А. Веберча жойлаштириш назарияси. И Пюненнинг «Ажратилган давлат» асари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштиришда қандай ўринда турган бўлса, А.Вебер асари саноатни жойлаштиришда шундай ўрин эгаллади.

А.Вебернинг методологик тавсиялари кўп жиҳатдан И. Тюнен назариясининг тегишли қоидаларига ўхшайди. Бунда ҳам бир қанча ижтимоий-иқтисодий омиллардан келиб чиқиш йўли билан аллақандай мавҳум хўжалик организимининг «соф» қонунлари ҳақида сўз юритилади. Унда биринчидан, бошқа жабҳалар билан алоқадан ташқарида мавжуд бўлган, ажралган — ақл бовор қиладиган хўжалик соҳаси кўриб чиқилган. Шунингдек, саноат хомашё базасини жойлаштириш ўз ҳолича берилган деб қабул қилинади, бу билан хомашё ёқилғи базасининг қайта ишлаш саноатидан мустақиллиги фараз қилинади.

Саноат махсулотининг жуғрофий жойлашувига нисбатан ҳам шунга ўхшаш йўл тутилади.

Ниҳоят, иш ҳақи вақт ичида ўзгармайди ва узил-кесил қайд этилган тарзда намоён бўлади. Бундан ташқари, мазкур фурсатда барча жойлардаги ишчи кучи ресурслари чексиз ҳисобланади.

А. Вебер тегишли дастлабки шартларни кўриб чиқиб, тадқиқот мақсадлари сифатида қуйидаги 2 масалани қўяди:

- саноат мўлжали боғлиқ бўлган хўжалик кучларини очиб бериш, яъни жойлаштириш омилларини;

- бу омиллар ҳаракати қонуниятларини аниқлаш.

А.Вебер жойлаштириш омили деб, шундай иқтисодий омилни айтадики, у хўжалик фаолияти учун бу фаолият қаерда амалга оширилишига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Август Лёшнинг жойлаштириш назарияси. Август Лёшнинг «Хўжаликни жўғрофий жойлаштириш» ини жойлаштириш муаммолари бўйича энг асосли асарлардан бири деб ҳисобламоқ керак. Кўпгина масалалар ечимига оқилона ёндашиш, муаммони қамраб олишнинг кенглиги ва бошқа хусусиятлар А. Лёш китобини унинг ўтмишдошлари асарларидан ажратиб туради.

Жойлаштириш муаммосини ҳал қилишга комплекс ёндашиш А. Лёшни ажратиб турадиган хусусиятдир. А. Лёш шаҳарларнинг жойлашиш ўринлари юзасидан олим сифатида ўз нуқтаи назарини таърифлар экан, асарининг биринчи бобида шундай ёзади: «Иқтисодчининг ҳақиқий бурчи бизнинг шўрлик воқелигимизни изоҳлаб бериш эмас, балки уни яхшилашдир; ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш муаммосини ҳал этиш унинг ҳақиқатдан жойлашувини шунчаки тасвирлашдан кўра анча олийжаноброқ вазифадир».

У. Айзарднинг жойлаштириш назарияси. Ҳозирги вақтда буржуа иқтисодчилари орасида минтақавий таҳлил масалалари бўйича энг йирик сиймо шубҳасиз У.Айзарддир. У ўз тадқиқотларини В.Леонтьев раҳбарлигида АҚШ тармоқлараро ва туманлараро мутаносибликларни ўрганувчи мутахассислар гуруҳида ишлаётганида бошлаган эди.

1956 йилда У.Айзарднинг «Жойлаштириш ва маконий иқтисодиёт» деган биринчи йирик асар нашр этилди. Бу асарнинг мақсади, муаллиф сўзлари билан айтганда «жойлаштириш ва маконий иқтисодиётнинг айнан бир умумий назариясини ишлаб чиқиш воситасида айрим махсус фанлар ҳамда маконий ва минтақавий асарларини ишлаб чиқиш» эди. У.Айзард ва унинг ходимлари кўп йиллаб давомида олиб борган тадқиқотлари натижасида юзага келган 700 тача саҳифадан иборат бўлган бу асар «Минтақа иқтисодий жўғрофияси, иқтисоди ва шаҳарларни режалаштириш» фани бўйича асосий қўлланма, амалий тадқиқотларда фойдали дастурдир.

У.Айзард ўз тадқиқотини пировард ва капиталист нуқтаи назаридан энг муҳим такрор ишлаб чиқариш босқичи бўлгин сотишдан бошлайди. Концепцияни умумий баҳолаш учун жуда ибратли бўлган бу факт китобнинг деярли ярмини эгаллаган. У талаб муаммоларини, аҳоли динамикасини прогнозлашни ўрганишга, даромадларни шакллантириш ва ҳисоблаб чиқишга мажбур қилади. Шундай қилиб, талаб ва у билан боғлиқ омил-

лар биринчи ўринга чиқади ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларни шакллантириш, ривожлантириш ва жойлаштиришни шартловчи сифатида намоён бўлади.

5.2. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари ва омиллари

Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш муайян иқтисодий шароитлар ҳамда ишлаб чиқариш усулига боғлиқ турли хил қонунлар билан бошқариладиган ягона жараён тарзида намоён бўлади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар жойлашуви қонуниятлари ўз навбатида, мазкур қонуниятларнинг аниқ режали амалиётида рўёбга чиқарилишидан иборат жойлаштириш тамойилларининг назарий асоси хизматини ўтайди.

Қонуниятлар ва тамойиллар биргаликда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш умумий концепцияси асосларини ташкил этадики, бу концепция муайян даврга ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш бош тархи (схемаси) да амалга оширилади.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш қуйидаги тамойиллар билан белгиланади:

- ишлаб чиқаришни барча вилоятлар ва туманлар ишлаб чиқариш аппарати, табиий ҳамда меҳнат резервлардан энг самарали фойдаланишнинг вазифаларигa мувофиқ равишда режали ва комплекс жойлаштириш;
- барча вилоятлар ва аҳолисининг ўзаро ёрдами асосида туманлар ўртасида ижтимоий меҳнат тақсимотини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш хомашё ва тайёр маҳсулотни ташишни оқилона ташкил этишнинг барча босқичларида ижтимоий меҳнатни тежаш мақсадида саноатнинг тегишли тармоқларини хомашё манбаларига яқинлаштириш;
- вилоятлар ва туманлардаги, саноат ҳамда қишлоқ хўжалигини тараққиёт учун энг қулай табиий ва иқтисодий шароитлар мавжуд бўлган тармоқларга ихтисослаштириб, комплекс ривожлантириш;
- ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда мамлакат мудофаа қудратини ҳисобга олиш;
- туманлар ва минтақа ўртасида халқ хўжалигини ҳамда минтақавий — ишлаб чиқариш алоқаларини иқтисодий жиҳатдан энг оқилона тарзда ташкил этиш.

Ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш муаммосининг қўйилиши умумий қонуниятлар ва тамойилларни тавсифлаш билан бирга жойлаштиришни белгилаб берувчи энг муҳим омиллар ҳамда шарт-шароитларни ажратишни ҳам кўзда тутади.

Энг муҳим ўзига хос омилларга табиий шароитлар, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқаришнинг техника даражаси ва техника тараққиётининг суръатлари, ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шакллари, инфратузулма ҳамда огломерация киради.

Шуни таъкидлаш керакки, жойлаштириш омилларини ҳисобга олиш ва тавсифлаш муаммосига А. Вебер давридан буён катта эътибор бериб келинади. Дарҳақиқат, транспорт, иш кучи ва огломерация омилларини пухта ажратиш ҳамда таҳлил қилишда А. Вебернинг хизматлари катта.

ЭҲМдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳозирги минтақавий тадқиқотлар омилларининг жуда кенг доирасини таҳлил соҳасига киритиш мумкин.

5.3. Саноат корхоналарини жойлаштиришда уларнинг туркумларини ҳисобга олиш

Ўзбекистон хомашё ресурсларига ниҳоятда бой. Жаҳон иқтисодий меҳнат тақсимотига қўшилиб бориб, иқтисодиётимизни ривожлантириш учун хомашёларни чиқиндисиз, босқичма-босқич қайта ишлашни йўлга қўйишимиз керак. Бунинг учун саноат корхоналарининг хомашё истеъмол қилишини меҳнатнинг талаби ва ишлаб чиқаришнинг хусусиятига қараб қуйидаги тармоқларга ажратишимиз мумкин:

1. Хомашёга яқин жойлаштириладиган корхоналар. Буларга қуйидаги корхоналар киради:

- тез бузиладиган хомашё ни қайта ишлаш корхоналари (консерва, вино, пахта тозалаш, меваларни қуритиш ва шарбатини олиш);
- кўп оғирликдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналари. (ғишт заводлари, темир-бетон заводлари киради);
- хомашёси тайёр маҳсулотдан бир неча марта оғир бўлган корхоналар (пиво ишлаб чиқариш, кондитер маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш).

2. Меҳнатталаб корхоналар. Уларга асбоб ишлаб чиқариш, электро-механика, радиотехника ишлаб чиқариш корхоналари киради. Юқори малакали ишчи кадрлар билан таъминланган минтақага пойабзал, тикувчилик, тўқимачилик, трикотаж, атторлик моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар жойлаштирилади.

Ёқилғи—электроэнергияни кўп талаб қиладиган корхоналар худди шуларнинг манбаларига жойлаштирилади. Масалан, алюмин, никель ва шу каби рангли металл ишлаб чиқарадиган, каучук, пластмасса, кимёвий толалар ишлаб чиқариш корхоналари.

3. Бир неча омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириладиган корхоналар. Масалан, кимё комбинатлари жойлаштириладиган ерларда хомашё, элетроэнергияси, сув бўлиши шарт.

Агросаноат уюшмаси корхоналарини жойлаштиришда табиий шароитлар ҳам ҳисобга олинади. Ҳозир қишлоқ хўжалик экинлари турларидан қанча етиштириш масаласи бозор шароити, жаҳондаги мамлакатларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб аниқланади. Бунинг учун Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқаришнинг бир неча хилдаги илмий дастурини ишлаб чиқиши лозим. Унда пахта толасини, айтайлик, 1,0 млн. тоннадан 2-2,5 млн. тоннагача ишлаб чиқара олиш кўзда тутишлиши керак. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда жаҳоннинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидаги илғор тажрибаларидан фойдаланиш масаласи ҳам назарда тутилиши лозим. Масалан, концернлар, фирмалар, кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг иқтисодий алоқаларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти бу масалаларнинг ечимини кўндаланг қилиб қўймоқда.

5.4. Ишлаб чиқаришда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини жорий этмасдан туриб, республика иқтисодиётида туб ўзгаришлар қилиш мумкин эмас.

Маълумки, аҳоли ижтимоий ҳимоянинг объекти саналади. Республикадаги корхоналарнинг маълум қисми учун ҳозир иқтисодий қийинчиликлар шароитида сақланиб қолиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Бунда биринчи навбатда ишчи кучини сақлаб қолиш вазифаси қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида корхоналар миқёсида ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш зарур. Бунда биринчи навбатда уларнинг фақатгина турмуш даражасини ҳисобга олмай, балки меҳнатини рағбатлантириш омили сифатида даромадлари ўсишини таъминлашга, уларни кескин равишда қисқартирмасликка ҳамда таъминлашнинг мавжуд имкониятларини қидириб топишга, давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг энг маъқул йўлларини танлашга ва аниқлашга эътибор қаратилган бўлиши лозим.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг кўпгина корхоналарида ижтимоий химоянинг анъанавий кўринишлари амалга оширилмоқда. Яъни, даромадларни маълум даражада тутиб туриш, бандликни таъминлаш, иш шароитларини яхшилаш, болалар муассасалари, соғломлаштириш муассасалари, уй-жой хўжалиги хизматлари учун ижтимоий тўловлар каби.

Демак, объектив иқтисодий шарт-шароит олинаётган фойда тақсимланишининг ҳам макро, ҳам микро даражадаги бир хил нисбатини белгилайди. Тошкент шаҳрининг 5 та йирик ишлаб чиқариш корхонасида ўтказилган илмий текширув натижасига кўра, 1994 йилда 3 та корхонада маҳсулот ҳажми қиймати ўсиши бўйича 1993 йилдагига нисбатан фақат нарх омили ҳисобига таъминланди. Ҳақиқатда эса, ишлаб чиқариш маҳсулотларининг моддий ҳажми ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан анча кам бўлди. Пулнинг қадрсизланиши ишлаб чиқариш корхоналари ва унда ишловчи ишчиларга таъсир қилди. Шу боис унинг миқдори ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссасига ва корхонанинг молиявий аҳволига боғлиқдир.

Ишончли ва таъсирчан ижтимоий ҳимоя зарурлиги бугунги кун эҳтиёжи билан юзага келган. Бусиз хилма-хил турдаги мулкнинг рисоладагидек ишлашига ва жамият барқарорлигига эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва сиёсий мустақиллика эришган шароитда минтақавий хусусиятларнинг жами мажмуини аниқ ўрганиш зарурати юзага келдики, бу хусусиятлар табиий-иқлим шароитлари, иқтисодиёт характери ва ундаги таркибий ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқда аҳоли жойлашув тизими, аҳоли таркиби, унинг турмуш таъминоти ҳамда маънавий савияси билан белгиланади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, бозор муносабатларига ўтиш билан аҳоли турмуши ва ижтимоий фаровонлиги учун қулай шарт-шароит яратиш минтақа тараққиётининг етакчи мақсади ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида, аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳисобга олинмоқда. Амалга оширилаётган хусусийлаштириш модели унда аҳолининг барча қатламлари аниқроқ ва самаралироқ иштирок этишига имкон беради ҳамда ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимояланган аҳоли қатламлари катта афзалликларга эга бўлади.

Мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий қоидалари ва йуналишлари қуйидагиларда ифодаланади:

- ижтимоий ҳимоянинг адресли йўналиши; ундан, аввало, аҳолининг ночор қатламларини қўллаб-қувватлашда фойдаланилади;
- хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичида ҳомиладор аёллар, ногиронларни ишдан бўшатишга йўл қўймаслик, корхонанинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича про-

филини сақлаб қолиш мақсадида муваққат (3-5 йил муддатга) чекловларни жорий этиш;

• ходимларни қайта тайёрлаш ва янги иш ўринларини вужудга келтириш бўйича ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш;

• фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва таълим ходимлари учун уй-жойни бепул (имтиёзли) хусусийлаштириш;

• хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг меҳнат жамоаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жуда эскирган асосий фондларни пулсиз топшириш, корхонадаги ижтимоий инфратузилма объектларидан бепул фойдаланиш имконияти ва бошқалар;

• мулкдорларнинг мулкий ҳуқуқларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари учун ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиш эвазига таъминлаш;

• хўжаликлар жамоалари томонидан давлат хўжаликлари, фермалар, боғлар, узумзорлар ва ҳоказоларнинг имтиёзли хусусийлаштирилиши.

Хусусийлаштириш даврида уй-жойни республика фуқароларига мулк қилиб топшириш ижтимоий ҳимоя шаклларидан бири бўлди. 1995 йил бошига келиб, 1069,4 минг квартира (улар умумий сонининг 98,99 фоизи) хусусийлаштирилди, уларнинг эгалари мазкур мулкнинг соҳибига айланиб, уни сотиш, мерос қилиб қолдириш, ижарага бериш, улар юзасидан қонунга зид бўлмаган битим тузиш ҳуқуқини қўлга киритди. Уй-жойни хусусийлаштириш дастури республикада ўтказилаётган ижтимоий сиёсатга биноан бажарилди, унга кўра, квартиралар аҳолига имтиёзли шартларда ва бепул берилди.

Хусусийлаштириш жараёнида қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини амалга ошириш муҳим омил ҳисобланади. Қишлоқ жойларида кам рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган давлат хўжаликларининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкини меҳнат жамоаларига мулк қилиб қисман бепул топшириш усулини ҳам кенг амалга ошириш лозим.

Ҳозирги вақтда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар минтақа аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун йуналтирилмоқда. Бунда маблағларнинг камида эллик фоизи якка тартибдаги уй-жой қурилиши эҳтиёжлари учун, қолгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бозор инфратузилмасини шакллантириш ва қўшма корхоналар тузиш, фермер ва деҳқон хўжаликларига имтиёзли кредитлар ҳамда фоизсиз қарзлар ажратишга ишлатилмоқда.

Минтақада ижтимоий тангликнинг олдини олиш учун муҳтожларга ёрдам бериш ишини давлат даражасидан минтақавий

бошқарув органларига топшириш лозим, чунки хилма-хил амалий, манзилли ижтимоий ҳимоя уларнинг уддабуронлигига, ташаббускорлиги ва тезкорлигига боғлиқ. Ижтимоий таъминот масаласида минтақавий органларнинг асосий фаолияти мулкдорлар синфини ижтимоий ҳимоялаш дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлиши керак.

Кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар тоифаларини қўллаб-қувватлашнинг муқобил турларини кенг кўламда ривожлантириш соҳасида минтақавий муаммоларни ҳал қилиш учун минтақавий бошқарув органлари ҳузурида оилавий кичик бизнесни ривожлантириш фондини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Қисқача хулосалар

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда учта омил, яъни арзон хомашё ва унинг заҳираси, арзон ишчи кучи мавжудлиги, маҳсулотларни сотиш бозори ҳисобга олинади. Ҳозирги даврда ушбу омилларга сиёсий-иқтисодий барқарорлик, ижтимоий омиллар қўшилади.

Саноат корхоналари хомашё истеъмол қилиши, меҳнатга талаби ва ишлаб чиқариш хусусиятига қараб, бир қанча тармоқларга, яъни хомашёга яқин жойлаштириладиган, меҳнатталаб корхоналарга ажратилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини жорий этмасдан туриб, иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш мумкин эмас.

Ҳозирги пайтда республикамизнинг кўпгина корхоналарида ижтимоий ҳимоянинг анъанавий кўринишлари амалга оширилмоқда, яъни даромадларни маълум даражада тутиб туриш, бандликни таъминлаш, иш шароитларини яхшилаш, болалар муассасалари, соғломлаштириш муассасалари, уй-жой хўжалиги хизматлари учун ижтимоий тўловлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда қандай омиллар ҳисобга олинади?
2. Саноат корхоналарини хусусиятларига қараб қандай тармоқларга ажратиш мумкин?
3. Республикамиз саноат корхоналарида ижтимоий ҳимоянинг қандай анъанавий кўринишлари амалга оширилади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. — Т.: Ўзбекистон, 1998 (янги таҳрир).
2. И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. С.Ғуломов, М.Барбакадзе Минтақавий тизимларни оптималлаш модели ва усуллари. — Т.: Ўқитувчи, 1997.

VI боб

МИНТАҚАНИНГ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

6.1. Меҳнат ресурслари ва уларнинг минтақавий хусусиятлари

Президентимиз И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида барча ислоҳотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир, деб таъкидлади.

Бу демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, яъни кишиларнинг ижтимоий соҳа бўйича талаб ва эътирозларини қондириш масалаларига давлатнинг доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтириш лозим, демакдир.

Меҳнат ресурслари ҳар бир мамлакатнинг энг асосий бойлигидир. Ҳозирги илмий-техника даврида иқтисодиёт ривожланиши инсон омилининг таъсири билан боғлиқдир. Инсон омилининг иқтисодиёт ривожланишига таъсири меҳнат ресурслари муаммолари билан шуғулланишга мажбур этади. Шулардан бири меҳнат ресурсларининг истиқболдаги сон ва сифат жиҳатдан такомиллашуви муаммосидир.

Бу муаммонинг ҳал этилиши меҳнат ресурсларини режалаштириш ва прогноз қилиниши билан боғлиқ. Меҳнат ресурсларини режалаштириш ҳамда прогноз қилишда уларнинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Минтақавий хусусиятларни аниқлаш учун меҳнат ресурслари кенг кўламда ўрганилади ва республика ёки унинг бошқа минтақавий бирликлари билан таққосланади:

1. Меҳнат ресурсларининг табиий ўсиши. Бунинг учун болаларнинг ҳар 1000 кишига ёки 10000 кишига тўғри келадиган туғилиши ҳисобланади, ўлими эса айириб ташланади.

2. Малакали ходимлар билан таъминлаш аниқланади. Республиканинг турли вилоятларида малакали ходимлар билан таъминланиш бир-биридан фарқ қилади.

3. Минтақаларнинг миллий, анъанавий, табиий, иқлимий ва шу каби хусусиятлари бир-биридан фарқланади. Минтақанинг хусусиятларини ўрганиш режалаштириш даврида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Меҳнат ресурслари қуйидаги қисмдан ташкил топади:

1) Меҳнатга яроқли, меҳнат ёшидаги 16 ёшдан 59 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 54 ёшгача бўлган аёллардан (худди

шу ёшлардаги ногиронлар, имтиёзли тарзда нафақа олувчилар меҳнат ресурсларига кирмайди).

2) Ижтимоий ишлаб чиқаришда ўз меҳнати билан иштирок этаётган 60 ёшдан ошган эркаклар, 55 ёшдан ошган аёллар ва 16 ёшгача бўлган болалар.

Меҳнат ресурсларининг асосий қисмини ишчи кучи ташкил этади. Ишчи кучи меҳнат ресурсларининг малакага, билимга ва тажрибага эга бўлган қисмидир. Ишчи кучини ишлаб чиқариш объектив иқтисодий қонунлар асосида ташкил этилади. Ишчи кучи товар бўлганлиги учун у ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва меҳнат истеъмоли жараёнларидан ўтади. Ишчи кучини ишлаб чиқаришга бир неча омиллар таъсир этади:

- илмий-техника тараққиётининг ривожланиши;
- янги фойдали қазилмаларнинг очилиши ва у ерларда янги иш жойларининг ташкил этилиши;
- қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши Ўзбекистондаги ишчи кучини сифат жиҳатидан қайта ишлаб чиқаришни, ишчи кучини ишлаб чиқариш, уни сон ва сифат жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этади. Ишчи кучининг сон жиҳатдан ўсиши — ишчи кучининг мутлақ кўпайишидир. Сифат жиҳатдан ўсиши эса, ишчи кучининг маълумоти, малакаси, тажрибаси ўсишини билдиради. Ишчи кучидан самарали фойдаланиш бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучининг тўла иш билан бандлиги таъминланишини тақозо этади. Бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини тақозо қилади:

- минтақанинг малакали ишчи кадрларга ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;
- минтақанинг малакали ишчи ходимлар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш;
- меҳнат ресурсларининг самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигининг тармоқлараро ва минтақалараро меҳнат билан таъминланишини такомиллаштириш;
- аҳолининг табиий ўсиши ва меҳнат ресурсларининг сон ва сифат жиҳатдан таркиб топишини таъминлаш учун зарур бўлган шарт -шароитлар яратиш.

6.2. Ишчи кучи ва ундан фойдаланишни белгиловчи кўрсаткичлар

Меҳнат ресурсларини прогноз қилишда ва тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

а) Аҳолининг минтақадаги зичлиги кўрсаткичи. Бу кўрсаткични қуйидагича топамиз:

$$Аз = \frac{\sum A}{\sum M}$$

Бу ерда: А-аҳоли сони; М-майдони.

б) Аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръати:

$$У = \sqrt{\frac{nA_п}{A_б}};$$

Бу ерда: $А_б$-режа даври бошидаги аҳоли сони;

$А_п$-шу даврнинг охиридаги аҳоли сони;

n- режалаштириш даври.

в) Меҳнат унумдорлигининг ўсиш кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$М_у = \frac{Муп}{Муб}$$

Бу ерда: $М_{уп}$-режа давридаги меҳнат унумдорлиги;

$М_{уб}$-базис давридаги меҳнат унумдорлиги.

г) Меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи энг асосий кўрсаткич меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги ходимларнинг ўртача сонига нисбатан ёки бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат сиғимига нисбатан аниқланади. Меҳнат унумдорлиги ходимларнинг ўртача сонига нисбатан аниқлашда ялпи, товар ёки реализация қилинган маҳсулот ходимларнинг ўртача сонига бўлинади.

$$\text{I.}\quad М_у = \frac{Я(Т)(Р)}{Х},$$

Меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг 2-усули маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат сиғими кўрсаткичидир:

$$\text{II:}\quad М_у = \frac{Я(Т)(Р)}{Q},$$

Q-вақт.

Меҳнат ресурсларини режалаштиришда, шунингдек, иш билан таъминланганлик, тўла иш билан таъминланганлик, малакали мутахассислар сони, ишсизлар сони, ишсизларнинг турлари ва ҳоказо кўрсаткичлардан фойдаланилади. Меҳнат ресурсларини режалаштиришда, энг аввало, юқоридаги кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Ишчи кучи ёки иқтисодий фаол аҳоли деганда, меҳнатга

лаёқатли аҳоли таркибига кирувчи ишлаётган ва ишсизларнинг умумий сони тушунилади.

Ишчи кучларининг миқдори ва сифати, уларнинг жинси, ёши ва касби мамлакатнинг иқтисодий имкониятига ва улардан самарали фойдаланилишига кучли таъсир кўрсатади. Бошқа томондан, уларнинг ўзи ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси ва хусусияти таъсири остида бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучи ҳам бошқа меҳнат маҳсулотлари каби товар шаклига эга бўлиб, товар-пул муносабатларига фаол жалб қилинади. Унинг бу хусусияти меҳнат кўрсаткичлари тизимида ўз аксини топади. Улар орасида иш билан бандлик ва ишсизлик кўрсаткичларига муҳим ўрин ажратилади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби қуйидаги жадвалда келтирилган:

А.Аҳоли - жами	30
Шу жумладан:	
1.16 ёшга тўлмаганлар ва махсус муассасалардаги шахслар	10
2.Ишчи кучи таркибидан чиқиб кетганлар	8
3.Ишчи кучи (А-1-2)	12
Уларни: ишлаётганлар ёки банд бўлганлар	11,4
Ишсизлар	0,6

Аҳолини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга 16 ёшгача бўлган болалар ҳамда махсус муассасаларда сақланаётган шахслар киради.

Иккинчи гуруҳга ишлаши мумкин, лекин бир қатор сабабларга кўра ишлашни истамайдиган аҳоли киради. Уларга ўқувчиларни, нафақахўрларни, уйда ишловчиларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳ ёки қолган барча аҳоли ишчи кучларини ташкил этиб, ўз навбатида, ишлаётганларга ва ишсизларга бўлинади.

Ишлаётган ёки банд бўлган аҳоли деб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолига айтилади. Шартли равишда уларнинг таркибига тўлиқсиз иш кунида банд бўлганлар ҳам киритилади.

Ишсизлик даражаси ($И_д$) иқтисодиётда ишчи кучларидан фойдаланиш даражасини ифодалаб, қуйидагича аниқланади:

$$И_д = \frac{И_с(\text{ишсизлар сони})}{И_к(\text{ишчи куч})} \cdot 100\%$$

Ишсизлик даражаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ифода этувчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар қаторига киради.

Ишчи кучларига бўлган талаб ва таклиф, агарда бозор воситасида бошқариладиган бўлса, мавжуд ишчи кучлари 100% иш билан таъминланганлигини тасаввур этиш мумкин эмас. Оз даражадаги ишсизликнинг мавжудлиги иқтисодий кўтарилиш даврларида ҳам табиий бир ҳолат деб ҳисобланади.

6.3. Ишсизлик турлари ва уларнинг моҳияти

Ишсизлик бир неча турларга: фрикцион, таркибий ва даврий ишсизликка ажратилади. Фрикцион ишсизлик иш қидириш ёки кутиш билан боғлиқ бўлиб, ходимларнинг иш ва турар-жойи ўзгариши натижасида, ўқув юртлари ёхуд мавсумий ишларнинг тугалланиши сабабли юзага келади.

Таркибий ишсизлик ишчи кучлари талаби таркибдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, мажбурийлик хусусиятига эга. Инсон эҳтиёжларининг доимий ўсиб бориши ва фан-техника тараққиёти натижасида эски тармоқларнинг йўқолиб бориши ва янгиларининг пайдо бўлиши иқтисодиётни таркибий қайта қуришга олиб келади. Бу эса ходимлар ихтисоси ва малакаси ўзгаришини талаб қилади. Бунинг учун маълум вақт керак. Шунинг учун ҳам меҳнат бозоридаги мувозанатнинг бундай бузилиши узоқ вақт давом этади ва ишсизлик жиддий муаммо ҳисобланади. Аммо у фрикцион ишсизлик каби ҳар қандай ривожланаётган иқтисодиётда муқаррардир.

Даврий ишсизлик — ишлаб чиқаришнинг тушиб кетиши ва ишчи кучларига талаб етарли эмаслиги натижасида келиб чиқади. Даврий пасайиш товар ва хизматларга бўлган ялпи талабнинг пасайиши, шунга мувофиқ, ялпи таклифнинг камайиши, оқибатда аҳолининг иш билан бандлиги қисқариши ва ишсизликнинг ўсишини билдиради.

Жамиятда фрикцион ва таркибий ишсизлик муқаррар экан, ишчи кучининг иш билан таъминланиши доимо 100% дан кам деб ҳисобланади.

Ишсизликнинг юқорида санаб ўтилган кўринишлари ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистон учун ҳам, тааллуқлидир.

6.4. Ишсизликнинг табиий даражаси ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммолари

Ишсизликнинг табиий ёки меъёрдаги даражаси аҳолининг иш билан тўлиқ бандлик шароитидаги ишсизлик даражасидир. Ишчи кучи бозори мувозанатлашган бўлса, яъни иш қидирувчи-

лар сони бўш иш жойлари сонига мувофиқ келса, бундай ҳолат содир бўлиши мумкин. Шундагина мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ҳаракатга келади.

Ишсизликнинг табиий даражаси ёки тўлиқ бандлик шароитидаги ишсизлик даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлик даражаларининг йиғиндиси сифатида аниқланади.

Ишсизликнинг табиий даражаси доимий миқдор деб ҳисобланмайди. Ҳар бир мамлакатда фрикцион ва таркибий ишсизлик кўлами иқтисодий вазият, меъёрий-ҳуқуқий асослар ва аҳоли турмуш тарзининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Ҳозирги вақтда ишсизликнинг табиий даражаси 6-7% атрофида қабул қилинган бўлсада, бироқ бу фоизлар турли мамлакатлар бўйича тебраниб туриши мумкин.

Барча мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодиётда яратилиши мумкин бўлган маҳсулот ҳажмини иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциали деб аталади. Одатда, маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқарилиш ҳажми потенциал ишлаб чиқарилиш ҳажми билан тенг бўлмайди: иқтисодий пасайиш даврида у потенциал ҳажмдан паст, иқтисодий кўтарилишлар даврида, аксинча, барча ишлаб чиқариш омилларидан максимал фойдаланиш натижасида юқори бўлади.

Маҳсулотнинг потенциал ва ҳақиқий ишлаб чиқарилиши ўртасидаги фарқ ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг узилиши ёки орқада қолиши деб аталади. У маҳсулотнинг потенциал ишлаб чиқарилишига нисбатан фоизда акс эттирилади.

$$\text{Ҳақиқий ЯММ}_{\text{узилиши}} = \frac{\text{Маҳсулотнинг потенциал ишлаб чиқарилиши} - \text{Маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши}}{\text{Маҳсулотнинг потенциал ишлаб чиқарилиши}}$$

Агар, иқтисодий ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаган ҳолда фаолият кўрсатлаётган бўлса, яъни ишсизликнинг ҳақиқий даражаси табиий даражасидан юқори бўлса, ЯММ узилиши кўрсаткичи ижобий миқдор бўлади. Лекин, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари максимал даражада ҳаракатга келтирилган бўлса, унда ҳақиқий ишлаб чиқариш потенциал ишлаб чиқаришдан юқори ва узилиш миқдори манфий бўлади.

Оукен қонуни. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ЯММ узилиши шунча кўп бўлади. Ишсизлик даражаси ва ЯММ узилиши ўртасидаги миқдорий нисбат макроиқтисодий соҳадаги таниқли тадқиқотчи Артур Оукен томонидан аниқланган ва иқтисодий адабиётларда

Оукен қонуни сифатида кенг тарқалган. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан 1% га ошса, ЯММ ҳажмининг орқада қолиши 2,5% ни ташкил этади. Ушбу нисбат ишсизликнинг турли даражаларидаги маҳсулот йўқотишларини аниқлаш имконини беради:

ЯММ$_{\text{ушлиниш}}$=-2,5 (Ишсизликнинг – Ишсизликнинг табиий даражаси ҳақиқий даражаси)

Масалан, агар t йилда мамлакатда ишсизликнинг табиий даражаси 6,5% деб қабул қилинган, ҳақиқий даражаси эса 8,5% га етган бўлса, у ҳолда ЯММ фарқи 5% ни ташкил этади (-2,5х(6,5-8,5). Бу шуни билдирадики, шу йилда ишсизликнинг табиий даражаси таъминланганда, ЯММ ҳажми амалдагидан 5% га ошиқ бўлади. ЯММ нинг пастроқ даражаси, ўз навбатида, ишлаб чиқаришда қатнашувчилар даромадларининг нисбатан камроқ бўлишини ва иқтисодиётнинг келгуси тараққиётини инвестициялаш имкониятларининг қисқаришини билдиради. Ишсизлик нафақат иқтисодий йўқотишларга олиб келади, балки жамиятга катта ижтимоий зарар ҳам келтиради, айниқса, аҳолининг заиф қатламларига (аёллар, кексалар ва бошқаларга). Узоқ муддат давомида ишсиз юриш оиланинг, шахснинг моддий фаровонлиги ва ижтимоий мавқеи пасайишига сабаб бўлади.

6.5. Бандликнинг мумтоз ва Кейнс назарияси

У ёки бу тарзда ишсизлик мавжудлигини изоҳлашга, унинг учун тавсиялар беришга қаратилган кўплаб иқтисодий назариялар бор. Бироқ уларнинг барчаси ўз илдизлари билан икки асосий назарияга: мумтоз ва Кейнс назарияларига бориб тақаладики, улар моҳиятдан бандлик муаммосини ҳал этишга ёндашиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Мумтоз иқтисодчилар орасида энг машҳурлари Д.Рикардо, Ж.Милль, Ф.Эджурат, А.Маршалл ва А.Пигудир. Уларнинг бандлик хусусидаги ишларининг моҳияти қуйидагича: тўлиқ бандлик – бозор иқтисодиётининг мароми, энг мақбул иқтисодий сиёсат–давлатнинг аралашмаслик сиёсатидир.

Мумтоз иқтисодчиларнинг фикрича, бозор тизими ресурсларни самарали тақсимлаш ва улардан фойдаланишни ўзи таъминлай олиши мумкин. Агар корхоналар ё беркилиб, ё ўз ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисмидагина фойдаланган ҳолда иш олиб бориш шароитларини вужудга келтирувчи иқтисодий тангликлар рўй бермаганида эди, мумтоз иқтисодчиларнинг бу фикри амалга ошган бўлур эди. Лекин ҳозир миллионлаб ишсизлар пайдо бўлди.

1936 йили Жон Мейнорд Кейнс «Бандлилик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асарини яратди. Унда Кейнс давлатнинг иқтисодга аралашиши зарурлигини асослашга интилди. Чунки, бозор тизимининг ўзи мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлай олмайди.

Ўз таҳлилининг бошланғич муаммоси сифатида Кейнс бандликни мавзу қилиб олди. Чунки, ўша даврда ишсизлик фожеали кўлам касб этган эди. Бу шу билан ҳам шарҳланадики, статистика шароитида бандлик ҳажми — МД ни бевосита белгилайди.

Бандликнинг мумтоз назарияси асосида икки ғоя ётади: биринчидан, тўлиқ бандлик шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш учун сарфиётлар даражаси етарли бўлмайдиган ҳолат рўй бериш эҳтимолдан узоқ;

- иккинчидан, агар умумий сарфиётлар даражаси етарли бўлганида ҳам, нарх ва иш ҳақи (шу жумладан, фоизда режаси) сингари тартиблаштирувчи омиллар ишга тушади, натижада умумий сарфиётлар камайиши ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми, бандлик ва ҳақиқий даромадлар камайишига олиб келмайди.

Мумтоз назариянинг сарфиётлар етарли бўлмаган даражаси мавжудлик эҳтимолини инкор этиши СЭЯ қонуни билан асосланади. СЭЯ қонунига кўра, таклифнинг ўзи эҳтиёжни туғдиради, яъни маҳсулотни исталган ҳажмда ишлаб чиқариш ўзўзидан барча маҳсулотни бозорда сотиб олиш учун зарурий даромадни таъминлайди.

Даромадни қўллашни Кейнс назарияси уч қисмга бўлади. Булар:

- даромаддан истеъмол сарфиётлари;
- солиқлар тўлаш;
- жамғармалар учун фойдаланиш.

Бинобарин, солиқлар тўланганидан кейин даромад икки қисмдан — истеъмол ҳамда жамғармадан иборат бўлади. Демак, даромаднинг ҳамма қисми истеъмолга сарфланмайди. Жамғармалар кўплаб омиллар таъсирида амалга оширилади. Масалан, кўзда тутилмаган ҳолатлар эҳтимоли учун заҳира ҳосил қилишга интилиш ёки мулк қийматининг ортиб боришидан фойдаланиш. Чунки келгусида оз миқдордаги истеъмолга ёки ҳар қандай бошқа асосли сабабларсиз жамғарма йиғишга нисбатан катта ҳақиқий истеъмолга мойиллик кучаяди.

Лекин мумтоз иқтисодчиларнинг фикрича, жамғарма билан сармоя ўртасида мутаносиблик мавжудки, у фоиз миқдори таъсирида юзага келади. Яъни, аҳоли қўлида жамғарма тарзида мавжуд бўлган пул маблағларининг бир қисми ўз-ўзидан сармоя тарзида намоён бўлади.

Фоиз миқдори орта бориши билан аҳолида пулни жамғариш ва маблағни пул бозорига йўллашга истак кучаяди, ишбилармонларда эса сармояга истак пасаяди, чунки юқори фоиз ишлаб чиқариш харажатини оширади, деб таъкидлайди мумтоз иқтисодчилар. Аксинча, жамғарма фоизининг миқдори пасайганда жамғармалар камаяди ва сармояли молларга маблағ сарфлашга бўлган қизиқиш ортади. Агар жамғармалар ва сармояларнинг фоиз миқдорига боғлиқлигини график тарзда тасвирлайдиган бўлсак (1-чизма) сармоя билан жамғарма ўртасидаги мувозанат нуқтаси кўзга ташланади.

Мумтоз иқтисодчиларнинг таъкидлашича, бозор тизимида ўзига хос бозор-пул бозори бўладики, у жамғармалар билан сармоялар тенглигини кафолатлайди, бинобарин, тўлиқ бандлик ҳам кафолатланади.

1-чизма. Фоиз миқдори, жамғарма ва сармоялар мувозанати. (Пул бозорининг мумтоз ифодаси).

Жамғармалар даромад-буромад тизимида амалда бузилишлар келтириб чиқармаслигини, чунки фоиз миқдори ҳар бир жамғарилган долларнинг сармоядорлар қўлига келиб тушишига ва ишлаб чиқариш ускуналарига сарфланишига имкон беришини мумтоз иқтисодчилар алоҳида таъкидлашади.

Шунинг учун тежамкорликнинг кучайиши ижтимоий хавотирланишга олиб келмайди, чунки бу ҳол жамғармалар эгри чизиғининг ўнг томони S эгри чизиқдан S эгри чизиқ томонга суради (2-чизма).

Гарчи, жамғармалар сармояни тўхтатиб, эҳтимол вақтинча ишсизликни келтириб чиқарса ҳам, жамғармаларнинг ортиқчаси фоиз миқдорининг I мувозанати янги, янада пастроқ даражасига камайишига олиб келади. Фоизнинг бундай камроқ миқдори сармоя сарфиётларининг токи улар q нуқтасида жамғармаларга тенглашгунига қадар ошиб, унда шу билан тўлиқ бандликни сақлаб қолади.

Кейнс бўйича бандлик даражаси маош миқдорининг ўзгариши билан эмас, балки истеъмол ҳамда сармоя кутилаётган сарфиётлардан таркиб топадиган самарали эҳтиёж динамикаси билан белгиланади.



2-чизма. Фоиз миқдори, жамғарма ва сармоя мувозанатининг янги ҳолати.

Бандлик ва миллий даромад даражасини ресурсларнинг тақдими ва улар нархининг ортиши эмас, балки айнан самарали эҳтиёжгина белгилайди. Ўз навбатида, мазкур самарали эҳтиёж буткул ва тўла-тўкис фойдани катта миқдорга етказишга интилувчи ишбилармонликнинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, фойданинг кутилаётган меъёри билан белгиланади.

Истеъмол ва сармоя муайян нисбатда бўлган тақдирдагина, шунингдек, тегишли даражага етгандагина тўлиқ бандлик рўёбга чиқиши мумкин.

Қисқача хулосалар

Меҳнат ресурслари ҳар бир мамлакатнинг энг асосий бойлигидир. Фан-техника тараққиётининг ҳозирги даврида иқтисодиётнинг ривожланиши инсон омилининг таъсири билан боғлиқдир.

Меҳнат ресурсларининг минтақавий хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларга меҳнат ресурсларининг табиий ўсиши, малакали ходимлар билан таъминлаш, минтақанинг миллий, анъанавий, табиий, иқлимий хусусиятлари киради.

Меҳнат ресурсларининг кўрсаткичлари аҳолининг минтақадаги зичлиги, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, меҳнат ресурслари самарадорлиги ҳисобланади. Шунингдек, иш билан таъминланганлик, малакали мутахассислар сони, ишсизлар сони ва ҳоказо кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Ишсизликнинг фрикцион, структуравий (тузилиши) ва даврий турлари мавжуд.

У ёки бу тарзда ишсизлик мавжудлигини изоҳлашга, унинг учун тавсиялар беришга қаратилган кўплаб иқтисодий назариялар бор. Улар орасида мумтоз (классик) ва Кейнс назарияси алоҳида аҳамият касб этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Меҳнат ресурслари» тушунчаси нимани англатади? Унинг минтақавий хусусиятлари нимада?

2. Ишчи кучи ва ундан фойдаланишни белгиловчи қандай кўрсаткичлар мавжуд?

3. Ишсизлик нима ва унинг қандай турлари бор?

4. Бандликнинг мумтоз (классик) ва Кейнс назариялари моҳияти нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси». -Т.: Адолат, 1996.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1998 (янги таҳрир).

3. Раҳимова М., Ирматов М. Ҳудуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 1999.

VII боб

МИНТАҚАДА АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИ

7.1. Минтақа саноатининг таркиби ва уни ривожлантириш

Саноат — минтақа иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Ҳар бир минтақадаги мавжуд саноат корхоналари турли вазирликлар ва уюшмаларга (ассоциацияларга) қарашли бўлиб, турли мулкчиликка асосланган. Демак, вилоят минтақасида давлат, кооператив, хусусий, аралаш, чет эл сармоясига тегишли бўлган корхоналар мавжуд. Бозор инфратузилмаси яратилиши билан корхоналарнинг иқтисодиёт масалалари билан шуғулланувчи ваколатлари кенгаяди ва самарали рақобат шаклланиб боради. Иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналарнинг фаолиятларини самарали бошқариш ва тартибга солиш объектив заруриятга айланади. Акс ҳолда, ишлаб чиқариш анархияси юзага келиши мумкин. Вилоятлардаги саноат корхоналарининг фаолиятларини бошқариш, тартибга солиш ишлари билан маҳаллий ҳокимият идоралари шуғулланади. Улар берилган ваколатлар асосида корхоналарнинг иқтисодига раҳбарлик қилади.

Маҳаллий саноат маҳаллий аҳамиятга эга бўлган хом ашё ресурслари асосида ривожлантирилади. Маҳаллий саноат корхоналари энг аввало маҳаллий аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Маҳаллий саноатнинг ривожланиши у ердаги хом ашё ресурсларига, аҳолининг эҳтиёжига ва бошқа омилларга боғлиқ. Маҳаллий саноат корхоналарида асосан озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари ва маҳаллий аҳамиятга молик кийимкечаклар ишлаб чиқарилади. Улар маҳаллий ҳокимиятга белгиланган ваколатлар асосида ҳисобот берадилар.

Маҳаллий саноат корхоналари ҳозирги даврда коммунал мулкчиликка асосланган корхоналардир. Ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият маҳаллий саноатни ривожлантириш, хусусийлаштириш ва тартибга солиш ишлари билан шуғулланади.

7.2. Саноатда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тажрибаси

Кичик тадбиркорлик сектори барча мамлакатлар иқтисодиётида ниҳоятда муҳим вазифани бажармоқда. Биринчидан, ушбу сектор бозор шароитида зарур тезкорликни таъминлайди,

ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади. Буларсиз юксак самарадорликни тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, у истеъмолчилик соҳасида вужудга келадиган «туйнукни» тезда тўлдиришга қодир бўлибгина қолмай, энг замонавий машина-ускуналар ва технологиядан фойдаланиб, сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олади. Учинчидан, майда бизнес бозор учун зарур бўлган рақобатчилик муҳитини, тез пайдо бўлиб, йўқолиб кетадиган турли хил шаклларни яратиб беради, у бир зумда ўзгариб турадиган бозор талабига жавоб беришга тайёр бўлиш қобилиятига эга. Тўртинчидан, у шундай тадбиркорлик муҳити ва руҳини яратадики, энг аввало, ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий манфаатдорлиги ва ташаббуси асосига қурилган бирорта ҳам бозор иқтисодиёти буларсиз кун кўра олмайди.

Шундай қилиб, кичик ва хусусий тадбиркорлик ва у билан боғлиқ бўлган барча нарсалар замонавий ижтимоий ишлаб чиқариш ташкилий тузилмасининг муҳим ва таркибий унсурини ташкил этади. Буни ривожланган капиталистик мамлакатларда аллақачон тушуниб етишган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда кичик бизнесга муҳим ўрин ажратилиб, давлат томонидан жиддий мадад кўрсатилмоқда.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, саноатнинг илғор тармоқларида янги технологияларга ўтиш шароитида ўз ўрнини топди. Бундай тадбиркорлик янги ахборот технологиялари билан, янги ғоялар ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан ишлашни таъминловчи бутун тизимнинг узвий унсурини ташкил этади. Кичик корхоналар таваккалчилик ошган шароитда ишлаб чиқаришнинг мақбул шакли ҳамдир.

Жаҳондаги кўпгина ривожланган мамлакатларда кичик бизнес аллақачон иқтисодиётда ўз мавқеини эгаллаган. Масалан, АҚШ да 19 миллионта турли мустақил фирмаларнинг 90 фоизидан ортиғи майда корхоналардир. Японияда ўрта ва кичик корхоналар жумласига кирадиган 10 миллионта мустақил компаниянинг 99 фоизи кичик бизнес секторига киради. АҚШда мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг қарийб 50 фоизидан зиёди ана шу сектор ҳиссасига тўғри келмоқда ва янги ташкил этилаётган иш ўринларининг 2/3 қисмини майда фирмалар таъминламоқда.

Кичик тадбиркорлик тизими ишлаб чиқаришни монополиядан чиқариш жараёнида катта аҳамиятга эга. У ҳозирги шароитда жамиятда ишлаб чиқаришни айрим кишиларнинг эҳтиёжларини, уларнинг аниқ дидини қондириш сари йўналити-

риш учун зарур. Бу нарса маиший хизмат кўрсатиш ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш соҳаларида яққол кўринмоқда. Кичик корхоналар технология янгиликларини жорий этишда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга. Янги технологик ғояларни тезроқ қабул қиладиган кичик бизнесда хатар камроқ ва катта туркумдаги ишлаб чиқаришга қараганда ишни тезроқ йўлга қўйиш мумкин, шунингдек, бизнинг шароитда кичик бизнес илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга ёрдам бериши ҳам мумкин.

Аммо иқтисодиётимизни ривожлантиришда кичик бизнеснинг ижобий аҳамиятини эътироф этган ҳолда унинг аҳамиятини ортиқча баҳолаш ҳам нотўғри. Кичик тадбиркорлик фақат муайян доирадагина фаоллик кўрсата олади. Шу сабабли кичик тадбиркорликни самарали ривожлантириш учун керакли шароитни яратиш зарур. Бу ишда ҳориж тажрибасини ўрганиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик барқарор ривожланиши учун молия фондлари (жамғарма)ни ташкил этиш керак. Бу фондлар банклар учун кафил бўлиши, субсидияларга, шу жумладан, қайтариб олинмайдиган субсидияларга (иқтисодиётнинг алоҳида устувор соҳаларидаги корхоналарни ривожлантириш учун) манба бўлиб хизмат қилиши лозим.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, саноати ривожланган мамлакатларда жами корхоналарнинг 90 фоизи ҳамда ялпи миллий маҳсулотларнинг деярли чорак қисмидан кўпроғи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Кичик бизнес савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ғоят ривожланган. Масалан, АҚШда хизмат кўрсатиш соҳасида 1811 минг, савдода 1441 минг корхона фаолият кўрсатади, уларнинг деярли юз фоизи кичик бизнесга киради.

Бу мамлакатда кичик тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У бўлмаса, бозор иқтисодиёти на фаолият кўрсатади, на ривожланади. Шу сабабли АҚШда бозор субъектлари бўлган янги фирмаларни ташкил этиш муттасил ўсиб бормоқда. Масалан, 1970 йилда 264 минг, 1980 йилда 532 минг, 1988 йилда 682 минг янги фирма пайдо бўлди. 1992 йили бу мамлакатда кичик корхоналар сони 18 миллионга етди, 1947 йилда бундай корхоналар 8 миллион эди.

Ривожланган мамлакатларда юқори мосланувчанлик ва ишга солиш салоҳиятига эга бўлган кичик бизнес тараққиёти ҳеч қачон тўхтаб қолган эмас, бу нарса давлатнинг қўллаб-қувватлаш тадбирлари тизими орқали таъминлаб келинган.

Масалан, кўпгина мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга жавобгар бўлган марказий ҳукумат идоралари

(АҚШда Кичик бизнес маъмурияти, Японияда Кичик ва ўрта бизнес бошқармаси) мавжуд.

Кичик тадбиркорлик секторини барпо этиш ва уни ривожлантиришни молиялаш ишининг ташкил этилиши ҳам диққатга сазовор. Бу тизим давлат бюджети, шунингдек, маҳаллий бюджетлар воситаларидан бевосита фойдаланишни назарда тутади. Ғарб мамлакатлари амалиётида бюджетдан ажратиладиган маблағлар кичик корхоналарга тижорат асосларида фаолият кўрсатадиган ҳукумат ёки хусусий молия ташкилотлари тармоғи орқали берилади. Маблағларни бериш аксарият қайтариш тамойилига асосланади. Бундай тартиб бюджет ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди, умумдавлат ёки минтақавий нуқтаи назарни ҳисобга олган ҳолда устун даражани эгаллайдиган фаолият соҳаларини мақсадли кредитлашни амалга оширишга имкон беради. Масалан, АҚШда кичик корхоналар фаолиятини субсидиялаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар у қадар кўп эмас. Бу маблағлардан асосан кичик тадбиркорлар янги иш бошлашга киришганда ёки ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлашни амалга оширганда паст фоизларда кредит берган тижорат банклари кафолатини ва зарарни қоплашни таъминлашда фойдаланилади. Майда компанияларни имтиёзли кредитлашнинг бундай тизими ихтисослашган 600 та банкдан иборат тармоқни ташкил этади.

Япония тажрибасини олиб кўрайлик, ҳозирги энг замонавий ва илм-талаб ишлаб чиқариш ҳам «HONDA», «SANYO», «NISSAN» каби фирмаларнинг деярли барчаси амалда кичик бизнес бағрида туғилди ва ўсиб-улғайди.

Японияда давлат миллий, минтақавий ва маҳаллий (префектура) даражада кичик бизнеснинг таъсис этилиши, шаклланиши ва таркибий қайта ташкил этилиши босқичларида қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўтказади. Бу сиёсатнинг асосий йўналишлари - қонун чиқариш, молия-кредит, солиқ тадбирларидир.

Шундай қилиб, 500 та маҳаллий савдо-саноат палатаси ва уларнинг филиаллари майда бизнесга молиявий, маслаҳат, таълим соҳасида хилма-хил ёрдам кўрсатади. Маҳаллий ҳокимият идоралари майда ва ғоят кичик компанияларга ҳамда якка ўзи иш юритадиган бизнесчиларга ёрдам беради.

Давлат кичик бизнес фаолиятини махсус кичик корхоналарни қуллаб-қувватлаш ва халқ фондлари ёрдамида молиялайди. Бу маблағлар бюджетта кичик ва ўрта бизнес молия корпорацияси, Миллий молия корпорацияси ва «Сако-Чукин Банки» орқали киритилади. Уларнинг бўлимлари барча префектураларда ва йирик шаҳарларда очилган. Кичик корхоналарга молиявий

ёрдам берадиган Япония савдо палатасининг жуда сертармоқ маҳаллий бўлимлари бор. Ниҳоят, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг анчагина қисмини давлат ва жамоат фондлари воситачилигида хусусий банклар бажарадилар.

Японияда кичик бизнес компанияларига давлат ўз зиммасига оладиган тижорат кредитлари, кафолатлар ва суғурта мажбуриятлари бериш амалиёти кенг ёйилган. Бундай кафолат кичик компания мулкини гаровга олиб ёки гаровга олмай ҳам берилиши мумкин.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган қатор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳам бозорга ўтиш босқичининг ўзидаёқ тадбиркорликни давлат томонидан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди. Унинг асосий мақсади давлат ҳамда маҳаллий бошқарув даражаларида зарур ҳуқуқий хўжалик, ташкилий, моддий, молиявий ва ижтимоий, психологик (руҳий) шарт-шароитлар ва механизмларни барпо этишдан иборат бўлиши лозим. Президентимизнинг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонлари бунга асос бўлиб хизмат қиладики, бу Фармонлар республикада хусусий бизнесни ривожлантириш ишига янги омил бахш этади.

Мамлакатимизда бозорга ўтишнинг ҳозирги босқичида халқ хўжалигининг барча соҳаларида кўплаб кичик корхоналарни барпо этиш вазифаси турибди. Ҳозир бизда майда ишлаб чиқарувчилардан вужудга келган муайян бозор тузилмалари пайдо бўлди. Кичик корхоналар фаолиятининг асосий тамойили, бу — давлат корхонасими, ширкат, акциядорлик, жамоа корхонаси ёки хусусий корхонами, бундан қатъи назар уларнинг хўжалик юритиш шароитларининг тенглиги ҳисобланади.

Яқин йилларда бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг кўпгина мураккаб муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган барқарор сектор барпо этилиши учун кичик корхоналар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиққа тортилишда, нарх белгилашда, моддий-техника таъминотида, молия ҳисоби ва назоратда бир хил тамойилларга эга бўлишлари лозим.

Кичик ва хусусий корхоналар бозорга ўтишда муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун самарали имтиёзлар тизимини яратиш зарур.

Имтиёзлар икки томонлама хусусиятга эга. Бу ё даромад ёки фойдага имтиёзли солиқ белгилашдан ёҳуд мақсадли субсидиялар, дотациялар, молиявий кафолатлар бериш механизмларидан, хатарни суғурталаш ва оддий суғурта тизими ва бошқалардан иборат.

АҚШда, масалан, майда тадбиркорлик давлат даражасида бирон -бир махсус солиқ имтиёзларига эга эмас, лекин молиявий кафолатлар ва махсус субсидиялардан фойдаланади. Буюк Британияда ва Японияда эса майда ва ўрта компаниялар учун даромад солиғининг пасайтирилган ставкалари назарда тутилган.

Кичик бизнес учун солиқ имтиёзлари кўзда тутилган бу тизимда якка тартибда иш юритадиган компаниянинг эгаси ва унинг оила аъзолари меҳнати ҳақига олинадиган шартли сумма (ушбу касб учун мамлакат бўйича ўртача ставка даражасида) солиқ солинадиган даромаддан чегириб ташланади; майда корпорациялар учун пастроқ солиқ ставкалари белгиланган; майда корпорациялар фойдасининг бир қисми солиқдан озод қилинган. Бундан ташқари, мабодо, корпорация бирон-бир устивор давлат дастурларида иштирок этадиган бўлса (ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, маҳсулотни илмий-техникавий жиҳатдан янгилаш ва бошқалар), қўшимча солиқ имтиёзларига эга бўлади. Солиқ имтиёзларининг бундай тизими Ўзбекистонга ҳам бемалол мақбул келади ва кичик бизнеснинг шаклланиши даврида унга мадад кўрсатишини таъминлайди.

Мамлакатимизда кичик корхоналарни жадал суръатларда ривожлантириш банк хизматини аниқ маромда ташкил этишни талаб этади. Бу масалада ҳам ҳориж тажрибасидан намуна олса бўлади. Чет мамлакатларда майда тадбиркорлик тизимига жуда кўплаб тижорат банклари (масалан, АҚШда улар 11 мингдан кўпроқ), турли воситачи ва майда улгуржи ташкилотлар хизмат кўрсатади. Бу тизимнинг ҳамма унсури бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Афтидан, бизда ҳам банк хизматини шу йўналишда такомиллаштириш керак. Хусусан, давлат идоралари тизимида зарур тузилмалар ташкил этилиши, кичик корхоналарни барпо этиш шартлари ва уларнинг фаолияти кенг тарғиб қилиниши лозим.

Ўзбекистонда кичик корхоналар турли шаклларда фаолият кўрсатмоқда. Уларга жамоат, хусусий, ижара корхоналарини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Кичик бизнес соҳасида ҳам муайян ютуқларга эришилган бўлсада, аммо уларнинг ривожига тўсиқ бўлиб турган, ҳал этилмаган бир қатор муаммолар ҳам бор. Ҳалигача кичик ва хусусий тадбиркорликнинг кенг қулоч ёйиши учун зарур шароитларни яратишга хизмат қиладиган бозор инфратузилмаси зарур даражада ривож топгани йўқ.

Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг такомиллаштирилиши кичик ва ўрта бизнесга бевосита хизмат кўрсатадиган банклар, фондлар, инвестиция ва суғурта ташкилотларининг фаолиятини рағбатлантириш йўналишида олиб борилиши керак.

Кичик ва хусусий корхоналар ўз фаолиятини кенгайтириш учун давлатнинг молия-кредит муассасаларидан имтиёзли қарзлар олишлари лозим. Хорижий мамлакатларнинг тажрибасига кўра, агар корхона устувор давлат дастурида (янги техникани яратиш, узоқ минтақани ривожлантириш ва бошқалар) қатнашаётган бўлса, имтиёзли қарзлар олиши мумкин. Қарзни, албатта, қайтариш, фоизнинг энг кам меъёри ва қарзни узишда узоқ муддат берилиши-қарз беришдаги асосий шартлардир.

Кичик корхоналар фаолиятига олдиндан кўриб бўлмайдиган хилма-хил вазиятлар катта таъсир кўрсатади, шароитнинг кескин ўзгариб кетиши, мижозларнинг тўловга қодир бўлмай қолиши, кутилмаган табиий офатлар уларни танг аҳволга солиб қўяди. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда уларни суғурталаш тизими яхши йўлга қўйилган. Суғурталашнинг бундай тизимини мамлакатимизда ҳам барпо этиш зарур. Бу тизим кичик корхоналарни, айниқса, тижорат хатари катта бўлган соҳаларда ривожлантиришда қулай шароитларни кафолатлаши, ўзиники бўлган ёки қарз олинган капитал билан таваккал қилиб иш бошлаган тадбиркорларда ишонч ва зарур барқарорликни яратиши керак.

Товар биржалари ташкил этиш, ярмаркалар, акциядорлик ва савдо-воситачилик фаолиятининг бошқа шаклларини ривожлантириш асосида горизонтал хўжалик алоқалари тизимига ўтиш таъминот-савдо корхоналари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан биргаликда тадбиркорлик тузилмаларининг моддий-техника ресурслари билан таъминланишини осонлаштиришга ёрдам кўрсатади.

Кичик ва хусусий тадбиркорликка самарали мадад кўрсатиш тизимини яратиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- воситаларни эркин қайта тақсимлаш учун шароитлар яратиш йўли билан давлат, жамоат, акциядорлик, ижара, хусусий ва ширкат мулкчилигининг янада самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришнинг замонавий тузилмаларини ташкил этиш ва унинг даромаддорлигини кўтаришга ёрдам берадиган гуруҳий хўжалик фаолиятининг гуруҳли шаклларини тузиш;
- турли мулкчилик шаклларининг ўзаро ташкилий ҳамкорлигини уларнинг яхлитлигини кучайтириш асосида таъминлайдиган аралаш тадбиркорликни ташкил этиш;

• хусусий тадбиркорликнинг янги шаклларини яратиш ва шахсий жамғармаларни, шунингдек, қонуний ишга солиш имкониятларини кенгайтириш ҳисобига якка ташаббусларни рағбатлантириш;

• тадбиркорликни рағбатлантириш йўли билан бандлик муаммосини енгиллаштириш;

• капитал маблағларнинг етишмаслиги муаммосини ҳаракатдаги капиталнн жалб этиш шарт-шароитларини енгиллаштириш йўли билан ҳал этиш;

• тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аниқланган устуворлик ва йўналишларни ҳисобга оладиган молиялаш, кредитлаш ва суғурталаш тизимини шакллантириш ва ҳоказо.

7.3. Минтақа қишлоқ хўжалигининг ривожланиши

Қишлоқ хўжалигининг аҳамияти ва уни ривожлантириш борасидаги вазифалар. Аграр-индустриал давлатларда жамият осойишталигининг барометри аграр соҳа ҳисобланиб, унинг ривожланиш суръатлари макроиқтисодий кўрсаткичлар даражасини белгилайди. Ўзбекистон шундай давлат ҳисобланиб, сувнинг 80 фоизидан ва ер ресурсларининг 70 фоизидан кўпроғи аграр соҳада фойдаланилади. Бу соҳада ялпи ички маҳсулотларнинг 25 фоизга яқини яратилаётган бўлиб, биргина қишлоқ хўжалик маҳсулоти мамлакат валюта тушумларининг 55 фоизини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда республика аҳолисининг 63 фоизи ёки 14 миллион нафари қишлоқда истиқомат қилади. Аграр соҳада 3,5 миллионга яқин киши банд бўлиб, бу, ишчи кучларининг 40 фоизини ташкил қилади.

Президент И.Каримов Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида «Жамиятимизнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар нечоғли самарали кечаётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига нечоғли чуқур кириб бораётгани билан боғлиқ», деб таъкидлагани бежиз эмас.

Республикамизда «Ер тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ва ҳужжатлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиндики, улар аграр соҳада янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, турли мулкчилик шаклига асосланган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни, фермер ва шахсий таморқа хўжаликларини ривожлантириш имконини яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамиздаги мингга яқин давлат хўжаликлари мулкчиликнинг нодавлат шаклларига айлантирилди. Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган 1450 та қорамолчилик фермарси хусусийлаштирилди, 650 та ферма «ким ошди» савдосида сотилди. Ўзбекистонда тажриба тариқасида 3 та агрофирма тузилди ҳамда ишловчиларнинг ҳақиқий мулк эгалигини таъминлаш мақсадида 26 хўжалик мулкий пай негизида ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Ҳозирги пайтда қишлоқларда хусусий секторни ривожлантириш, маҳсулотларни қайта ишлаш ва сақлаш, кичик ва қўшма корхоналарни барпо этиш бўйича бир қатор ишлар қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан кадрлар малакаси, билим ва маҳоратига боғликдир. Шунинг учун қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар асосида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолиятларини тубдан қайта ташкил этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни мутассил ривожлантириш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан, саноатни, давлат заҳираси, экспорт шартномасини эса зарур хом ашёлар билан таъминлашдир. Маҳаллий қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий вазифаси маҳаллий иқтисодий, моддий, табиий ресурслардан тўла фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалигини жадал суръатда юксалтириш, илғор технологияни, мелиорация ва ирригацияни ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш шаклларидан (ижара, пудрат, фермерлик) фойдаланиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг минтақадаги вазифаларига қуйидагилар киради:

- ердан (аввало ҳайдаладиган қисмидан) самарали фойдаланиш ва шу асосда ҳосилдорликни ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш;
- сув хўжалиги фаолиятини юксалтириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш (ҳозир сувдан фойдаланиш коэффициенти КПД-0,65 га тенг), кам сув талаб қиладиган технологияга ўтиш;
- илмий асосланган кимёлаштиришга ўтиш, биоусулдан кенг фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини юксалтириш, уни ишлаб чиқариш воситаларининг энг самарали турлари билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

- чорвачиликнинг ем-хашак базасини ривожлантириш, чорва таркибини, наслини яхшилаш, тезкор омиллардан фойдаланиб, маҳсулдорликни кўпайтириш.

Маҳаллий қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳар бир минтақанинг хусусиятлари, чунончи, жуғрофий жойлашиши, табиий шароити, нуфузи, миллий хусусиятлари, шаҳар атрофига ёки саноат районларига узоқ-яқинлиги, қайта ишлаш саноатига боғлиқ йўллар, иқтисодий ихтисослашганлик каби омиллар ҳам ҳисобга олинади. Уларни ҳисобга олиш ижобий омиллардан кенг фойдаланиш ва самарадорликни тўсувчи омилларнинг таъсирини йўқотишга олиб келади.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни аниқлаш услуби. Деҳқончилик ривожини режалаштиришда ер ресурслари ва унинг тузилиши режалаштирилади. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар баланси тузилади. Унда жорий ва режалаштирилган даврлар учун фойдаланадиган ерлар, табиий ўтлоқлар, яйловлар, кўп йиллик ўсимликлар ўстириладиган ерлар, қўриқ ерлар, қумлоқлар майдони режалаштириладиган йилга аниқланади. Ерлардаги режа даврида бўладиган ўзгаришлар асосида, энг аввало, ҳайдаладиган ерлар майдони ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибидаги ўзгаришлар ҳайдаладиган ерларнинг кўпайишига олиб келиш керак.

Ҳайдаладиган ерларнинг умумий майдони аниқлангач, уларнинг баланси тузилади.

Режалаштирилаётган йилдаги ҳайдаладиган ерларнинг майдонини (у) топиш учун йил бошидаги ҳайдаладиган ерларга ҳайдаладиган ерларнинг кўпайиши қўшилиб, камайиши айрилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг майдонини аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади: экинлар ҳосилдорлиги, давлат буюртмасининг ҳажми, ихтисослашув даражаси, хўжалик ва минтақанинг эҳтиёжлари, экин турларининг самарадорлиги, амалий экиш талабларига риоя қилиш.

Минтақа қишлоқ хўжалигининг экин майдони қуйидаги тартибда аниқланади:

1. Давлат буюртмасининг ҳажми юқоридан олинади;
2. Уруғ (чигит) га эҳтиёж аниқланади;
3. Уруғ суғурта фонди аниқланади;
4. Ем-хашак фонди ҳисобланади;
5. Бошқа фонд ва заҳиралар аниқланади.

Ҳамма моддалар асосида:

1. Деҳқончилик ишлаб чиқариш ҳажми аниқланади;
2. Табиий ўтлоқлардаги ишлаб чиқариш ҳажми аниқланади;

3. Назарда тутилаётган ҳосилдорлик аниқланади;

4. Зарур бўлган экин майдони аниқланади.

Экин майдони тартибда минтақанинг ҳар бир экин тури бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Экин майдонлари аниқлангач, режали ҳосилдорлик аниқланади. Бунинг учун ҳосилдорликка таъсир этувчи асосий омилларни билиш ва улардан фойдаланиш лозим. Илмий асосда тузилган картограммалар асосида кимёвий ва органик ўғитлар бериш, самарали ўсимлик навларини қўллаш, тезкор технология ва техникадан фойдаланиш, меҳнатнинг янги шаклларидан фойдаланиш, мелиорация ва ирригация ишларини такомиллаштириш ва ҳоказо.

Чорвачилик қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик, ипакчилик ва ҳоказо соҳаларга бўлинади. Улардан ҳар бирининг йўналишлари мавжуд. Масалан, қорамолчилик-сут, сут-гўшт, гўшт йўналишларига бўлинади. Шунга мос равишда режалаштириш кўрсаткичлари, режа топшириқлари ва режалаштириш усулларидан фойдаланилади.

Чорвачилик маҳсулотларига аҳолининг эҳтиёжлари тегишли институтлар ишлаб чиққан, илмий жиҳатдан асосланган нормалар асосида аниқланади. Умумий чорва маҳсулотларига эҳтиёжни аниқлаш учун аҳоли эҳтиёжига қайта ишлаш саноатининг эҳтиёжи, четга чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ва бошқа заҳиралар қўшилади.

Чорва маҳсулотларига эҳтиёж аниқлангач, туёқлар сони аниқланади. Бунда чорва подаси обороти балансидан фойдаланилади.

Йил бошидаги чорва бош сони ҳисоботлардан олинади.

Сотиб олинадиган чорва моллари бош сони ҳар бир хўжаликнинг аниқ иқтисодий ҳолатидан, манфаатларидан келиб чиқиб аниқланади. Асосан пода тузилишини яхшилаш мақсадида асосан наслдор чорва сотиб олинади.

Бузоқ олиш белгиланган нормативлар асосида аниқланади. Табиий йўқотиш нормативи 6-8% гача белгиланиши мумкин. Нормативлар чорва молларининг ҳар бир тури ва чорвачилик ихтисослашуви бўйича табақалаштирилган.

Режа даврининг якунидаги чорва бош сони қуйидагича аниқланади:

$$ЧБ_{д.я} = ЧБ_{йб} + ЧБ_{к} - ЧБ_{ч}$$

Бу ерда:

$ЧБ_{д.я}$ – режа даври якунидаги чорва бош сони;

$ЧБ_{йб}$ – режалаштириладиган йил бошидаги чорва боши;

$ЧБ_к$ — чорва бошининг қўшилиши;

$ЧБ_ч$ — чорва бошининг чиқими.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштириш учун сигирларнинг ўртача сони ҳар бир сигирнинг ўртача маҳсулдорлиги бўйича аниқланади. Режада маҳсулотни ошириш чоралари белгиланади. Бунинг учун чорвачилик маҳсулдорлигига таъсир этувчи омиллар ҳисобга олинади. Маҳсулдорликни оширишнинг энг асосий шарти — ем-хашак баланси тузилади.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини ривожлантириш. Қишлоқ хўжалиги моддий - техника базасини режалаштириш кўп қиррали мураккаб вазифадир. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини ривожлантириш учун бу борадаги ҳар бир элементга эҳтиёж аниқланади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси барча ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат предметларининг йиғиндисидир. Унинг актив қисми машина ва механизмлар ҳисобланади.

Машина ва механизмларга талабни аниқлаш учун қуйидагиларга эътибор берилади:

- қишлоқ хўжалик юмушлари агротехника муддатларида бажарилиши шарт;
- қишлоқ хўжалик машиналари билан (тракторлар) кучга эга бўлган машиналар ўртасида муқобиллик бўлиши керак;
- малакали ишчи кадрлар билан етарли таъминланган бўлиши керак;
- қишлоқ хўжалик машина ва ускуналарини кафолатли таъминловчи корхона бўлиши лозим. Айниқса, эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни тўбдан ривожлантириш зарур. Шу мақсадда улгуржи савдо дўконлари ташкил этилиши лозим.

Тракторларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун тракторлар билан бажариладиган ишлар ҳажми аниқланади ҳамда ҳар бир тракторнинг сменалик ёки кунлик нормаси ҳисобланади.

Кейинги йилларда жамоат хўжаликларига иқтисодий-математик усуллар билан машина-трактор парки тузилиши ва ҳажми шартнома асосида аниқлаб берилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида горизонтал иқтисодий муносабатларни ривожлантириш. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга бағишланган бир қанча қонунлар қабул қилинди ва қилинмоқда. Натижада маъмурий идораларга бўйсинмайдиган мустақил товар ишлаб чиқарувчи ва алмашувчи корхоналар, уюшмалар, жамиятлар пайдо бўлмоқда.

Агроконсорциумда корхоналар шартнома бўйича иқтисодий рағбатлантириш, товар ишлаб чиқариш, товар алмашишни ташкил

этади. Жамоа ва ширкат хўжаликлари, банклар, қайта ишлаш саноати ва бошқа корхоналар маблағларининг жамланиши қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, ижтимоий инфратузилмани жадаллаштиришга, янги техника-технологияни ва эҳтиёжни тўла қондиришга кенг имкониятлар яратиш баробарида кам моддий ва меҳнат харажатлари билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга олиб келмоқда. Кооперацияда қатнашаётган, корхоналар эса, табиий кўринишда маҳсулот ёки қўшган пулига ёҳуд моддий маблағларга мос равишда фойдадан ўз улушларини олишлари мумкин.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, банк, қурилиш, транспорт савдо ва бошқа корхоналарнинг ихтиёрий асосдаги уюшишлари деҳқончилик секторига қўшимча маблағларни жамлаш имконини беради ва бу имкониятдан фойдаланиш соҳасида биринчи тажрибалар умумлаштирилмоқда.

Агроконсорциумлар ҳозирда Россиянинг Москва, Ростов, Ярославь вилоятларида ва Украинанинг бир қанча минтақларида ривожланмоқда. Уларнинг дастлабки тажрибаси қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг барча тармоқларига фойда келтирмоқда. Энг асосийси, ишлаб чиқариш ҳажман кўпаймоқда. Унинг ҳар бир иштирокчиси горизонтал иқтисодий муносабатлар асосида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширмоқда.

Демак, агроконсорциумлар турли халқ хўжалиги корхоналарининг вақтинча фойдаланилаётган моддий, молиявий маблағларини қишлоқ хўжалиги корхонасига ихтиёрий равишда қўшиш йўли билан ташкил этилади.

Агроконсорциумлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш билан шуғулланади.

Агроконсорциумлар қатнашчилари жамлаган моддий, молиявий ва бошқа маблағларини агроконсорциумга шартнома асосида ўтказади. Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам унинг қатнашчиси сифатида фойда ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан ўз улушини олади. Агроконсорциум ҳам юридик шахс сифатида фаолият кўрсатади ва бошқаришнинг демократик тамойилларига асосланади.

Агроконсорциумнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва озиқ-овқат бозорини ташкил этиб, биринчи галда агроконсорциум қатнашчилари талабини қондириш;

- ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан ўз савдосини ва хўжалик (жамоа ва ширкат) бозорларида савдони ташкил этиш;

- бошқаришнинг демократик усулларидан кенг фойдаланиш, ташаббускорликни рағбатлантириш;

- қишлоқни ижтимоий ривожлантириш, барча қатнашчи корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, моддий, молиявий ва банк кредитлари маблағларидан самарали фойдаланиш ва ҳ.к.

Агроконсорциум ўз фаолиятини қуйидаги тамойилларга амал қилган ҳолда ташкил этади:

- агроконсорциумга ихтиёрлик асосида бирлашиш ва чиқиш ҳамда ўз маблағларининг бир қисмидан ҳамкорликда корхоналар ташкил этиш;

- тақсимланиши зарур бўлган маҳсулотдан ва фойдадан ўз ҳиссасини олиш;

- агроконсорциумда ишлаб чиқарилган маҳсулот, ҳисобга олинган фойда ёки даромад агроконсорциум қатнашчиларига тегишлидир;

- қатнашчи корхоналарнинг юридик ва иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолиш;

- барча ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш масалаларига илмий жиҳатдан атрфлича ёндашиш;

- шахсий, жамоа ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиш ва ҳоказо.

7.4. Минтақада капитал қурилишни ривожлантириш дастури

Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг катта тармоқлари, айниқса, капитал қурилишга жиддий таъсир этади. Сабаби, бу тармоқда кооперациялаш тараққий этган, ижара жамоалари бошқа тармоқлардагига нисбатан олдин пайдо бўлган, биринчилар қаторида ўз акцияларини чиқарганлар. Тармоқда, шунингдек, улар барча қонуний ва норматив муносабатлар йўлга қўйилган, лекин қурилиш бозори ҳали шакллангани йўқ. Биринчи навбатда минтақада ички қурилиш бозорини вужудга келтириш лозим. Кейинчалик уларнинг йиғиндисидан Ўзбекистон қурилиш бозорини вужудга келтириш мумкин. Ундан кейинги босқич дунё қурилиш бозорига интеграция қилишдир.

Минтақавий қурилиш бозорини вужудга келтириш қуйидаги вазифалар ижроси билан боғлиқ:

- бозор субъектларини вужудга келтириш орқали қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар орасидаги муносабатларни шакллантириш;

- қурилиш бозорини тартибга соладиган ташкилотларни вужудга келтириш;

- қурилиш ходимлари малакасини ошириш;
- қурилиш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш;
- бозор инфратузилмасини ташкил қилиш.

Ишлаб чиқариш қуввати ва асосий фондларни ишга туширириш. Ишлаб чиқариш қувватлари соҳанинг асосий тармоқлари ва асосий маҳсулотлари турлари эътиборга олинган ҳолда ишга туширилади.

Режалаштириш даврида қувватларни ишга тушириш ишлаб чиқариш қувватлари баланси орқали амалга оширилади. Бу қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$\Delta K_{и.т} = К_0 - К_б - К_{чиқ} \pm К_{ту}$$

Бунда: $К_0$-$К_б$ – йилнинг боши ва охиридаги қувватлар;

$К_{чиқ}$-чиқиб кетадиган қувватлар;

$К_{ту}$-маҳсулотлар номенклатураси ва ассортименти ўзгариши натижасида қувватларнинг ортиши ёки камайиши.

Шунингдек, асосий фондларни ишга тушириш ҳам қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta Ф = \frac{B_п - \sum Ф_п \cdot Ф_о \cdot К_{ос}}{Ф_{св} \cdot Ф_о \cdot К_{ос}}$$

Бунда: ΔФ – асосий фондларга бўлган талаб;

$В_п$-прогнозлаштирилаётган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

$ΣФ_п$-йил бошидаги асосий фондлар;

$Ф_0$-фонд қайтими;

$К_{ос}$-асосий фондларни ўзлаштириш коэффициенти;

$Ф_{св}$-асосий фондларнинг ўртача йиллик ишга туширилиши.

Асосий фондларни ишга тушириш қуйидагича аниқланади:

$$Ф_е = Ф_с + У_с + Д - Ф_н$$

Бунда: $Ф_е$-асосий фондларнинг ишга туширилиши;

$Ф_с$-ўртача йиллик асосий фондлар;

$У_с$ – чиқиб кетган асосий фондлар;

Д – фойдаланилмайдиган асосий фондлар;

$Ф_н$ – йил бошидаги асосий фондлар.

Капитал қурилиш учун капитал маблағлар зарур. Капитал маблағлар – ишлаб чиқариш фондларининг ишлаб чиқаришга кетган барча молиявий ва меҳнат харажатларидир. Капитал қурилиш учун ҳам дастлаб бундай маблағларга бўлган талаб ва уларнинг манбалари аниқланади. Капитал маблағларнинг асосий манбалари ишлаб чиқариш фондлари амортизация ажратмаси

ва давлат бюджетидан ажратмалар, қўшимча манбалари эса; чет эл сармояси; банк кредитлари (асосан саноат-қурилиш банки кредитлари); чет эллик шахсларининг (хусусий шахсларнинг) маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобланади.

Капитал қурилишни режалаштиришда, капитал маблағларнинг иккинчи асосий кўрсаткичи — лимитдан фойдаланилади. Капитал маблағлар лимити — янги қурилишни фойдаланишга топшириш, мавжудларини қайта қуриш ва янгилаш учун катта миқдорда белгиланган ресурс харажатларидир. Лимит буюртмачи учун белгиланади.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларида капитал маблағларга бўлган талаб ишлаб чиқариш қувватлари балансидан фойдаланган ҳолда аниқланади. Бунда:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини сақлаш учун зарур бўлган капитал маблағлар миқдори;
- техник қайта қуролланиш, қайта қуриш ва янгиланиш учун зарур бўлган капитал маблағлар миқдори;
- янги қурилиш учун зарур бўлган капитал маблағлар миқдори ҳисобга олинади.

Капитал маблағларнинг харажатлари ҳам шу тартибда амалга оширилади.

Ижтимоий инфратузилма объектлари учун зарур бўлган капитал маблағлар аҳолининг эҳтиёжига ва белгиланган капитал маблағларнинг нормативига қараб аниқланади. Шунингдек, турли қурилишларда капитал маблағларга бўлган эҳтиёж лойиҳада кўрсатилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми ва маблағларига қараб белгиланади.

Қўшимча қувватларни ишга тушириш учун зарур бўлган капитал маблағларга эҳтиёжни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$К\ мэ = З\ кк \times Н$$

Бу ерда: К мэ - қўшимча қувватларни ишга тушириш учун капитал маблағларга эҳтиёж;

З кк - зарур бўлган қўшимча қувватлар;

Н - бир бирлик қўшимча қувватни ишга тушириш учун зарур бўлган капитал маблағлар миқдори.

Масалан, режалаштириш даврида 5 млн.кв.м. газлама ишлаб чиқариш белгиланган. Белгиланган норматив 1000 кв.м. Газлама ишлаб чиқариш учун 620 минг сўм сарфланган. Режага кўра, қўшимча 500 минг кв.м. газламани ишлаб чиқариш учун (500 минг х 620 минг =310 млн.) 310 млн. сўм капитал маблағ зарур бўлади.

Капитал маблағларга ижтимоий инфратузилма объектлари учун зарур бўлган ижтимоий объеклар миқдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$К м = И ижт \times Н$$

Бу ерда: И ижт - ишга туширилиши зарур бўлган ижтимоий объектлар миқдори (уй-жой қурилиши - кв.м., касалхоналарда ўрин сони);

Н — бир бирлик ижтимоий объектни ишга тушириш учун зарур бўлган капитал маблағ миқдори.

Минтақа бўйича капитал маблағларга эҳтиёж умумий ҳолда қуйидагича аниқланади:

$$К м худ = Я + Қ + Я$$

Бу ерда: Я - янги қурилишга бўлган эҳтиёж;

Қ - қайта қуришга бўлган эқтиёж;

Я - янгилашга бўлган эҳтиёж.

Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари. Капитал қурилишнинг самарадорлиги — режа давридаги ҳисоб-китоб ишларининг асосий босқичидир.

Капитал маблағлар ёки чет эл сармояси фақат маълум фойда олинган тақдирдагина сарфланади. Шунинг учун капитал қурилишда ёки ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва янгилашда капитал маблағларнинг қиймати ва самарадорлиги аниқланади.

Капитал маблағларнинг самарадорлиги бир неча хил услубда аниқланиши мумкин. Капитал маблағлар корхона, минтақа ва макро кўламда аниқланади. Капитал маблағларнинг энг самарали вариантга юқорида кўрсатилганидек, биринчи навбатда қайта қуриш ва янгилаш учун, сўнгра янги қурилиш учун сарфланиши лозим.

Капитал маблағларининг макрокўламдаги самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Э = \frac{Мд}{К}$$

Бу ерда: Мд - миллий даромаднинг ўсиши;

К-капитал маблағларнинг миқдори.

Капитал маблағларнинг макро кўламдаги самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Э = \frac{Ф}{К}$$

Бу ерда: Ф - сарфланган капитал маблағлар ҳисобига фойданинг ўсиши.

К-капитал маблағлар.
Алоҳида лойиҳаланаётган корхоналар бўйича:

$$Э = \frac{Б - Т}{К}$$

Бунда: Б-йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қиймати;
Т-маҳсулот таннархи.
Тармоқлар ва корхоналар бўйича:

$$Э = \frac{C_1 - C_2}{К}$$

Бу ерда: C_1-C_2-капитал қийматлар киритилгандан ва киритилмасдан олдинги таннарх.

Капитал маблағларни сарфлашда бир неча муқобил вариантлардан энг самаралисини (зарур бўлган) танлаш зарур. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Э = Т + Е_н \times К \rightarrow \min;$$

Бу ерда: Т - ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархи;
$Е_н$ - капитал маблағлар самарадорлигининг норматив коэффициенти.

7.5. Минтақа транспортининг ривожланиши

Транспортнинг аҳамияти. Транспорт халқ хўжалигида муҳим ўрин тутуади. У минтақа хўжалиги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш комплексининг изчил ва муттасил фаолияти билан бевосита боғлиқ. Транспортнинг нормал фаолияти ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар муносабатлари ривожланишига катта имкониятлар яратади.

Транспорт турлари, режалаштириш асослари ва унинг иқтисодий самарадорлиги қатор иқтисодий фанлардан ўрганилган. Демак, унинг аҳамияти бизга маълум.

Транспортни режалаштириш комплекс равишда амалга оширилади. Транспортнинг асосий вазифаси халқ хўжалиги ва аҳолининг ташиладиган юкларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. Маҳаллий транспортнинг асосий тури автомобиль транспорти ҳисобланади. Шу сабабли автомобиль транспортини режалаштириш услубининг асосларини кўриб чиқамиз.

Маҳаллий режалаштириш ташкилотлари ҳар бир корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, ташиладиган юкларнинг ҳажмини ва юк айланмасини асосий кўрсаткичлар сифатида ҳисоблайди ва режалаштиради. Транспортнинг асосий кўрсат-

кичлари асосида транспорт фаолияти мувоффиқлаштирилади, тартибга солинади ва транспорт комплексининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланади. Транспортни режалаштиришда энг самарали транспорт воситалари аниқланади. Бунинг учун эса, барча транспорт тармоқлари транспорт комплекслари сифатида режалаштириш объекти деб олинади.

Юк ташишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уни режалаштириш. Транспорт ишини тартибга солишда қуйидаги вазифалар ва режалаштириш ишлари бажарилади:

1. Ҳар бир минтақа бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси тузилади.

2. Минтақаларо ва минтақа ичидаги юкларнинг алмашинувини аниқлаш учун шахмат балансларн маҳсулотларнинг энг муҳим турлари бўйича тузилади.

3. Ташиладиган юклар транспорт турларига тақсимланади.

4. Транспортнинг моддий-техника базаси ривожланиши ва иш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар аниқланади.

Транспорт фаолиятини режалаштириш учун юк ташиш ҳажми аниқланади. Юк ташиш ҳажмини аниқлашда қуйидаги балансларн тузилади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш минтақавий балансларн тузилади. Демак, баланс усулидан фойдаланиб, ташиладиган юкларнинг ҳажми, бир қанча истеъмолчилар билан юк чиқарувчи ташкилотларнинг ўртача масофаси аниқланади.

2. Коэффициентлардан, хусусан, юк ташиш коэффициентидан фойдаланиб, ташиладиган юкларнинг ҳажми аниқланади.

3. 1 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга тўғри келадиган юк ташиш нормативи асосида аниқланади. Режалаштиришда барча усуллардан лозим бўлган ҳолларда фойдаланилади. Жумладан, режа лойиҳасини энг асосий юклар бўйича тузиш даврида юк ташиш коэффициентидан фойдаланилади.

Юк ташиш коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K = \frac{B}{Q}$$

Бу ерда: В-ташиладиган юкларнинг миқдори;

Q-режалатириш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Режалаштиришдаги асосий ишлардан бири ҳар бир минтақа бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг минтақа балансларини тузишдир. Бу баланс 3 қисмдан иборат. Баланснинг 1 - қисмида вилоятда режалаштириш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми; 2-қисмида эса, ўша маҳ-

сулотнинг минтақа ичидаги истеъмол ҳажми; 3-қисмида ташиладиган юкларнинг ҳажми аниқланади.

Транспортни режалаштиришда шахмат балансидан фойдаланиб, ташиладиган юкларнинг ўртача масофаси аниқланади.

Шахмат баланси соддалашган ҳолда, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Юк истеъмол қилувчи / Юк чиқарувчи минтақа	Фарғона	Тошкент	Хоразм
Фарғона			
Тошкент			
Хоразм			

Шахмат балансида юк чиқарувчи минтақадан юк истеъмол қилувчи минтақага келтириладиган юкларнинг миқдори ва улар орасидаги масофа кўрсатилади. Ана шу маълумотлар асосида юк ташишнинг ўртача масофаси аниқланади:

$$L = \frac{\sum Q \cdot l}{\sum Q}$$

Бу ерда: l-юк чиқарувчи ва юкни қабул қилувчи минтақа орасидаги масофа;

Q-юклар миқдори.

Транспортни режалаштиришда шунингдек, юк обороти, юк ташиш воситаларидан фойдаланиш коэффициенти ва бошқа кўрсаткичлар аниқланади.

Режалаштиришдаги юк обороти кўрсаткичи ташиладиган юкларни бу юклар ташиладиган масофага кўпайтириш йўли билан аниқланади:

$$Ю_{об}=Q \cdot L$$

Маҳаллий хўжаликлардан бири автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш, қуриш билан шуғулланади. Маълумки, автомобиль йўллари иқтисодий улушига қараб республика, вилоят ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлади.

Республика аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларига Тошкент-Термиз йўли мисол бўлиши мумкин. Бундай йўллар аҳолиси 50000 дан ортиқ бўлган шаҳарларни, вилоят марказ-

ларини боғлайди. Автомобиль йўллари қатнов жадаллигига қараб, 5 та категорияга бўлинади. I-III категорияли йўллар юқори категориядаги, IV-V категориядаги йўллар паст категориядаги йўллар дейилади.

Йўл хўжалигини режалаштиришда автомобиль йўлларини қайта қуриш режалаштирилади. Бу ишларни йўл қурилиши ва эксплуатация қилиш бошқармаси бажаради.

Қисқача хулосалар

Минтақа ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида саноат етакчи ўринни эгаллайди.

Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши саноат корхоналари фаолиятининг асосини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий васифаси — маҳаллий, моддий, табиий ресурслардан тўла фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалигини жадал суръатда ривожлантириш, бунда хўжалик юритишнинг янги шакллари (ижара, пудрат, фермерлик) дан фойдаланиш ҳисобланади.

Деҳқончилик ва чорвачилик ривожини режалаштиришда ер ресурслари, унинг тузилиши, чорвачиликнинг йўналишлари ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини ривожлантириш учун бу жараёндаги ҳар бир элементга эҳтиёж аниқланади.

Қурилиш режалари шаҳарлар ва вилоятларнинг бош режалари асосида, минтақанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Капитал маблағлар — ишлаб чиқариш фондларининг ишлаб чиқаришга кеттан барча молиявий ва меҳнат харажатлардир. Капитал маблағларининг қўшимча манбалари чет эл сармояси, банк кредитлари, чет эллик шахсларининг маблағларидир.

Транспорт хўжалиги халқ хўжалигини узвий равишда боғлайдиган бўлиб, минтақа хўжалигининг фаолияти билан бевосита боғлиқ. Маҳаллий транспортнинг асосий тури — автомобиль транспортдир.

Транспортнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш билан истъемолчилар ўртасидаги алоқани сифатли амалга оширишдан иборат.

Транспорт фаолиятини режалаштириш учун юк ташиш ҳажми аниқланади. Унда бир қанча балансилар тузилади: маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг минтақавий баланси, шахмат балнси ва ҳоказолар.

Автомобиль йўллари 5 та категорияга бўланади. I-III категорияли йўллар юқори категорияли, IV-V категориядаги йўллар паст категориядаги йўллар ҳисобланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Минтақадда саноатнинг ривожланиши қандай аҳамиятга эга?
2. Саноат ривожланишининг асосий вазифалари ва йўналишлари нималардан иборат?
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида минтақада капитал қурилишни амалга ошириш нималардан иборат?
4. Капитал маблағ нима? У қайси қўшимча манбалар ҳисобига шаклланади?
5. Капитал маблағлар самарадорлиги қандай аниқланади?
6. Маҳаллий транспортнинг асосий турига қайси транспорт киради?
7. Юк ташиш ҳажми қандай аниқланади?
8. Автомобиль йўллари қандай категорияларга бўлинади?

Асосий адабиётлар

1. И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Д.Ж. Стиглиц. Экономика государственного сектора - М.: изд-во. Московского Университета, 1997.
3. Раҳимов М.Р., Ирматов М. Ҳудуд иқтисодиёти асослари (ўқув қўлланма) -Т.: ТДИУ, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантириш. -Т.: Ўқитувчи, 1997.

VIII боб

МИНТАҚА ИЖТИМОИЙ СОҲАСИ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

8.1. «Ижтимоий сиёсат» тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти ва аҳамияти

Ижтимоий сиёсат деганда муайян давлат ҳокимиятининг ижтимоий соҳа бўйича ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ сиёсати тушунилади. Бу сиёсат бевосита аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ сиёсат бўлиб, унга:

- даромад сиёсати;
- ижтимоий таъминот ва меҳнат бозорларини шакллантириш;
- аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш кабилар киради.

Ижтимоий сиёсатнинг объекти — ижтимоий соҳадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунданоқ ижтимоий масалаларни қамраб олувчи бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади. Бунинг учун, аввало, кам таъминланган табақага ёрдам бериш сиёсатини ишлаб чиқиш лозим эди. Шундай қилинди ҳам.

Ҳар бир давлатда кам таъминланганликни белгилашнинг ўзига хос услублари мавжуд. Масалан, АҚШ, Англия, Германия, Португалия каби давлатларда яшаш минимумининг 40% дан 60% гача бўлган, Польша ва Венгрияда эса минимал пенсия миқдори, Болгарияда эса минимал иш ҳақи миқдори кам таъминланганликни аниқлашда қўлланиладиган воситалардир.

Бироқ кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бошқа усул-норматив-статистик усул қабул қилинган. Бу усулнинг моҳияти шундаки, камбағаллик даражаси ўз таркибига энг зарур бўлган озиқ-овқатлар, истеъмол буюмлари ва хизматлар тўпламидан иборат бўлган энг кам истеъмол саватининг қиймати асосида аниқланади. Энг кам истеъмол саватини ҳисоблаш тартиби қуйидагича: дастлаб озиқ-овқат тўпламининг қиймати, сўнгра оила бюджети маълумотлари асосида кам таъминланган оилаларнинг умумий харажатларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг улуши аниқланади ҳамда бу ҳисса энг арзон нархларда энг кам истеъмол савати қолган қисмининг қиймати ҳисоб-китобига киритилади.

Истеъмол саватининг қиймат ифодаси энг кам истеъмол бюджети деб аталади. Энг кам истеъмол бюджетига ёки кўпинча

унинг маълум бир қисмига (масалан, 50% га) мос келувчи даромад камбағаллик чегараси ҳисобланади. Давлат камбағаллик чегарасидан паст даражада яшовчи аҳолига маълум миқдорда пулли моддий ёрдам кўрсатади. Аслида ҳам ижтимоий ҳимоянинг барча асосий чоралари аҳолининг айнан шу тоифасига қаратилган.

Бироқ энг кам истеъмол бюджетини қўллаш соҳаси бир мунча кенгроқ. Масалан, унинг асосида иш ҳақи, нафақалар, стипендияларнинг энг кам миқдори ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида ва унинг минтақаларида ҳимоя тизими қуйидаги масалаларни ечиш билан боғлиқ: а) саноатда ривожлантиришни барқарорлаштириш ва ривожлантириш; б) турли манбалардан пул маблағларини (кичик бизнесни ривожлантириш учун) жалб этиш (саноат секторига); в) даромадлар ва ҳаёт савиясидаги фарқларни камайтириш; д) камбағалликка қарши кураш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш, банк, молия ва суғурта тизимларини қайта шакллантириш.

Бу борада билимдон ва замонавий фикрлайдиган мутахассисларни тарбиялаш бўйича ҳали жуда кўп ишлар қилиниши керак. Республикада ҳуқуқий база барпо қилинган, лекин унга амал қилиш жуда суст бормоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам ташкилий, иқтисодий шарт-шароитлар яратилган. Бироқ, бу борада ҳам тўсиқлар жуда кўп. Ўрта ва кичик бизнес ҳам янада жиддийроқ қўллаб-қувватлашга муҳтождир.

8.2. Ижтимоий соҳани ривожлантириш зарурияти

Ўзбекистонда олиб борилаётган ўзгаришларнинг пировард мақсади «Ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».[1]

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эриши билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш иқтисодий ислоҳотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Ҳозирги вазият танглиқни бартараф этиш ва пулнинг қадрсизланишини жиловлашни тақозо этмоқда. Аҳоли турмуш даражасининг кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун тезкорлик билан кескин чоралар кўрилиши лозим. Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир.

---

[1]И.А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995, 9-бет.

Бозор ислоҳотларининг ҳамма босқичларида олдиндан ўтказиладиган кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи принципларидан биридир.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотлар пировард мақсадларининг ўзи, энг аввало, инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси Президентимиз И.А.Каримов ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қараш кераклигини эътироф этди. Жумладан, кучли ижтимоий сиёсат олиб боришни, бунинг учун эса таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, қисқача қилиб айтганда, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътирозларини қондириш масалаларига давлатнинг доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

8.3. Бозор иқтисодиётига ўтишда таълим тизимини тартибга солиш

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтда нисбатан юқори таълим даражаси билан ажралиб турарди. Бунда таълим тизими жумласига мактабгача болалар муассасалари, ўрта мактаб, махсус ҳунар-техника билим юртлари ҳамда олий ўқув юртлари кирар эди. Ёши катта аҳоли орасида саводхонлик даражаси 97%, ёши 25 дан катта бўлган ҳар бир кишининг таълим муддати ўртача олганда 10 йилни ташкил этар эди.

Аммо ўқиш сифати билан боғлиқ бир қатор камчиликлар мавжуд эди:

- тизим давлат режаси ва шўролар мафкурасига асосланган;
- таълим режали иқтисодиёт шароитига;
- таълим дастури ўртача даражадаги талабага (ўқувчига);
- таълим бериш турлари пассив тингловчига мўлжалланган;
- ўқитувчининг дарс бериш услуби қаттиқ режа асосида ва кучли назорат остида эди;
- ўқув муассасалаларидаги ўқитиш хоналари таълим бериш мақсадларига мувофиқ келмасди (8000 ўқув муассасининг ярмидан кўпи қайта жиҳозланган уй-жой биноларига жойлаштирилган эди, 1/3 қисмидан ортиқроғи сув билан таъминланмаган, тахминан 10 та мактабнинг бирида иситиш ва канализация йўлга қўйилмаган эди).

Бу камчиликлар маълумотли кишилар потенциалига ўз таъсирини кўрсатади ва ижтимоий хавфни юзага келтиради.

Ижтимоий сиёсатни юргизишда таълим масалалари уч асосий сабабга кўра муҳим аҳамиятга эга:

- кишиларнинг қонунга амал қилиш ва демократияга асосланган жамиятни қуришда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланишларида таълим асосий омиллардан бири ҳисобланади;

- таълим ижтимоий бойликнинг муҳим қисми ҳисобланади, у ўзбек халқининг бой тафаккури ва миллий меросини тиклашда асос вазифасини ўтайди;

- таълим иқтисодий ўсишни таъминлайди, кишиларга иқтисодиётга моддий ҳисса қўшиш учун зарур бўлган кўникмаларни беради.

Ўтиш даврида миллий даромад пасайганлиги сабабли таълим тизимини молиявий жиҳатдан таъминлаш салмоғи бироз камайди. Аммо миллий даромаднинг пасайиши бошқа мамлакатлардаги каби сезиларли даражада бўлмагани сабабли Ўзбекистон таълим юқори даражада сақлаб қола олди.

1997 йилда Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий, ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида таълим соҳасидаги рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимининг ривожланишини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади:

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига мослаш;

- таълим, кадрларни тайёрлаш тизими ва муассасаларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш муассасалари ходимларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан таклиф этилган узлуксиз таълимнинг тамомила янги ти-

зими юқорида айтилган камчиликлар бартараф этилса, Ўзбекистонда ҳар томонлама кучли, билимдон XXI аср авлодини шакллантиришга шароит яратади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг вазифалари кенг қамровлидир. Аввало, биз кадрлар тайёрлашда рақобатбардошликка асосланишимиз, яъни рақобат муҳитини шакллантиришимиз керак. Мазкур масалалар комплекс тарзда, барчанинг бевосита иштирокида ҳал этилиши зарур.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини янгилаш, ривожланган ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш ҳам асосий вазифадир.

Таълим тизимини ривожланган демократик - ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига мослаш деганда, ўқувчи миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштириши ва шулар асосида мустақил фикрлашга, ўз ҳуқуқ ва бурчларини ўқиш жараёнида ўрганиб бориши тушунилади. Қонунлар мактабгача таълим муассасаларида ўзига хос ўйин орқали, умумтаълим мактабларида боланинг қабул қилиш даражасига қараб ўргатилиши мумкин. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида эса қонунлар ўрганилиши конкретлаштирилади.

Масалан, фермерлик бўйича касб-ҳунар коллежида ўқиётган ҳар бир бўлажак кичик мутахассис- «Фермерлик тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги қатор қонунларни, банк билан ишлашни, шартнома тузишни, маркетинг қонуниятларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни билса ва уларга амал қилса, жамиятда қандай ўзгариш содир бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўзбекистонда ўтиш даври мобайнида таълим тизимини ислоҳ этишга доир бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Булардан асосийси ёш авлод талабларини қондириш учун ва бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим сифатини кўтаришдан иборат эди. Бу борада бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Чунончи:

- мактабгача тарбия ёшдаги таълим секторида «болалар боғчаси-мактаб» кўринишидаги уйлардаги болалар боғчаси ва мажмуалари, шунингдек, болалар санъат, мусиқа, чет тиллари ва компьютер саводи асослари билан шуғулланувчи 800 дан зиёд гуруҳлар яратилди;

- янги типдаги ўқув муассасалари; 240 та лицей ва 136 та гимназия юзага келди. 1991 йилдан бошлаб махсус таълим мактабларининг сони 6% га, олий ўқув муассасаларининг сони эса 30% га ўсди;

- аҳолининг ёши катта қисмига касбий таълим берувчи ва бизнес соҳасида, банк ишлари, солиқ солиш, тафтиш ўтказиш ва

божхоналарни бошқариш, шунингдек, фермерлар учун махсус курсларни ўз ичига олувчи ўрта махсус ўқув муассасаларини қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди;

- бошланғич синф ўқувчиларига таълим ўзбек тилида лотин ёзувига асосланиб берилмоқда.

Эришилган ушбу натижаларга қарамасдан, ҳали ечилмаган муаммолар жуда кўп:

- ҳар йили умумий мажбурий таълим олган 80000 дан 100000 нафаргача ёшлар ишлаб чиқариш соҳаларига ёки касбий таълимни давом эттириш учун жалб этилмасдан қолмоқда. Берилаётган таълим сифати ва кўламини ўлчаш борасида ҳам муаммолар мавжуд;

- дарслик тайёрлаш бўйича махсус дастурлар бўлишига қарамасдан ўқув қўлланмалари билан таъминлаш борасида муаммолар мавжуд: кўпчилик мактабларнинг кутубхоналари тегишли адабиётлар билан 70-75% га тўлдирилган, ўқувчилар ахборотлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга эмас. Кимё лабораториялари учун ўқув жиҳоз-ускуналари етишмайди. Мамлакатимизнинг кўп минтақасида, масалан, Қорақалпоғистонда кўп мактаб болалари оддий шароитга ҳам эга эмас. Мактаблар икки сменали ва ҳоказо.

Таълим соҳасида орқада бўлган мамлакат келажакда тараққиёт борасида ҳам орқада қолади. Бу, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ҳукумати буни ҳис этган ҳолда 1997 йилда таълим тизимидаги ислоҳотларнинг иккинчи босқичига ўтди.

Ҳозирги даврда республика аҳолисининг катта ёшдаги қисмига касбий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда узлуксиз таълим бериш дастури амалга оширилмоқда. Бу борада муайян ижобий натижаларга эришилди. Янги муассасалар, шу жумладан, 14 та лицей ва 103 та касб-ҳунар коллеж ташкил этилди. Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон ҳукуматига мактабларга янги дарслик олиш учун 40 миллион доллар миқдорида ва касбий ўқув муассасалари тармоғини тараққий эттириш учун 50 миллион доллар миқдорида кредит берди.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимига ўтишга катта эътибор қаратилмоқда. Буни мавжуд таълим тизими ва киритилаётган узлуксиз таълим тизими акс эттирилган қуйидаги схема ҳам кўрсатиб турибди:

А. Мавжуд таълим тизими



Б) Киритилаётган узлуксиз таълим тизими



8.4. Ўтиш даврида соғлиқни сақлаш тизими

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳанинг бир бўлаги бўлган соғлиқни сақлашга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда бу соҳани ривожлантириш учун:

- соғлиқни сақлаш тармоқлари замонавий типдаги янги техника ва технологиялар билан жиҳозланмоқда;
- замонавий жиҳозланган бино, иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда;
- кадрлар малакаси ва сифатига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда бу соҳага маблағ чегаралганганлигига қарамай, аҳвол анча яхшиланди. 1990-2000 йиллар оралиғида болалар ўлими 40 фоизга, оналарники қарийб 3,6 баробар камайди. Аёлларнинг вақт - соати етмасдан туғиш ҳоллари 30 фоиздан зиёдга, болалар орасида нафас йўллари касалликлари 40 фоизга қисқарди. Контрацептивлардан фойдаланиш икки баробар ошди.

Соғлиқни сақлаш тизимида бундай ўзгаришларга пухта ишлаб чиқилган бир қатор дастурларни ўтказиш эвазига эришилди. Улар орасида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- кўп босқичли соғлиқни сақлаш тизимидан маҳаллий ва айниқса, қишлоқ соғлиқни сақлаш тизимининг аҳамиятини оширишга ўтиш;
- дастлабки ва профилактик соғлиқни сақлаш тизимидаги устивор йўналишларни, айниқса, она ва бола соғлиғини муҳофаза этишни молиялаш;
- амалиётчи шифокорларни кўпроқ тайёрлаш, ҳамшираларидан самаралироқ фойдаланиш;
- пуллик тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- касалликнинг олдини олишда ўрта даражали тиббий ходимлар ролини кучайтириш.

Шундай қилиб, тиббий хизмат кўрсатишнинг янги усулларига ўтиш давомида тиббий ёрдам олганлар сони ортди. 2000 йилнинг ўзида қатнаб даволаниш муассасаларида 1,4 млн. нафардан зиёд киши тиббий ёрдам олди. Кундузги стационарларда даволаш кенг йўлга қўйилганлиги натижасида, беморларни касалхонага ётқизиш зарурати камайди, бу касалхоналар сонини қарийб 20 фоизга қисқартириш имконини берди. Қатнаб даволаниш имконини берувчи жарроҳлик марказлар сони қарийб 3,2 маротаба ортди. Беморлар ётиб даволанишига мўлжалланган ўринлар сони 46 фоизга қисқарди. Кейинги пайтларда беморларни касалхонада даволашнинг ўртача давомийлиги 14,9 кундан 12,9 кунгача қисқарди, шифокорларга қатновчилар сони эса киши бошига 7,2 дан 8,2 га ортди.

Республика вилоятларида аҳолининг шифохонадаги жойлар билан ҳамда амбулатория-поликлиникалар билан таъминланиши (ҳар 10 минг кишига) қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳолининг шифохонадаги жойлар билан таъминланганлиги (ҳар 10 минг кишига) республика бўйича 55,8 тани ташкил этган, Тошкент шаҳрида, Андижон (62,4) ва Фарғона (60) вилоятларида анча юқори, ҳар 100 минг кишига тўғри келадиган касалланиш Тошкент вилоятида энг юқори.

81-бет. 6.7. жадвал

(2001 йил I ярим йиллиги)

Минтақа номи	Аҳолининг 100 минг кишига таъминланганлиги			1000 кишига ногиронлар
	Ҳар 10 минг кишига касалхона ўринлари	Ҳар 10 минг кишига амбулатория ўринлари	Касалланиш	
Қорақалпоғистон Республикаси	47,0	153,6	23408,8	1,8
Вилоятлар				
Андижон	62,1	163,4	23058,6	1,3
Бухоро	49,1	183,3	24303,0	1,7
Жиззах	50,0	162,2	10721,5	1,4
Қашқадарё	50,3	106,1	16495,8	1,0
Навоий	47,9	161,0	25573,8	1,9
Наманган	58,9	145,6	25239,6	1,1
Самарқанд	54,5	124,2	12195,7	1,2
Сурхондарё	48,7	102,9	15779,7	1,0
Сирдарё	65,0	253,8	6119,6	2,1
Тошкент	46,4	194,8	191173,3	1,4
Фарғона	60,0	155,9	22995,3	1,3
Хоразм	50,2	142,0	29315,7	1,5
Тошкент шаҳри	81,6	228,3	28215,2	1,7
Республика бўйича	55,8	157,6	20579,2	1,4

Ҳозирги пайтда соғлиқни сақлаш тизимини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг янги механизмлари яратилган.

Тиббий хизмат кўрсатиш бозорини ривожлантириш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати тиббиётда пуллик хизмат кўрсатиш тармоғининг ўсишини қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирги кунда 15 минг ўринлик 59 та хусусий касалхона ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида фаолият кўрсатмоқда. Тахминан 3000 нафар шифокор хусусий амалиёт билан шуғулланиш учун рухсатнома-лицензияга эга. 2000 йил давомида 2,5 млн. киши пуллик тиббий хизматидан фойдаланди.

1998 йилнинг ноябрида Ўзбекистонда тасдиқланган Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳот ўтказиш давлат дастури унинг янги моделини яратиш учун асос солди. Республикада яшовчи ҳар бир киши бепул тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Буларга тез ёрдам, илк тиббий хизмат кўрсатиш ва касалнинг олдини олиш, юқумли касалликларга қарши иммунизация ва эмлаш ишларини олиб бориш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалларни даволаш ва болалар, ўсмирлар, ҳомиладор аёлларга хизмат кўрсатиш киради.

Дастур шунингдек, мавжуд шахсий секторларни хусусийлаштириш ва янги хусусий муассасалар ташкил этиш орқали пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тизимини яратишга қаратилган. Мазкур

жараённинг суръатлари ва кўлами аҳоли даромадларининг ўсиши ва 2001 йилдан бошлаб босқичма-босқич киритилиши лозим бўлган тиббий суғурта тизимининг яратилишга боғлиқ.

Ҳозирги даврда соғлиқни сақлаш тизими олдида ҳам талай муаммолар мавжуд. Уларга:

- аҳолини дори-дармон билан таъминлашни яхшилаш (бу масалани ҳал этиш борасида миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш, дори-дармонларни тақсимлаш тизимини яратиш лозим).

- аҳоли юқумли касалликлар билан, айниқса, қишлоқ жойларда касалланишини камайтириш;

- демографик вазиятни, соғлиқни сақлаш тизими ва давлат томонидан таъминлашни ривожлантиришда кишиларни жойлаштиришнинг ўзига хос томонларини етарли даражада ҳисобга олиш зарурати.

Ушбу муаммоларни ечиш соғлиқни сақлаш тизими олдида турган долзарб вазифалар ҳисобланади.

8.5. Минтақада уй-жой ва коммунал хўжалиги ривожланишини тартибга солиш

1. Уй-жой, коммунал хўжалик таркиби ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ривожланиш муаммолари.

Уй-жой, коммунал хўжалиги аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи ижтимоий соҳаларнинг биридир. Уй-жой, хўжалиги коммунал хизматлар билан таъминланса, аҳолининг бўш вақти тежалади. Бўш вақт эса бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг энг зарур бойлигидир. Уй-жой, коммунал хўжалиги турли минтақада турли даражада ривожланган, унинг асосий сабаблари саноатнинг жойлашувига, минтақанинг географик ўрнига, урф-одатлар ва шу каби омилларга боғлиқ.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уй-жой, коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш йирик масала. Бунинг моҳияти уй-жой олди-сотди бозорини ташкил қилиш, ҳар бир оиланинг ёки оила аъзосининг яшаш шароитини яхшилаш, уй-жойларни олиш ҳуқуқига эга бўлишни таъминлашдан иборат.

Уй-жой ва коммунал хўжалик ижтимоий-маданий комплексининг энг йирик тармоқларидан биридир. У бир неча тармоқлардан иборат: газлаштириш, сув билан таъминлаш; канализация; иссиқлик билан таъминлаш; ахлатларни олиб чиқиш ва қайта ишлаш; кўча ва хиёбонларни тозалаш, меҳмонхона хўжалиги; кўча ва хиёбонларни электрлаштириш; электротранспорт; қабристонларни тартибли сақлаш хўжалиги.

Уй-жой ва коммунал хўжалик мажмуи давлат тасарруфидан чиқарилган ва у икки қисмга бўлиб амалга оширилади:

1. Уй-жой қисмини ривожлантиришнинг асосий йўналиши — ҳар бир оилани иложи борича алоҳида уй-жой билан таъминлаш.

2. Коммунал қисми эса давлат томонидан хизмат кўрсатиш шаклларини тараққий эттириб, барча хизмат кўрсатиш турларини маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларига бириктиришни ўз ичига олади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уй-жой, коммунал хўжалигининг ислоҳ қилиниши катта масала. Бунинг моҳияти уй-жой олди-сотди бозорини ташкил этиш, ҳар бир оиланинг ёки оила аъзоларининг яшаш шароитини яхшилаш, уй-жойларни олиш ҳуқуқига эга бўлишни таъминлашдан иборат.

Бозор иқтисодиётига ўтиш тураржой муаммосини кескин бартараф этишни талаб қилади. Бунда кишиларнинг уй-жой қурилишидаги улуши анча қисқаради ва бу фонддан аҳолининг маълум қисми, яъни ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, кам даромадлилар ва табиий офатдан зарар кўрган кишиларгина фойдаланади. Давлат томонидан ташкил қилинган тураржой фонди Ўзбекистон халқининг бойлиги бўлиб, ундан республиканинг [illegible] фуқароси фойдаланиш ҳуқуқига эга.

[illegible] уй-жой билан таъминлаш масаласида янги қурилишнинг [illegible] роли анча катта. Уй-жой қурилиши масаласида энг муҳими [illegible] қурилишни материаллар билан таъминлаш масаласи ҳисобланади. Бунда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида материаллар бозорини, яъни биржаларни яратиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллий қурилиш материаллари ҳисобига қурилиш бозорларини кенгайтириш зарур.

Коммунал хўжалик тизимини давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кишиларнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилади.

Коммунал хўжаликни давлат тасарруфидан чиқариш:

— ижарага бериш;
— аукцион;
— меҳнат жамоалари томонидан сотиб олиш;
— бошқа шаклларда амалга оширилади.

Бу жараён бир қанча йўналишларда, масалан, акция асосида тижорат корхоналарини ва бирлашмаларни ривожлантириш мақсадида олиб борилади. Бунда капитал қуйилмалар ажратилишини конциссион-шартнома асосида амалга ошириш мумкин.

Коммунал хўжалик уй хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ. Чунки, ҳар бир уйда коммунал қулайлик бўлиши лозим. Уй хўжалиги уйларни сақлаш ва тиклаш вазифларни бажаради.

Шу мақсадда тураржойларни капитал ва жорий таъмирлайди, уларни яхши сақлаш чоралари ва бошқа чораларни кўради.

Уй-жой ва коммунал хўжаликларининг ривожланиш жараёнидаги муаммолардан бири шу тармоқни бошқариш муаммосидир. Тармоқлар ҳокимиятлар ҳамда ва Уй-жой ва коммунал хўжалик вазирлиги томонидан бошқарилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида шу тармоқни бошқариш функцияси ҳам асосан маҳаллий ташкилот зиммасида бўлиши керак. Шундагина уй-жойларни, коммунал хўжалик объектларини сақлаш ва тиклаш масалалари ўз вақтида ечилади.

Тармоқни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда минтақадаги муаммолар маҳаллий ресурслардан фойдаланиб ҳал қилинади. Хусусийлаштириш жараёнида маҳаллий ташкилотлар мавжуд уй-жойларни ва коммунал хўжалик объектларини баҳолаш функциясини ҳам бажаради.

Коммунал корхоналар ривожланиш дастурининг асосий қисми бизнес-режа ҳисобланади. Бу режа қуйидаги бўлимлардан иборат:

- ишлаб чиқариш бўлими;
- меҳнат ва ижтимоий муҳофаза;
- молия;
- капитал қурилиш ва капитал таъмир;
- янги техникани ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш;
- моддий-техника таъминоти.

Ишлаб чиқариш дастури коммунал ишлаб чиқариш корхоналарининг қуввати ҳамда мавжуд меҳнат ва моддий ресурслар асосида ишлаб чиқилади. Коммунал хўжалик маҳсулотлари ва хизматлари умумий ҳажмини аниқлашда ҳар бир тармоқнинг режалари йиғиндисига асосланади. Сув билан таъминлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш дастури қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

- водопровод билан етказиб бериладиган сув ҳажми;
- ўзининг истеъмолига кетадиган сув ҳажми;
- етказиб бериладиган сувнинг умумий ҳажми;
- тармоқда сувнинг йўқолиш ҳажми;
- истеъмолчиларга сотилган сувнинг ҳажми (бу кўрсаткич ҳам сўмда, ҳам 1000 м³ да ҳисобланади).

Бу кўрсаткичлар орасида дастлаб насослар билан етказиб бериладиган сувнинг ҳажми аниқланади ва қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$V_{і}\text{-}C_{ў.қ}\ V_{тар};\quad V_{тар}\text{-}U_{уқ}\ V_{с},$$

Бу ерда: V_1-насослар билан етказиб бериладиган сув ҳажми;

$C_ж$-корхонанинг ўз истеъмоли учун кетадиган сув ҳажми;

$V_{тар}$-водопровод тармоқларига етказиб бериладиган сув ҳажми;

$V_с$-истеъмолчиларга сотиладиган сув ҳажми.

Канализация корхоналарининг иш ҳажмини аниқлашда ишлаб чиқариш дастури қуйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлади:

1. Канализация тармоқларининг узунлиги;

2. Ифлос сувларнинг тозалаш иншоатларидан ўтган ҳажми (1000 м^3) ва уларни биологик усуллари орқали тозалайдиган сувнинг ҳажми;

3. Тозалаш иншоотларининг қуввати (1000 м^3).

Шаҳар электр транспорти ишлаб чиқариш дастури ҳисобкитобларига қуйидаги кўрсаткичлар киради:

1. Транспорт тармоқларининг узунлиги (км);

2. Ташиладиган йўловчилар сони;

3. Ҳаракатда бўлган транспорт воситаларининг сони ва улардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари. Масалан, транспорт воситаларидан фойдаланиш ўртача тезлиги (1 вагонда йўловчиларни киритиш мумкин бўлган имконият).

Газ билан таъминлашда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

1. Газлаштирилган квадратлар сони;

2. Шаҳардаги газ тармоқларининг узунлиги;

3. Истеъмолчиларга сотиладиган газнинг ҳажми (м^3);

Иссиқлик билан таъминлаш тармоғида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Иссиқлик билан таъминлайдиган тамоқларнинг узунлиги;

2. Иссиқлик билан таъминланган квадратлар сони;

3. Қозонхоналар қуввати;

4. Истеъмолчиларга сотиладиган иссиқлик ҳажми.

Кўчаларни механизациялашган тозалаш тармоғининг ишлаб чиқариш дастурига кўчаларни ва хиёбонларни супуриш, сув сепиш, ахлатларни олиб чиқиб кетиш ва қишда қорлардан тозалаш киради. Бу тармоқ ривожланишининг энг асосий кўрсаткичи йиғиштириладиган кўча ва хиёбонларнинг майдони ҳисобланади. Уни ҳисоблашда кўчаларни тозалайдиган машиналарнинг сон, ахлатлар қайта ишланадиган ҳажм кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Кўкаламзорлаштириш кўрсаткичлари қуйидагилардир:

1. Шаҳардаги ерларнинг майдони (минг м^2);

Шу жумладан, уй-жой, корхоналар қурилган ерлар майдони;

2. Шаҳардаги экилган майдонларнинг ҳажми.

Меҳмонхона хўжалиги кўрсаткичлари:

1. Меҳмонхоналар сони, уларнинг класслар бўйича бўлиниши;
2. Меҳмонхонадаги номерлар сони;
3. Бир вақт мобайнида жойланиш имконияти;
4. Меҳмонхоналарда койка-сутканинг умумий сони.

Кўчаларни электрлаштириш кўрсаткичлари:
1. Электр тармоқларининг узунлиги;
2. Ёритиладиган тармоқларнинг узунлиги.

Уй-жой хўжалигида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:
1. Тураржой ерларининг борлиги (минг м^2); шу жумладан, тураржой фондини қулайликлар билан таъминлаш даражаси;
2. Уй-жойларнинг эскирганлик даражаси;
3. Капитал таъмир хажми;
4. Уй-жой фондининг жорий таъмир ҳажми ва ҳоказолар.

8.6. Минтақада аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш

Ўзбекистон иқтисодиётида маиший хизмат кўрсатиш тармоғи муҳим аҳамият касб этади. У ўз ичига бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидаги соҳаларни олади:
1. Пойабзални тикиш ва тиклаш;
2. Мўйна-тери маҳсулотларини тикиш ва таъмирлаш;
3. Бош кийимларни тиклаш;
4. Уй-жиҳозларни тиклаш;
5. Уй хўжаликларида ишлатиладиган техникани таъмирлаш;
6. Автомашиналарни таъмирлаш;
7. Аҳолининг буюртмалари билан уй-жойларни қуриш ва тиклаш;
8. Фото ва кино лабораториялар;
9. Ҳаммомлар;
10. Кир ювиш хоналари, химчисткалар;
11. Сартарошхоналар;
12. Прокат пунктларининг хизматлари;
13. Мебелларни аҳолининг буюртмаси билан ишлаб чиқариш ва тиклаш.

Минтақада бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу хизмат турларини давр талабларига жавоб берадиган даражада ривожлантириш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш кечиктириб бўлмас вазифага айланди.

Маиший хизмат тармоғи фаолиятининг барқарорлаштирилишини таъминловчи вазифалар қуйидагилардан иборат:
1. Маиший хизматларнинг кўп хиллигини таъминлаш ва такомиллаштириш.

2. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг рационал жойлашишини амалга ошириш ва уларни замонавий ускуналар билан қуроллантириш.

3. Аҳолига хизмат кўрсатишни ихтисослаштириш ва кооперациялаш.

4. Ишлаб чиқариш қувватлари, транспорт воситалари ва асосий фондлардан тўла-тўкис фойдаланиш.

5. Бажариладиган ишлар ва хизматларнинг техник ва стандарт талабларга жавоб беришини таъминлаш.

6. Тармоқларнинг бошқарув тизимини такомиллаштириб, бозор иқтисодиётига мослаштириш.

7. Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражасини шаҳар даражасига яқинлаштириш.

Хизмат кўрсатишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ходимлар малакасига, рағбатлантириш тизимига боғлиқ.

Аҳоли томонидан маиший хизматга сарфланган ҳар бир сўм уй хўжалигини юритишга кетадиган 1,5 соатлик меҳнатни тежаш ва шунга мувофиқ аҳолининг бўш вақтини кўпайтириш имконини беради, яъни ижтимоий натижаларининг иқтисодий қиймати ўн сўмга тенгдир. Демак, маиший хизмат корхоналари қанчалик яхши ривожланса, хизмат кўрсатиш сифати қанча юқори бўлса, умумий ижтимоий самара ҳам шунчалик юқори бўлади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришда ишлаб чиқариш базасини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Корхоналарнинг қуввати ва ўлчамлари аҳолига хизматлар кўрсатиш миқдори билан, бу жараённи ривожлантириш эса қуйидаги амалларга боғлиқ:

1. Аҳолига максимал қулайликлар яратиш;

2. Аҳолининг вақт сарфларини тежаш;

3. Маиший хизмат корхоналари биноларининг лойиҳаларини янги типда яратиш;

4. Маиший хизматларнинг комплекс пунктларини тузиш асосида кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш;

5. Маиший хизматларни янги технологиялар асосида ташкил этиш;

6. Маиший хизмат корхоналарининг оптимал ўлчамларини аниқлаш.

Маиший хизмат тармоғининг вазифаларига бу хизматларни қишлоқ жойларда ташкил этиш ҳам киради. Бу эса қишлоқларда аҳоли бандлигини оширади, маиший хизматга бўлган эҳтиёжни қондиради.

Айниқса ҳаммом, сартарошлик, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, электр асбоблари таъмири каби хизматлар аҳолининг вақтини тежаш имконини беради.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини режа асосида тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Аҳолига шу жумладан, қишлоқ аҳолисига маиший хизматлар кўрсатишнинг умумий ҳажми;

2. Аҳолига маиший хизматлар кўрсатишнинг умумий ҳажмида якка тартибда фаолият юритувчилар улуши;

3. Аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида ишлаб чиқаришга илғор техникани, технологияни, автоматларни жорий этиш;

4. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини тартибга солиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли учун жуда зарур, аммо бу соҳа фаолияти ҳамон талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Айниқса, ҳаммом, сартарошхона, кимёвий тозалаш, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, кийим тикиш ателъеларида хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек эмас. Қишлоқ жойларида эса маиший хизмат кўрсатиш умуман талабга жавоб бермайди.

Қисқача хулосалар

Ижтимоий сиёсат — муайян давлат ҳокимиятининг ижтимоий соҳа бўйича ўз олдига қўйган вазифалари ва мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ сиёсатдир.

Кучли ижтимоий сиёсат таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, ишсизликни камайтириш ва кишиларни турли табиий офатлардан ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ҳамда ўзгаришларга мослаштирилишини таъминлайди.

Инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳоннинг илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиш омилларидан биридир.

Ижтимоий соҳанинг бир бўлаги бўлган соғлиқни сақлашга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Бу соҳага ажратилган маблағлар йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Уй-жой ва коммунал хўжалиги аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи соҳалардан биридир. У турли минтақада турли даражада ривожланган. Унга асосан саноатнинг ривожланиши, минтақанинг географик жойлашуви, миллий урф-одатлар кабилар сабабдир.

Уй-жой ва коммунал хўжалигининг фаолиятини таҳлил этиш ва прогнозлаштириш билан вилоят, шаҳар ва туман иқтисодиёт ва статистика бошқармалари ҳамда Уй-жой ва коммунал хўжалик вазирлигининг минтақадаги тегишли ташкилотлари шуғулланади.

Коммукал хўжалик — шаҳар ва қишлоқларнинг ободончилиги ва санитария ҳолатини яхшилашга хизмат қилувчи соҳалардан бири. У ўз таркибига шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, ичимлик сув билан таъминлаш, иссиқлик энергияси, газ таъминоти, йирик шаҳарларда эса, шунингдек, электр транспорти тармоқларини олади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уй-жой, коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш долзарб масалалардан биридир. Коммунал хўжалигини давлат тасарруфидан чиқариш, ижарага бериш, аукционда меҳант жамоалари томонидан сотиб олиш шаклларида амалга оширилади.

Вилоятларда маиший хизмат кўрсатиш тармоғини яхши ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Ижтимоий сиёсат» тушунчаси нима?
2. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга қандай зарурият бор?
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
4. Таълим соҳасидаги ижобий ишлар ва камчиликлар нималардан иборат?
5. Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?
6. Аҳоли минтақа бўйича шифохоналар ва амбулаториялар билан қай даражада таъминланган?
7. Тиббий хизмат кўрсатиш бозори қандай ташкил этилган?
8. Нима учун минтақаларда уй-жой ва коммунал хўжаликнинг ривожланиш даражаси турлича?
9. Уй-жой ва коммунал хўжалик қандай ишлар билан шуғулланади?
10. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уй-жой ва коммунал хўжаликни ислоҳ қилиш қандай олиб борилади?
11. Республика ва вилоятларда маиший хизмат кўрсатиш тармоғи қай аҳволда?
12. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини янада ривожлантириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарур?

Асосий адабиётлар

1. Абдурашидов Б. Маиший хизмат ва унинг истиқболлари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Аҳмедов Т.М. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Раҳимов М., Ирматов М. Ҳудуд иқтисодиёти асослари (ўқув қўлланма). -Т.: ТДИУ, 1999.
4. Стиглиц Дж. Экономика государственного сектора. -М.: МГУ, 1997.
5. Ишмуҳаммедов А.Э., Раҳимова М. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантириш. -Т.: Ўқитувчи, 1997.

IX боб

МИНТАҚАДА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

9.1. Ўзбекистонда экологик аҳвол

Атрофимизни ўраб турган табиий муҳит инсон ҳаётини доимо таъминлаб турувчи табиий шароитни яратади, усиз тирикчиликнинг ўзи ҳам бўлмайди. Демак, табиатга зарар етказишдан эҳтиёт бўлишимиз керак. Дарҳақиқат, табиатга етказилган зарар ўзимизга зиён келтиради.

Эндиликда ижтимоий-иқтисодий тизимлари турлича бўлган мамлакатларнинг сиёсат ва жамоат арбоблари табиатни ва унинг бойликларини сақлаб қолиш, инсоннинг табиий жараёнларга кўрсатадиган салбий таъсирини йўқотиш, ҳозирги замон кишисининг яшаш шароитини яхшилашни ер юзидаги барча халқларнинг бирликдаги куч-ғайратлари билан амалга ошириш мумкин ва лозимлигини тушунишмоқда.

Инсоният олдида кўндаланг бўлиб турган озиқ-овқат, энергетика, саноат ва ижтимоий ривожланиш масалаларини табиий муҳитни муҳофаза қилмай ва ундан фойдаланишни яхшиламай туриб ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари Ўзбекистон миллий иқтисодиёти учун ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Республикада аҳолининг жуда зич жойлашганлиги, яъни ерларга сув чиқарилиши ва сув ресурсларнинг етишмаслиги, ўрмоннинг йўқлиги ва чўлнинг ўзлаштирилиши натижасида бу муаммо янада долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон фақат оқ олтин ўлкасигина бўлиб қолмай, зангори ёки рангли металлургия ўлкаси, хазинаси ҳамдир.

Ўзбекистоннинг қатор вилоятларида пахтачиликда йирик энергетика, сув, материаллар ишлатиладиган корхоналар хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирги даврда сув ва ҳаводан фойдаланиш технологияларининг етишмаслиги оқибатида республика сув ҳавзаларига ҳар йили 300 миллион куб метр ифлос оқовалар оқизилмоқда, ҳавога эса, кўчмас манбаларнинг ўзидангина 1.4 миллион тонннага яқин заҳарли моддалар чиқарилмоқда. Автомобиль манбаларидан чиқаётган ташланмалар 2.8 миллион тоннага тенг. Бу ҳаво, юза ва ер ости сувларини, тупроқ қатламларини ифлослантирмоқда, ҳайвонот, наботот олами ва табиий муҳитнинг бошқа объектларига зарар етказмоқда.

Атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги устидан мунтазам олиб борилган кузатув маълумотларини таҳлил этиш лозим. 28 та шаҳар ва аҳоли пунктларида 1990-1992 йиллари санитария меъёри анча юқори бўлди. Улар орасида Андижон, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Фарғона, Чирчиқ, Навоий, Тошкент каби шаҳарлар бор.

Ифлослантирувчи моддалар йиғилиши ва уларнинг заҳарлигини ҳисобга олиш бўйича ҳавонинг ифлосланиш кўрсаткичи Андижон шаҳрида энг юқори (24, 62 %), Нукус шаҳрида энг паст (4,46 %).

Республикамизнинг қатор туманлари, айниқса, Фарғона вилоятидаги Тошлоқ туманида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши давом этаётганлиги жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларининг шаҳар ва аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш манбаи бўлган Зарафшон дарёси айниқса, оғир аҳволда қолмоқда.

Атроф-муҳитдаги ўзгаришлар демографик нуқтаи назарга ҳам эгадир. Бу республика чўл ва тоғли туманларида янги шаҳарлар, шаҳар кўринишадаги тураржойларнинг пайдо бўлиши, тоғ водийларида жойлашган Тошкент ва Фарғона, Марғилон каби йирик шаҳар агломерациялари ташқи муҳит билан боғлиқ, шунингдек, Самарқанд, Андижон ва Нукус агломерациялари шаклланмоқда.

Бироқ, респулика ва вилоятлар ихтиёридаги 42 шаҳарнинг 29 тасигина канализация ва тозалаш иншоатларига эга. Туман ихтиёридаги шаҳарларда канализация йўқ, оқовалар тозаланмасдан сув ҳавзаларига қўйиб юборилмоқда. Даволаш муассаслари фойдаланаётган бу ҳавзалар сувида бактериал ифлосланиш ҳоллари қайд этилмоқда.

Тоғ водийларида жойлашган саноат корхоналарининг зарарли ташламалари катта масофаларга тарқалмоқда. Масалан, Олмалиқ шаҳрида ҳавонинг олтингугурт гази билан ифлосланиши Тошкент вилоят минтақасида ёғадиган ёғингарчиликда сулфат кислотаси миқдорининг юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон водийларида ва тоғ қияликларидаги дарахтзорлар кесиб юборилиб, ўрни экинзорларга айлантирилмоқда. Дарёлар бўйидаги дарахтзорлар ва тўқайларнинг аҳволи ҳам яхши эмас. Уларнинг кўп қисми қишлоқ хўжалигида фойдланиш ва дам олиш зоналари учун ажратилмоқда, кўп жойларда бутунлай йўқ қилиб юборилмоқда.

Ҳозир респуликада умумий майдони 5 миллион гектарни ташкил этадиган давлат ўрмон фондидан жамоа ва ширкат

хўжаликларига 2.4 млн. гектари узоқ муддатли фойдаланиш учун ажратиб берилган.

Тўқайларнинг кесиб юборилиши, сувни муҳофаза қилиш минтақасининг йўқлиги, дарёлар, кўллар, сув омборларининг шўрланиши ёввойи ҳайвонлар яшаш жойларининг ёмонлашишига, улар тарқаладиган ерларнинг камайишига, турлари, сонининг қисқаришига олиб келмоқда. Ҳозир қушларнинг 410, балиқлар ва ёввойи ҳайвонларнинг 79, ноёб ўсимликларнинг 400 хили «Ўзбекистон қизил китоби»га киритилган.

Ҳозирги кунда қўйилган вазифалар республиканинг табиатини муҳофаза қилиш, табиий манбалардан самарали фойдаланиш соҳасидаги стратегик мақсадидир. Одамлар саломатлигини таъминлаш учун қулай шароитлар яратиш, биосфера мувозанатини таъминлаш, табиатдан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали ва барқарор ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш зарур. Аслига қайтариладиган табиий манбаларни тиклаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш муаммоларини амалга оширмоқ лозим. Табиатнинг ўзини-ўзи тартибга солувчилик хусусиятларини маҳаллий ва минтақалараро даражаларида тиклаш керак.

9.2. Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари

Ҳавони муҳофаза қилишдаги асосий йўналишлар қуйидагилардир:

- ҳавонинг ифлосланиши йўл қўйиладиган даражадан ошиб кетган шаҳар ва аҳоли пунктларида ҳаво ҳолатини норматив талаб даражасида яхшилаш;
- республиканинг барча шаҳарлари, аҳоли пунктлари ва саноат марказларида ҳаво сифатини санитария-гигиена нормативлари даражасида яхшилаш;
- иқлимга салбий таъсир кўрсатишни камайтириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ишларни бажариш талаб этилади:

- яқин йилларда республиканинг ҳавоси энг ифлосланган шаҳарларида ноқулай вазиятни юзага келтираётган корхоналар, шунингдек, республиканинг қолган барча корхоналарида ҳам ҳавога чиқадиган ташламалар ҳажмини белгилаган нормативлар даражасига тушириш;
- стационар манбалардан ҳавони ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини камайтириш учун чиқитсиз технологияга, энергиянинг муқобил турларига ўтиш, чанг-тўзондан тозаловчи янги - ас-

боблар, ёқилғи, олтингугуртдан тозалаш қурилмаларини ўрнатиш, мавжудларининг самарадорлигини ошириш, ишлатилиш муддатини ўтаган ва эскирган технологик ускуналарни алмаштириш зарур;

- автотранспортдан заҳарли моддалар чиқаришни умуман республика бўйича камайтириш керак. Этил бензинидан фойдаланишни тўхтатиш ва автомобилларни ишланган газларни бартараф қилувчи воситалар билан таъминлаш бу муаммони ҳал этишда муҳим йўналиш бўлади.

Ташламаларни камайтиришнинг бошқа чоралари:

- автомобиллар ва двигателларнинг тузилишини такомиллаштириш, ёқилғининг турли хилларидан, тутунга қарши қўшимчалардан фойдаланиш, газ билан ишлайдиган автомобиллар паркларини кўпайтириш, ташхис станциялари, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш шахобчаларини яратиш, автомобиллар ишлаган газлар заҳарлилиги ва сертутунлигини назорат қилиш самарадорлигини ошириш йўлларини топиш;

- экологик жиҳатдан хавфли барча корхоналар ва ишлаб чиқариш ташкилотлари атрофида санитария назоратини янада кучайтириш (минтақа чегарасида яшайдиган аҳолини кўчиришни таъминлаш ва ҳ.к.).

Ўрмонларни зараркунандалар ва касалликлардан биологик усулда ҳимоя қилиш, шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва саноат корхоналари теварагидаги яшил минтақа майдонларини кенгайтириш ва республиканинг жанубий туманларида сердарахт жойларни, ўрмон экинларини яратиш ҳисобига кўпайтириш, ўрмонларни яхлит ҳолида ҳимоя қилишнинг минтақаларо шаклларини жорий этиш асосида зараркундалар ва касалликларнинг дарахтзоларга салбий таъсири қисқартирилишини таъминлаш:

- ёнғоқзор ва арчазорларнинг миқдорини ҳисобга олиш, бундай дарахтлар ўсадиган ерларда мол боқишни тўхтатиш;

- санитария-гигиена ва соғломлаштириш вазифасини ўтайдиган ўрмонларда туризм мақсадларида фойдаланишни ривожлантиришни тезлаштириш, уларнинг аҳамияти ва ҳуқуқий мақомини ошириш;

- доривор ўсимликларни саноат негизида такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Ўсимликлар қоплами, унинг манбалари ва сифати, набобот олами ранг-баранглигини таъминлаш самарадорлигини ва биологик маҳсулдорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

- Ўзбекистон Республикасида набобот оламининг мавжуд таркибини сақлаш, айниқса ўсимликларнинг ноёб, йўқ бўлиб кетаётган турлари камайишига йўл қўймаслик;

- ўсимликларнинг хўжалик жиҳатидан қимматли, ноёб ва йўқ бўлаётган турларини ҳисобга олиш ва карталаш ўтказиш;

- ўсимликларнинг ноёб ва йўқ бўлаётган турлари аҳволини даврий назорат қилиш тартибини йўлга қўйиш;

- ёввойи тарзда ўсадиган доривор ва эфир мойи берадиган ўсимликлар тайёрлаш ҳажмини, айниқса, уларнинг манбалари озайиб кетган районларда (умумий миқдорини камайтирган ҳолда) пасайтириш.

9.3. Минтақаларо экологик муаммолар

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг минтақаларо моҳиятига эга бўлган муаммоларни ҳал этиш учун Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларининг атроф-муҳитни сақлаш, табиий манбалардан самарали фойдаланиш юзасидан минтақаларо узоқ йиллик дастурини ишлаб чиқиш лозим. Бу дастурда биринчи навбатда, Орол денгизи ҳавзасидан, сув, ер ва биологик манбалардан фойдаланишнинг комплекс лойиҳасини ишлаб чиқиш, Сирдарё ва Амударё ўзанларида сувни муҳофаза қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, Тожикистон алюминий заводи, очиқ кумир кони, Қувасой цемент заводи ва бошқа шу каби саноат корхоналари жойлашган минтақалардаги экологик жиҳатдан хавфли бўлган корхоналар учун ҳам ишлаб чиқариш, қайта қуриш, кўчириш тадбирларини, Чордара ва Туямўйин сув омборлари минтақасида балиқ манбаларини муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, муҳофаза қилинадиган минтақа (қўриқхоналар, халқ боғлари) ягона минтақаларо тармоғини яратиш. Устюрт ясси тоғлиги жанубида мавжуд Коплонғир қуриқхонаси асосида ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб турларини сақлаш учун республикаларо қўриқхона ташкил этиш ва ҳ.к.

Марказий Осиё давлатлари дастурининг мақсад ва вазифалари, уларни ҳал қилиш йўллари бевосита Оролбўйи муаммоси билан боғлиқ. Оролни табиий ҳолатида сақлаб қолиш бу минтақада экологик ва санитария-гигиена вазиятини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Орол денгизини қисқарган экваторияда бўлса ҳам сақлаб қолиш, бунга республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни оқилона қўшиб олиб бориш ва Оролбўйининг чўлга айланишини бартараф қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

Марказий Осиё давлатлари Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида олиб бориётган сув хўжалиги сиёсатини биргаликда қайта

кўриб чиқиш, айни пайтда ички сув заҳиралари ҳисобига Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш бўйича ишлаб чиқарилаётган нархлар асосини биринчи ўринда денгизни табиий объект сифатида сақлаб қолиш ғояси ташкил қилиш керак. Орол денгизининг қуриган минтақасида дарёлар делтаси, сув чиқариладиган ва суғориш зонаси вазифасини бажарувчи ҳимоя тўсиғини вужудга келтириш лозим. Бошқариладиган сувнинг камлиги Орол бўйининг чўлга айланиш жараёнининг олдини олиш, минтақадаги биологик фаолликни қайта тиклаш, чорвачилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш имконини беради, Орол денгизининг қуриган тубини филто ва мелиорация қилиш, органик ўғитлар ва заҳарли химикатлар чиқарилишини тартибга солиш, ўсимликлар ҳимоясида биологик усулларни қўллаш бўйича илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш керак. Орол денгизи минтақасида сув хўжалиги тадбирларини Орол бўйигача барча табиий кўлларни сақлаб қолган ҳолда амалга ошириш зарур. Зовур сувларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун зарарли ҳисобланган тузларни чиқариб ташлашнинг илмий асосларини ва технологиясини ишлаб чиқиш лозим.

Бундан ташқари, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишларни бажариш, дарёлардаги сув сифатини барча (хўжалиги) сув ҳавзалари меъёрларига мувофиқ келадиган даражада қайта тиклаш зарур. Саноат корхоналарида айланма ва ишлатиладиган сувдан қайтадан фойдаланиш ҳажмини кўпайтириш, янги қурилаётган ва қайта тикланаётган корхоналарда сувсиз ёки сув кам ишлатиладиган технологик жараёнларни жорий қилиш йўлида кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Республикада сувдан фойаланиш масалаларини аҳоли сонининг ўсиши, саноат имкониятининг ошиб бориши, суғориладиган экин майдонлари ва Орол денгизига бериладиган сув миқдорини сақлаб қолишни назарда тутган ҳолда, ўзимизнинг сув ресурсларимиздан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда ташқаридан сув олиб келиш ҳисобига ҳал қилмоқ зарур.

Бироқ бу ерда юз берган экологик фалокат шу қадар катта миқёс касб этганки, унинг натижасида табиий муҳит бутунлай ўзгариб кетган. Бу муаммони фақат Ўзбекистон Республикаси имкониятлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли ҳозирги кунда Марказиё Осиё давлатлари тарафидан тузилган мақсадли дастурлар асосида экологик вазиятнинг олдини олиш кўзда тутилган.

9.4. Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми

Экологик бирлик асосидага механизм халқ хўжалиги тизимининг ажралмас қисми бўлиши керак.

Республика ва маҳаллий маъмурият органлари табиатни муҳофаза қилиш тизимини ташкил этиш, табиий манбалардан самарали фойдаланиш ва республика минтақасида экологик вазиятнинг ҳолати учун бутун масъулиятни заммаларига олишлари лозим. Бу ташкилотларнинг ҳуқуқлари тубдан кенгайиши муносабати билан табиатни муҳофаза қилишда тармоқ бошқарувидан минтақаларо бошқариш ва режалаштиришга ўтиш зарур.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми асосларини қуйидагилар ташкил этади: табиий манбалардан фойдаланиш (истеъмол қилиш лимитлари, ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқариб ташлаш) лимитлари, табиий манбалардан фойдаланганлик учун тўловлар, табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар, табиатни муҳофаза қилишнинг минтақаларо фондлари ва корхоналарнинг шундай фондлари тизими, бозор иқтисодиёти шароитида маблағларни шакллантиришнинг янги молия-кредит механизмлари.

Яқин келажакда ташкилий-иқтисодий хусусиятга молик қуйидаги умумий тадбирларни амалга ошириш зарур:

- табиий манбаларга тўлов нормативларини, шунингдек, табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик (ташлаганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун тўлов нормативларни корхоналарга узоқ муддатли нормативлар таркибига киритиш учун етказиш;
- ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқаришга йўл қўйиладиган (белгиланган лимитлар) даражадан оширганлик ҳамда табиий манбалардан самарасиз фойдаланганлик учун бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлардан озгина ҳақ чегириб олиш (иқтисодий нормативга нисбатан кам миқдорда), жамоанинг хўжалик ҳисоби даромади унинг манбаи ҳисобланади;
- табиий манбалар учун амалдаги тўловларни минтақаларо табақалаштириш даражасини ошириш ва яхшилаш, шунингдек, табиатдан фойдаланиш учун тўловлар тартибини мукаммаллаштириш, жумладан, ер, ўрмон, сув манбалари ер ости бойликлари, ҳайвонот ва наботот оламини муҳофаза қилишга кетадиган харажатларни қоплаш учун тўловларни унинг таркибига киритиш;
- табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий фондларига банклар кредит бериши ва бошқа шунга ўхшаш жараёнларни ба-

жариш бўйича вазифалар билан шуғулланишни киритган ҳолда, табиатдан фойдаланишни молиявий-кредит жиҳатидан тартибга солишнинг янги усулларини жорий этиш;

- нарх белиглаш тартибини ислоҳ қилиш жараёнида маҳсулотларнинг улгуржи ва харид нархларини жаҳон нархларига яқинлаштириш, табиатдан пул тўлаб фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш ва экологик-иқтисодий оқибатларга ижтимоий зарур харажатлар сарфланишини назарда тутиш;

- табиатни муҳофаза қилиш қонунларига намунали риоя қилганлик учун корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- табиатни муҳофаза қилиш жиҳозлари, материаллар, асбоблар ва атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан корхоналар, кооперативларга солиқ солишнинг имтиёзли тартибини, шунингдек, экологик жиҳатдан хавфли маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун эса солиқ солишни белгилаш;

- хўжалик ҳисоби асосида табиатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш фондлари (тозалаш иншоатлари, қурилмалар ва бошқалар) дан самарали фойдаланганлик учун меҳнат жамоалари, корхоналарнинг раҳбарлари ва алоҳида ходимларнинг иқтисодий масъулиятини ошириш.

Табиий манбалардан фойдаланиш ва атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик (ташлаганлик) учун тўлов нормативларини белгилаш бўйича услубий ҳужжатларни текширишдан ўтказган ҳолда яқин йилларда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқаришнинг янги тизимига тўла ўтилади. Шу тариқа табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари асосан экологик усулда амалга оширилишига таъсир кўрсатиш талаб этилади.

Қисқача хулоса

Ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари Ўзбекистон миллий иқтисодиёти учун асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари мавжуд. Жумладан, ҳавони муҳофаза қилиш, ташламаларни камайтириш, ўсимликларнинг ноёб турларини сақлаб қолишнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг минтақаларо моҳиятга эга бўлган муаммоларини ҳал этишга эътибор қаратилган.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми асосларини табиий манбалардан фойдаланиш лимитлари ва тўловлари, табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар, табиатни муҳофаза қилиш фондлари ва бошқа молия-кредит механизмлари ташкил этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Республика ва унинг вилоятларида экологик аҳвол қандай ва бу соҳада қандай вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган?

2. Табиий манбалардан самарали фойдаланиш жараёнининг қандай йўналишлари белгиланган?

3. Минтақалараро экологик муаммолар қандай ҳал этилади?

4. Минтақада табиатдан фойдаланиш қандай тадбирлардан ташкил топган?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.

2. Ишмухамедов А.Э., Раҳимова М.Р. ва бошқалар Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантириш. -Т.: Ўқитувчи, 1997.

3. Конаев Г.П. Региональная экономика (вводная часть). -Ижевск: Из-во «Персей», 1994.

4. Раҳимова М.Р., Ирматов М.М. Ҳудуд иқтисодиёти асослари (ўқув қўлланма). -Т.: ТДИУ, 1999.

X боб

МИНТАҚА МОЛИЯСИ

10.1. Минтақа молиясининг моҳияти, таркиби ва минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги аҳамияти

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий қудрати мукаммал бюджетга эга эканлиги билан ҳам ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатда бюджет муносабатларининг асосларини белгилаб берувчи асосий хужжатдир. Унинг 122- моддасида давлат бюджети тузилиши кўрсатилган.

Лекин бюджет жараёнини амалга оширишнинг барча босқичлари умумлаштирилиб, муфассал равишда тартибга солувчи ягона қонун ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида молия соҳасида институционал ўзгаришларни амалга оширишда, бюджет муносабатларини халқаро андозаларга мос ҳолатга келтиришда қийинчилик туғдирмоқда. «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишини ушбу тизимни такомиллаштириш борасидаги муҳим қадам деб ҳисоблаш мумкин.

Бюджет молия сиёсати авваламбор республикамизда бозор механизми тўлиқ ишлашини таъмин этишга қаратилган. Бюджетни молиялаштиришни амалга оширишда эса номарказлашган йўналиш асосий ўринни тутади.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан давлат бюджети харажатлари республикамизда 1991 йил 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб, бу кўрсаткич 33,2 фоиз бўлди. Ривожланган давлатлар тажрибасида бу ҳолат мазкур мамлакат иқтисодиёти бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ривожланишининг кескин сусайиши ва аҳоли инвестицион фаоллигининг пасайиши каби салбий ҳолатнинг олдини олишини кўрсатади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтган асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб, иқтисодий ўсиш суръатлари юқорилиги натижасида давлат харажатларининг ҳам ўсиши кузатилган. Шу боис бир қатор давлатларда ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқбол кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган бюджетлар тузилди. Чунки, бунда давлатнинг кейинги йилларда бўладиган харажатларига эҳтиёжи ҳам акс эттирилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда ҳам бозор иқтисодиётига ўтишда олиб борилаётган чуқур иқтисо-

дий ислоҳатлар шароитида унинг тамойилларини ифодаловчи узоқ муддатли бир қатор дастурлар, жумладан, инвестиция, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилган. Ушбу соҳадаги харажатлар ҳажмини олдиндан кўзда тутувчи, 2-5 йилни ўз ичига олувчи бюджетларнинг прогноз кўрсаткичларини тузиш, мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бюджетларни тузиш соҳасида тараққий этган давлатлар тажрибаларини мисол келтиришимиздан мақсад, бюджет тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларда ривожланган давлатлар тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда уларнинг тажрибасидан амалиётимизда кенг фойдаланишимиздир.

Давлат молия тизимининг таркибий қисмларидан бири — минтақа молияси - минтақанинг эҳтиёжлари қондирилиши муҳим ўринни эгаллайди.

Минтақа молияси аҳолининг ижтимоий-маданий ва коммунал-маиший эҳтиёжлари қондирилишига қаратилган тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди. Демак, минтақа молияси — минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига қаратилган маблағлар тақсимланиши бўйича иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Минтақа молияси орқали давлат ўзининг ижтимоий сиёсатини минтақада фаол олиб боради. Ушбу маблағларнинг минтақа ҳокимликлари бюджетларига берилиши асосида муниципал халқ таълими, соғлиқни сақлаш, коммунал-маиший хизматларнинг молия таъминоти амалга оширилади.

Бу билан амалга ошириладиган тадбирлар доираси кенгайтирилади. Минтақа бюджетлари ҳисобидан нафақат умумтаълим мактаблари, балки олий ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш тизимлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа обеъктларнинг молия таъминоти ҳам амалга оширилади.

Минтақа молияси ёрдамида давлат иқтисодий-ижтимоий ривожланишида барча тарихий, жўғрофий сабабларга кўра, ортда қолиб кетган минтақанинг ривожланиши даражасини тенглаштиради. Шу мақсадда минтақавий дастурлар тузилади. Уларнинг амалга оширилишида маъмурий- минтақавий субъектлар маблағлари юқори бюджетларга солиқ ҳисобидан шаклланади. Минтақа бюджетларига мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун давлат солиқларидан тўловлар ёки субвенциялар ажратилади.

Минтақа молияси-минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига қаратилган маблағлар ҳажмидир. Бу маблағлар-

ни ишлатишнинг асосий йўналиши минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва қисман ишлаб чиқариш инфратизимини ривожлантиришдан иборат.

Ҳозирги вақтда минтақа ҳокимликларига минтақани комплекс ривожлантириш вазифаси юкланмоқда. Бу мақсадда минтақа маблағларини кенгайтириш ва ривожлантириш базасини мустаҳкамлаш эҳтиёжи борган сари ривожланмоқда. Эндиликда минтақа маблағларининг шакллантирилиши ва ўзлаштирилиши бўйича янги усулларни жорий этиш борасидаги муамоларни ҳал этиш зарур.

Минтақа маблағларининг таркибий қисмларидан бири хўжалик субъектларининг маблағларидир. Бу маблағлар биринчидан, муниципал мулк эгалигида бўлган коммунал-маиший корхоналар маблағларидан, иккинчидан, ижтимоий-маданий ва маиший объектларга хизмат кўрсатадиган корхоналар ва фирмалар маблағларидан, учинчидан, бюджетдан ташқари фондлардан (заём маблағлари, кўнгилли бадаллар ва бошқалар) ташкил топади.

10.2.Минтақа молияси — минтақавий ҳокимлик бюджетларининг асосий молия манбаи

Маҳаллий молия негизини маҳаллий бюджет ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ўз ичига маҳаллий ҳокимият идораларининг даромад ва харажатларини олади. Масалан АҚШ, Германия ва Японияда давлат молия ресурсларининг 50-60 фоизи маҳаллий молия ҳиссасига тўғри келишига қараб, у жамият иқтисодий ҳаётида қандай муҳим аҳамиятга эканлигини кўриш мумкин. Кўп мамлакатларда маҳаллий транспорт, сув ва газ таъминоти, мактаб, касалхона ва уй-жой қурилиши, шаҳарларни таъмирлаш, коммунал хўжалик, полиция ва ҳоказолар маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланади.

Минтақавий ҳокимликларнинг асосий молия базаси — уларнинг бюджетлари. Уларга берилган ҳуқуқлар тасдиқланган бюджетларининг бажарилишига имкониятлар яратади.

Минтақа бюджетлари — аҳолига жамиятнинг ишлаб чиқариш фаолияти якунларини етказиш бўйича асосий каналларидан биридир. Бундан ташқари, бу бюджетлардан минтақанинг ва озиқ-овқат саноати, маиший-коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг ривожланиш бўйича молия таъминоти амалга оширилади.

Минтақа бюджетлари, биринчи навбатда, давлат ва жамиятнинг умумиқтисод ва ижтимоий инфратизимини ривожлантириш масалари ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга.

Минтақа бюджетларининг даромадлари. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларини ривожлантиришида минтақа бюджетларига катта аҳамият берилади. Аҳолига хизмат кўрсатилиши бўйича тадбирларнинг амалга оширилишида бу бюджет маблағлари асосий манба ҳисобланади.

Минтақада давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш катта маблағлар ишлатилишини талаб этади.

Минтақа бюджетлари даромадлари бириктирилган ва тақсимловчи ресурслардан шаклланади.

«Бириктирилган» атамасининг моҳияти шундаки, бунда маблағлар тўғридан-тўғри минтақавий бюджетга тушади. Бириктирилган даромадларнинг асосини маҳаллий солиқлар (молмулк, ер солиғи ва бошқалар) ташкил этади.

Минтақавий ҳокимликлар бириктирилган даромадларнинг кўпайишидан манфатдордир. Бунинг учун маҳаллий корхоналарга иқтисодий ривожланиши ва бюджетга тўловларни кўпайтириш мақсадида ташаббускорлик имконияти яратилган. Бириктирилган даромадларнинг минтақавий харажатлар ўсишига нисбатан секин кўпайиши бу харажатларни қисман юқоридан тушган тақсимловчи маблағлар ҳисобидан қоплаш эҳтиёжини туғдиради.

Минтақа бюджетларини барқарорлаштириш мақсадига қаратилган тақсимловчи маблағлар қуйидагиларда ифодаланади:

- юқоридаги бюджетлардан тушган солиқлардан тўловлар фоизи;
- дотациялар;
- субвенциялар;
- бюджетнинг бажарилиши жараёнида юқори бюджетдан тушган маблағлар.

Республикамиздаги иқтисодий танқислик, баҳоларнинг тўхтовсиз ошиб бориши шароитида, оғир молиявий қийинчиликларни бартараф қилиш, республика ва маҳаллий бюджетларни маблағ билан ўз вақтида таъминлаш, меҳнаткашлар, корхона ва ташкилотларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида республика Олий Мажлиси 1993 йил 6 майда «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида» ҳамда «Ер солиғи тўғрисида»ги қонунларни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ минтақавий бюджетларнинг асосий тақсимловчи маблағлар таркибига қўшилган устама нархга солиқ, акцизлар, қонун билан белгиланган минтақавий корхоналар даромадларидан белгиланган ставкалардаги тўловлар киради.

Тақсимловчи даромадлар бўйича тўловлар минтақавий

ҳокимликлар томонидан белгиланади. Тақсимловчи даромадлар минтақанинг ривожланишида асосий ўринни эгаллайди.

Тақсимловчи маблағлар роли нафақат минтақа ривожланиши бўйича ҳокимликларнинг молия таъминотига, балки юқори бюджетларга тўловлар кўпайишига, минтақа иқтисодиёти самарадорлиги ошишига ҳам хизмат қилади.

Харажатлар суръати айрим ҳолларда даромадлар суръатидан юқори бўлганлиги сабабли баъзида бюджетдан олинадиган дотацияларга эҳтиёж бўлади. Шуни таъқидлаш лозимки, дотация ва субвенциялар иқтисодиёт ривожланишини деярли ўзгартирмайди. Уларда рағбатлантириш сифатлари йўқ, улар минтақавий ҳокимликларда боқимандалик кайфиятини туғдиради, холос.

Дотациялар ва субвенцияларнинг салбий томонларига қарамасдан, уларни бутунлай бартараф этиш мумкин эмас. Чунки бу режавий тадбирлар, молия таъминоти анча қийинлашишига олиб келади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бириктирилган даромадларнинг асосини маҳаллий солиқлар ташкил этади.

Илгариги маҳаллий солиқлар (импорт, ер ва қишлоқ хўжалиги солиқлари) қайта кўриб чиқилди. Уларнинг тўловлари ва объектлари кенгайтирилди ҳамда баъзи янги солиқлар киритилди.

Бу солиқлар қуйидагилардан иборат:

Ер солиғи. Бу солиқ энди фақат фуқаролар эътиборидаги участкалардангина (томорқа) олинмасдан, балки ердан фойдаланувчи юридик шахслар, яъни ҳамма мулк туридаги корхона, ташкилот ва бирлашмалардан ҳам олинадиган бўлди. Бу солиқ тўғрисидаги қонун 1999 йили 1 январидан бошлаб кучга кирган.

Аммо ер солиғини қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар, яъни давлат, жамоа хўжаликлари, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи жамоалар 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб тўлай бошлашган;

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- курорт минтақасида ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган объектлар қурилиши солиғи;
- реклама ва эълонлар солиғи;
- автомобиль воситалари, мураккаб ҳисоблаш ва уй-рузғор техникасини сотганлиги учун солиқ;
- транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ.

Булардан ташқари маҳаллий ҳокимликларга 13 турдаги йиғимларни чиқариб, бюджетга жалб қилиш ҳуқуқлари берилди. Уларнинг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- курорт йиғими курортга даволаниш учун борганлардан йиғилади;

- савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи йиғим;
- вино, ароқ маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йиғими;
- маҳаллий «ким ошди» савдоларига котировкалар ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йиғими;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни рўйхатга ўтказганлик учун олинадиган йиғим;
- автатранспортлар сақланадиган жойлардан фойдаланганлик учун йиғим;
- отчопарларда пойгада қатнашганлик учун йиғим;
- отчопарларда ўтказилган пойгадаги ютуқ учун йиғим;
- биржалардаги олди-сотди битимларидан ундириладиган йиғим;
- кино ва телесуратларга олишларни ўтказиш ҳуқуқини берувчи йиғимлар;
- аҳоли манзилгоҳлари минтақасини супуриб-сидириш учун йиғимлар;
- қимматли қоғозлар муомиласини ўтказганлик учун йиғимлар;
- иш эгаларидан олинадиган йиғимлар жорий этилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, республикамиз ҳукумати солиқлар тизимини узлуксиз бозор муносабатлари талабларига мослаб, такомиллаштириб бормоқда. Шу билан бирга давлат кўплаб чет мамлакатлар солиқ тизимларини ўрганиб, уларнинг энг маъқулларини ҳаётга татбиқ этмоқда.

Маҳаллий солиқ турлари орасида ер солиғи муҳим аҳамиятга эга. 1999 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортиш тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» ги фармонига мувофиқ 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий қилинди. Ягона ер солиғини тўлашга ўтган қишлоқ хўжалиги корхоналари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, алкоголсиз ичимликлар ва мева шарбатларига акциз солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ижтимоий ифратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқа маҳаллий солиқларни тўламайди.

Ердан фойдаланувчилардан ер солиғи олиш ўз эгалигидаги ерлардан эҳтиёткорлик билан тежамли равишда фойдаланишга ундовчи восита ҳисобланади. Ундан ташқари ер солиғи орқали, ерларни яхши ҳолда сақлаш, тупроқ зарарланишига қарши

курашиш, суғориш иншоотлари қуриш, таъмирлаш мақсадларида давлат хазинасидаги катта маблағлар харажат қилинадики, бу сарф-харажатлар муайян ердан фойдаланувчилар томонидан қопланади.

Ер солиғи тўловчи субъектлар доираси «Ер солиғи тўғрисида» ги Қонунда белгиланган бўлиб, улар қаторига мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш усулларидан қатъи назар барча корхона, муассаса, ташкилотлар, қўшма ва чет эл корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликлари, фуқаролар ва бошқа шахслар киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер солиғи тўғрисида» ги Қонунида ер солиғи солиқ тўловчиларнинг муайян хусусиятлари ҳамда фойдаланилаётган ернинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда табақалаштирилиб солиниши айтилади. Ер солиғи солишда ер кадастри маълумотлари, ернинг иқтисодий қиймати, экинзорларнинг ҳосилдорлик даражасига эътибор берилади. Барча суғориладиган ерлар тупроқ бонитетлари кўрсатгичига биноан 100 баллик баҳолаш қиймати бўйича 5 синфга бўлинади.

Ерлардан асосан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади. Ҳосилдор ва суғориладиган ерларни саноат ва бошқа мақсадларга ажратиш чекланган. Ана шундай чекловчи механизмлардан бири солиқлар билан тартибга солиш сиёсатидир.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган бошқа корхоналарга ер солиғи солиш пайтида ердан фойдаланувчининг асосий фондлари, энергетика таъминотининг аҳволи, муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжудлиги каби омиллар ҳисобга олинади.

Фуқаролардан ер солиғи олиш ўзига хос хусусиятларга эга. Қишлоқ жойларида томорқа хўжалиги юритиш мақсадларида берилган ерларнинг ҳар бир сотихига (0,01 га) солиқ тўловчидан маҳаллий шароитлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ олинади.

Маҳаллий солиқларга кирувчи ер солиғидан ташқари фуқароларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қуйидаги фуқаролар ишчи ва хизматчилар сифатида даромад солиғи тўлайдилар:

- ишчи ва хизматчилар — меҳнат мажбуриятларини бажарганлари туфайли олинадиган барча турдаги иш ҳақлари, мукофотлар ва акциялари бўйича оладиган дивидентлари, корхоналарда фойдани тақсимлаш пайтида оладиган бошқа даромадлари юзасидан;

- солиқ тўлаш юзасидан ишчи ва хизматчиларга тенглаштирилган шахслар қаторига ишлаб чиқариш кооперативлари-

нинг аъзолари ва бу кооперативларда меҳнат шартномасига кўра ишлаётган шахслар (ушбу кооперативлардан оладиган даромадлар бўйича), Ўзбекистон минтақасида ташкил этилган чет эл ташкилотлари, фирмалари ва бошқарув органлари иштирокида тузилган қўшма корхоналарда, халқаро бирлашмаларда, чет эл фирмаларида, банклар, ваколатхоналардан оладиган даромадлар бўйича;

- адвокатлар — юридик маслаҳатхонадаги иш фаолияти учун оладиган мукофот суммасидан;

- корхона, муассаса, ташкилотларда аввал ишлаган шахслар ушбу корхонада фойдани тақсимлаш пайтида олган даромадларидан;

- диний ташкилотлар ва уларнинг корхоналарида меҳнат қилаётган шахслар — ўз иш ҳақларидан;

- корхоналар ҳисобида турмайдиган фуқаролар — корхоналар билан тузилган бир марталик пудрат шартномаси асосида оладиган пул ёки табиий кўринишдаги даромадларидан;

- тадбиркорлик — якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда уларда ёлланиб ишлаётган шахслар;

- ўз кўчар ва кўчмас мулкларини ижарага топширишлари орқасидан даромад олувчи фуқаролар ана шу фаолиятдан оладиган даромадлар юзасидан;

- банк муассасаларидаги омонатлар бўйича фоизлар ва ютуқлар тарзида даромадлар оладиган фуқаролар оладиган даромадлари юзасидан;

- Ўзбекистонда доимий истиқомат қиладиган фуқаролар — чет элдан оладиган даромадлари юзасидан;

- фан, адабиёт, санъат асарларининг муаллифлари олган қалам ҳақларидан.

Хусусий тадбиркор ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан машғул шахслар солиқ тўлайдиган даромад миқдори қилинган барча моддий харажатлар билан олинган қарз учун тўланган фоиз ҳақи, меҳнат ресурслари (масалан, меҳнат ресурслари учун, ижтимоий суғурта жамғармасига, нафақа жамғармасига ва бошқа мақсадларга ажратиладиган маблағлар) ҳамда яна бошқа айрим сарф - харажатларни олинган янги фойдадан айириш (қилинган харажатлар билан пул ёки бошқа тушумлар ўртасидаги фарқ) йўли билан аниқланади.

Хусусий тадбиркорлар ва шахсларга у фаолият олиб бораётган ердаги (доимий яшаб турган ёки бошқа тегишли жойдаги) солиқ идораси томонидан солиқ солинади.

Деҳқон хўжалиги — қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш

билан банд бўлган фуқаро ёки биргаликда хўжалик юритаётган фуқаролар ўз даромадларидан, яъни олинган ялпи пул ва табиий шаклидаги даромадлари билан ҳаражатлар ўртасидаги фарқда ифодаланувчи суммада солиқ тўлайдилар.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари олган ялпи маҳсулот ҳисобига қилинган даромаддан моддий харажатлар, ижара ҳақи, ёлланиб ишловчиларга тўланган иш ҳақи, махсус жамғармалар (ижтимоий суғурта, мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари, банкдан олинган қисқа муддатли кредитлар юзасидан тўланган фоизлар), асосий ишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш харажатлари чегириб ташланиб, қолган даромаддан солиқ олинади.

1992 йил 14 январда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги, 1993 йил май ойида қабул қилинган «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида» ва «Ер солиғи тўғрисида»ги қонунлар асосида республикамизнинг дастлабки солиқ тизими бунёд этилган эди. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтилаётган республикамизда солиқ тизими бозор ва унинг иқтисодий қонуниятлари талабига қараб, такомиллаштириб борилмоқда. Чунончи, Олий Мажлиснинг 1992 йил 9 декабрда ўтказилган сессиясида солиқ ҳақидаги қонунларга тўлдиришлар ва ўзгаришлар киритилгани ҳам бежиз эмас.

Биринчидан, экспорт-импорт солиғи бекор қилинди, корхоналар даромадига солинадиган солиқлар ставкасини гуруҳлаш кенгайтирилди, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 30 % дан 20% га камайтирилди, мол-мулк солиғи корхоналар учун 0,5% дан 1 % га кўтарилди.

Аҳолига солинадиган солиқларнинг ставкаларини ва уларнинг даромадларини солиққа тортиш бўйича ҳам қатор ўзгаришлар бўлди.

«Ер солиғи тўғрисида» ги қонунга биноан қишлоқ жойларида олинадиган қишлоқ хўжалиги солиғи, шаҳар жойларидаги қурилиш бинолари учун олиб келинган солиқлар бекор қилинди. Эндиликда ердан фойдаланувчи фуқаролар фақат ер солиғи тўлайдилар, холос.

Корхона, бирлашма ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар ҳамда аҳоли солиқлари республика давлат бюджетига тушиб, улар асосан заиф, кам таъминланган оилалар нафақахўрлар, талабалар ва кўп болали оналарни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланади.

Демак, солиқлар асосан меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилишга ва иқтисодиётни тангликдан чиқаришга мўлжалланган капитал харажатларга сарфланмоқда. Кўриниб турибдики, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, биз меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўли билан бозор иқтисодиётига кириб борамиз.

Булардан ташқари, чет эл валютасида тушумга эга бўлган корхоналар учун республика валюта фондига 25 фоиз ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри валюта фондларига 10% солиқ жорий этилди.

Ўзбекистон солиқ тизимини такомиллаштириш, уни бозор муносабатлари талабига мослаштириш давом этмоқда.

Минтақа бюджетларининг харажатлари. Минтақа бюджети ривожланишининг асосий омиллари давлатнинг иқтисодий потенциали, аҳоли сонининг кўпайиши, урбанизация жараёнининг ўсиши билан белгиланади. Минтақа бюджетларининг ўсиши тўғридан-тўғри урбанизация билан, яъни, ижтимоий - маиший инфратизимининг кенгайиши билан боғлиқ. Умумий ҳажмда шаҳар ва овуллар бюджетларининг улуши ўсади. Бу шаҳар бюджетлари харажатларининг кескин ўсишига, шаҳарларда аҳоли сонининг ўсиши, тураржой куриш, коммунал-маиший ва ободонлаштириш тадбирлари ҳажми кескин кўпайишига олиб келади.

Минтақавий ҳокимликларга асосан ижтимоий-маданий соҳа корхоналари, биринчи навбатда, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари бўйсунади. Шунинг учун минтақа бюджетларининг харажатлари асосан ижтимоий-маданий йўналишда амалга оширилади. Шаҳар, вилоят бюджетларида уларнинг улуши тахминан 50% бўлса, қишлоқ ва овул бюджетларида 60-80% ни ташкил этади.

Урбанизация ривожланганида, одатдагидек, халқ таълимига харажатлар улуши ортади. Чунки, минтақа хўжалиги мураккаблашади, тураржой қуриш, коммунал-маиший хизмат ҳажмларини кўпайтириш эҳтиёжи, асосий фондлар нархи ва уларнинг техник таъминоти миқдори ошади.

Йирик шаҳарларнинг ривожланиши-минтақавий бюджетларнинг ўсишига таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир. Лекин йирик шаҳарларда аҳоли эҳтиёжларининг тобора ортиб боришини ҳам инобатга олиш зарур.

Шаҳарларда ишлаб чиқариш, кимё ва биология саноатларининг ривожланиши ҳамда аҳолининг кескин кўпайиши атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун минтақа бюджетларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш харажатлари ошади.

Долзарб масалалардан бири — қишлоқ ва шаҳарларимизни ободонлаштириш масаласидир. Бюджетдан бу мақсадларга ажратилган маблағлардан тежамкорлик билан фойдаланиш зарур. Бундай минтақани бўлакларга бўлиб, танлов ва рақобатчилик, қизиқтириш уйғотиш усуллари асосида фаолият олиб бориш керак.

10.3. Корхоналарнинг минтақани ривожланишига қаратилган молиявий ресурслари

Хўжалик, ташкилот ва корхоналар маблағлари минтақадаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратизмни ривожлантирлиш воситаларининг муҳим таркибий қисмидир.

Корхона ва ташкилотларнинг соф даромади (фойдаси) барча ижтимоий фондлар маблағларининг шаклланишида асосий рол ўйнайди.

Ижтимоий фондлар ҳисобидан корхона ва ташкилотлар тураржойлар қуришда, ижтимоий-маданий ва маиший эҳтиёжларини қондиришади.

Шаҳарларда саноат ривожланган сари аҳоли кўпаяди. Бу эса барча тармоқларда ижтимоий-маиший хизмат ҳажми ўсишига, қайта қуриш ишларига эҳтиёж ортишига, натижада харажатлар кўпайишига олиб келади. Минтақа ҳокимликлари баъзида бу харажатларни тўлиқ қоплаш имкониятларига эга бўлмайдилар. Улар бу борада ёрдам сўраб, минтақавий корхона ва ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади.

Охирги пайтларда жойларда ижтимоий инфратизим ривожланишида корхоналарнинг улуший иштироки усули кенг қўлланилмоқда. Замонавий ижтимоий-маиший инфратизим объектлари катта ҳажмли, юқори даражада мураккаб муҳандис - техник қуроллантирилган бўлиб, кўп маблағ талаб этади. Бу масалаларни корхоналарнинг ўзлари ҳал эта олишмайди. Шунинг учун уларни минтақавий ва корхоналар маблағларини бирлаштириб, ҳал этиш усули кенг қўлланилмоқда. Бундай усул жуда тежамли ва истиқболлидир.

Бу ўринда шуни таъқидлаш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик корхоналар маблағларини тежаш, маҳсулотлар нархини пасайтириш, рақобатчилик даражасини ошириш мақсадида, ижтимоий - маданий муассасалар хизматидан воз кечмоқдалар. Оқибатда минтақа бюджетларига ушбу хизматларни ташкил этиш бўйича инфратизимни ривожлантиришга эҳтиёж ўсади.

Шуни айтиш керакки, давлат иқтисодий кризисдан чиқиб, молиявий аҳволини мустаҳкамлаганидан сўнг, кўпчилик корхо-

налар, ходимларининг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтириш, ижтимоий инфратизимни ривожлантириш мақсадида минтақа дастурларига ажратиладиган маблағлари миқдорини кўпайтиришади. Бу минтақанинг молиявий қувватини оширишда корхоналар аҳамиятини янада кучайтиради.

10.4. Минтақавий бюджетлардан ташқари фондлар

Минтақа ижтимоий инфратизимни ривожлантириш учун корхоналар ва минтақавий бюджетлар маблағларининг бирлаштирилиши долзарб бўлиб қолмоқда. Бунга эришиш йўлларидан бири - ижтимоий –иқтисодий ривожлантириш бўйича минтақавий бюджетдан ташқари фондларни ташкил этишдир. Бундай фондлар қуйидагича шаклланади:

- корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг кўнгилли хайрия тўловлари ва бадалларидан;
- минтақавий заём, пул-буюм лотереялари, аукционлардан тушган даромадлардан;
- корхона, ташкилот, жамоа хўжаликлари, жамоа ташкилотларининг кўнгилли равишда жалб этилган маблағларидан;
- атроф-муҳитдан фойдаланиш меъёрларини бузганлик, тарихий объектлардан ноқонуний фойдаланиш кабилар учун ундирилган жарималардан.

Бундай фондлар минтақавий ваколат органлари қарорларига мувофиқ жорий этилади ва улар махсус тайинланган бошқарув ҳайъати томонидан бошқарилади. Ҳайъат таркибига минтақа ҳокимлиги ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

Фондларда жамғарилган маблағлар қуйидаги тадбирларга ишлатилиши мумкин:

- кооперация усулида кўрилаётган ижтимоий-маданий объектларга;
- бюджетда белгиланмаган тадбирлар, асосан ободонлаштириш бўйича;
- бюджетнинг ўсган жорий харажатларини қоплаш лимитлаштирилган харажатлардан ташқари маблағлари;
- даромад йиғиш режаси бажарилмаган тақдирда – режавий тадбирларга ва бошқа кўзда тутилмаган ҳолларга.

Корхоналар ва ташкилотлардан тушган бадаллар ҳисобига шаклланган маблағлар асосан умумминтақавий аҳамиятга эга бўлган объектлар таъминотига йўналтирилиши керак.

Минтақа молияси таркибининг чизмаси



Минтақавий хўжаликни ривожлантириш фондлари:

- ижтимоий-маиший инфратизимнинг ривожланишига қаратилган маблағларни бирлаштиради;
- ўз хўжалик фаолияти ижобий натижаларидан минтақавий ҳокимликларнинг манфаатдорлигини кўчайтиради;
- молия ва пул маблағларининг ишлатилиш самарадорлигини оширади;
- минтақадаги корхоналар ва ҳокимликларнинг иқтисодий алоқаларини кучайтиради;
- корхоналар ўз фаолиятларига тегишли бўлмаган тадбирларни бажаришдан озод этилади.

Қисқача хулосалар

Маҳаллий молия негизини маҳаллий бюджет ташкил этади. У ўз ичига маҳаллий ҳокимият идораларининг даромад ва харажатларини олади.

Солиқлар давлат бюджетини молиявий ресурслар билан таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароити солиқ воситаси орқали давлат томонидан иқтисодиётни бошқариш, ишлаб чиқариш қувватлари, географик жойлашиш ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Маҳаллий солиқлар қайта кўриб чиқилди. Уларнинг сони ҳозирги пайтда 13 та.

Маҳаллий солиқлар орасида ер солиғи муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилиши солиққа тортиш тизимининг янада такомиллашганидан далолат беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Маҳаллий молия негизини нима ташкил этади?
2. Минтақа бюджетинининг даромадлари қандай манбалардан ташкил топган?
3. Маҳаллий солиқларнинг қандай турлари бор ва улар қандай ундирилади?
4. Солиқлар қандай такомиллаштирилиб борилади?
5. Минтақа бюджети маблағлари қандай йўналишларга сарфланади?
6. Корхоналарнинг минтақа ривожига қаратилган қандай молиявий ресурслари бор?
7. Минтақа бюджетидан ташқари қандай фондлар мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги «Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» ги фармони. «Халқ сўзи», 1998, 11 октябрь.

2. Ишмухамедов А.Э., Раҳимова М.Р. ва бошқалар Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни ривожланиши. -Т.: Ўқитувчи, 1997.

3. Раҳимова М., Ирматов М. Ҳудуд иқтисодиёти асослари. – (ўқув қўлланма). -Т.: ТДИУ, 1999.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида» ги қонуни. – Т.: 1993.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси». – Т.: Адолат, 1996.

7. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.

8. С.Ғуломов, М.Барбакадзе Минтақавий тизимларни оптималлаш модели ва усуллари. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

9. М.Раҳимов, М.Ирматов. Ҳудуд иқтисодиёти асослари, Ўқув қўлланма, – Т.: 1999.

10. Г.В.Копанев «Региональная экономика» (вводная часть) Ижевск: «Персей», 1994.

11. Региональная экономика. (под ред. Т.Г.Морозовой). – М.: ЮНИТИ, 2000.

12. Аҳмедов Т.М. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

13. Ж.Жалилов. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. – Т.: Ўзбекистон, 1994.

14. Стиглиц Дж. Экономика государственного сектора. – М.: МГУ, 1997.

15. Филипнов Ю.В., Авдеева Т.Т. Основы развития местного хозяйства. –М.: изд. Дело, 2000.

16. Ишмуҳаммедов А.Э., Раҳимова М. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантириш. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 5

I боб. «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанига кириш. Фаннинг предмети, вазифалари ва услубияти 6

1.1. «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанининг предмети, моҳияти ва ўрганиш объекти, унинг бошқа фанлар билан алоқаси... 6
1.2. «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти» фанининг вазифалари 9
1.3. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиладиган тамойиллар ва усуллар 10
1.4 Минтақанинг комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартибга солишда маҳаллий ҳокимият органлари ролининг ошиб бориши 13
Қисқача хулосалар 15
Назорат ва муҳокама учун саволлар 15
Асосий адабиётлар 15

II боб. Минтақавий сиёсатнинг аҳамияти ва уни амалга ошириш йўллари 16

2.1. Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари ва унинг аҳамияти 16
2.2. Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажриба 18
2.3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон минтақавий сиёсатининг асосий йўналишлари 19
Қисқача хулосалар 21
Назорат ва муҳокама учун саволлар 21
Асосий адабиётлар 21

III боб. Минтақа иқтисодиётини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тизими 22

3.1. Минтақада бошқариш ва режалаштириш ташкилотлари тизими, уларнинг вазифаси ва бурчлари 22
3.2. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини мувофиқлаштириш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш чора-тадбирлари 26
Қисқача хулосалар 28
Назорат ва муҳокама учун саволлар 28
Асосий адабиётлар 28

IV боб. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимлари иқтисодиёти ва уларнинг ривожини тартибга солиш 29

4.1.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими ва уларнинг таркибий қисмлари..... 29
4.2.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг иқтисодий ва молиявий асослари, улар ваколатларининг кенгайиши..... 30
Қисқача хулосалар..... 33
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 33
Асосий адабиётлар..... 33

V боб. Ишлаб чиқарувчи кучларни бозор иқтисодиёти механизмлари асосида жойлаштириш ва ривожлантириш..... 34

5.1. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш назариялари..... 34
5.2. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари ва омиллари..... 36
5.3. Саноат корхоналарини жойлаштиришда уларнинг туркумларини ҳисобга олиш..... 37
5.4. Ишлаб чиқаришда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш..... 38
Қисқача хулосалар..... 42
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 42
Асосий адабиётлар..... 42

VI боб. Минтақанинг меҳнат ресурслари..... 43

6.1. Меҳнат ресурслари ва уларнинг минтақавий хусусиятлари.... 43
6.2. Ишчи кучи ва ундан фойдаланишни белгиловчи кўрсаткичлар... 44
6.3. Ишсизлик турлари ва уларнинг моҳияти..... 47
6.4. Ишсизликнинг табиий даражаси ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммолари..... 47
6.5. Бандликнинг мумтоз ва Кейнс назарияси..... 49
Қисқача хулосалар..... 53
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 54
Асосий адабиётлар..... 54

VII боб. Минтақада асосий ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши..... 55

7.1. Минтақа саноатининг таркиби ва уни ривожлантириш..... 55
7.2. Саноатда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тажрибаси..... 55
7.3. Минтақа қишлоқ хўжалигининг ривожланиши..... 62
7.4. Минтақада капитал қурилишни ривожлантириш дастури..... 68
7.5. Минтақа транспортининг ривожланиши..... 72
Қисқача хулосалар..... 76
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 77
Асосий адабиётлар..... 77

VIII боб. Минтақа ижтимоий соҳаси асосий тармоқларининг ривожланиши..... 78

8.1. «Ижтимоий сиёсат» тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти ва аҳамияти..... 78
8.2. Ижтимоий соҳани ривожлантириш зарурияти..... 79
8.3. Бозор иқтисодиётига ўтишда таълим тизимини тартибга солиш... 80
8.4. Ўтиш даврида соғлиқни сақлаш тизими..... 84
8.5. Минтақада уй-жой ва коммунал хўжалиги ривожланишини тартибга солиш..... 87
8.6. Минтақада аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш..... 91
Қисқача хулосалар..... 94
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 95
Асосий адабиётлар..... 95

IX боб. Минтақада табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф - муҳитни муҳофаза қилиш..... 96

9.1. Ўзбекистонда экологик аҳвол 96
9.2. Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари..... 98
9.3. Минтақаларарo экологик муаммолар..... 100
9.4. Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми..... 102
Қисқача хулосалар..... 104
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 105
Асосий адабиётлар..... 105

IX боб. Минтақа молияси..... 106

10.1. Минтақа молиясининг моҳияти, таркиби ва минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги аҳамияти..... 106
10.2. Минтақа молияси – минтақавий ҳокимлик бюджетларининг асосий молия манбаи..... 108
10.3. Корхоналарнинг минтақанинг ривожланишига қаратилган молиявий ресурслари..... 116
10.4.Минтақавий бюджетлардан ташқари фондлар..... 117
Қисқача хулосалар..... 119
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 120
Асосий адабиётлар..... 120
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 121

CONTENTS

Introduction..... 5

PART-I. Theme, tasks and methodology of the course "Regional and local economy"..... 6

1.1. Theme, essence, research objects and the subject, and its interrelations with other subjects..... 6
1.2. Objectives of the subject "Regional and local economy"..... 9
1.3. Principles and methods used in the management of regional and local economy..... 10
1.4. Increasing the role of local management in regulating complex social and economic development of regions..... 13
Brief conclusions..... 15
Questions for discussion and control..... 15
Main literature..... 15

Part-II. Essence of regional policy and ways of carrying it out 16

2.1.Ways of carrying out regional policy and its importance..... 16
2.2. Foreign practice of regional economic policy..... 18
2.3.The basic directions of regional policy of Uzbekistan during the years of Independence..... 19
Brief conclusions..... 21
Questions for discussion and control..... 21
Main literature..... 21

Part-III. The organization of regional economy and the system of its regulation..... 22

3.1. Management systems of organizations and planning in region, their functions and duties..... 22
3.2. Coordination of plans of social and economic development of region and activities providing their performance..... 26
Brief conclusions..... 28
Questions for discussion and control..... 28
Main literature..... 28

Part-IV. Economy of the systems of local self-management and regulation of their development..... 29

4.1.System of local self-management and its components..... 29

4.2.Economic and financial bases of the system of local self-management, expansion of their procuration..... 30
Brief conclusions..... 33
Questions for discussion and control..... 33
Main literature..... 33

Part-V. Formation and development of the industrial forces on the basis of market mechanisms..... 34

5.1.Theories on setting industrial forces..... 34
5.2.Principles and factors of setting industrial forces..... 36
5.3.Considering the types of industrial enterprises..... 37
5.4. Social protection of the population involved in manufacturing..... 38
Brief conclusions..... 42
Questions for discussion and control..... 42
Main literature..... 42

Part-VI. Manpower of the region..... 43

6.1. Manpower and regional characteristics..... 43
6.2. Labor force and the parameters reflecting its usage..... 44
6.3. Types of unemployment and their essence..... 47
6.4. Natural level of unemployment and problems of full manpower utilization..... 47
6.5. Classical and Keynesian theory of employment..... 49
Brief conclusions..... 53
Questions for discussion and control..... 54
Main literature..... 54

Part-VII. Development of the basis of industrial branches of the region..... 55

7.1. Structure of the regional industry and its development..... 55
7.2. Practice of support and stimulation of regions..... 55
7.3. Development of agriculture in regions..... 62
7.4. Program of development of capital construction in region 68
7.5. Development of transport in the region 72
Brief conclusions..... 76
Questions for discussion and control..... 77
Main literature..... 77

Part-VIII. Development of basic branches of social sphere of the region..... 78

8.1. Concept of social policy, its importance and essence..... 78
8.2. Structure and necessity of development of social sphere..... 79
8.3. Regulation of education during the transition to market economy..... 80
8.4. System of public health services during the transition period..... 84
8.5. Development of regulation of communal and municipal services in region..... 87
8.6. Development of communal services in region..... 91
Brief conclusions..... 94
Questions for discussion and control..... 95
Main literature..... 95

Part-IX. Regulation of manpower usage and preservation of environment in the region..... 96

9.1. Ecological situation in the Republic and regions and tasks to be done in this direction..... 96
9.2. The basic directions of effective utilization of natural resources 98
9.3.Nowadays inter-regional ecological problems..... 100
9.4. Economic mechanism of nature utilization. 102
Brief conclusions..... 104
Questions for discussion and control..... 105
Main literature..... 105

Part-X. Finance of the regions..... 106

10.1. Essence, components of financing of the region and its importance in the social and economic development of region..... 106
10.2. Regional finance – the basic financial source of the budget of regional authorities..... 108
10.3. The financial resources of the enterprise directed to the development of the region..... 116
10.4. External funds (out of regional budjets)..... 117
Brief conclusions..... 119
Questions for discussion and control..... 120
Main literature..... 120

LIST OF BIBLIOGRAPHY..... 121

РАҲИМОВА МУКАРРАМХОН РАҲИМОВНА

МИНТАҚА ВА МАҲАЛЛИЙ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ

(Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурод Жумаев
Мусаввир: Акбарали Мамасолиев.
Муҳаррир: З. Йўлдошев
Техник муҳаррир: Ш.Таджиев
Мусаҳҳиҳ: Ж. Йўлдошев
Компьютерда саҳифаловчи: С.Ғаффоров

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsuc.uz
Электрон почта манзили: info@tsuc.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.
Қоғоз формати 60x84 $^{1}/_{32}$. Офсет босма усулида босилди.
Нашр босма тобоғи 8. Нусхаси 500
Буюртма № 174

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Неру,1.

«Taraqqiyot ПСН» фирмаси матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Белтепа маҳзеси, 18-6.

РАХИМОВА Мукаррамхон Рахимовна — «Макроиқтисодиёт» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, Олий таълим аълочиси. У 6 та ўқув қўлланма, 30 дан ортиқ илмий мақолалар ва ўқув услубий ишларнинг муаллифи.

Илмий ишларининг асосий мавзуси — бандлик, меҳнат бозори муаммоларига бағишланган.

Нашриёдиёт ва статистика
факультети босмаси